

---

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

---

---

**Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси, Бюджетнома ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг  
ХУЛОСАСИ**

**Тошкент – 2024 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>I. Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>II. 2024 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози. ....</b>	<b>3</b>
2.1. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ).....	3
2.2. Ташқи савдо айланмаси. ....	8
2.3. Истеъмол нархлари индекси.....	11
<b>III. Бюджетномада кўзда тутилган 2024 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг даромадлари таҳлили. ....</b>	<b>13</b>
3.1. Фискал стратегия ва Бюджетномада кўзда тутилиши лозим бўлган солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар.....	13
3.2. Солиқ ва божхона сиёсатидаги ўзгаришлар.....	16
3.3. Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни лойиҳаси бўйича. ....	22
3.4. Давлат бюджети даромадларининг 2025 йилги прогнози ва 2026–2027 йиллар учун мўлжаллари.....	24
3.5. Бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиши, тўлиқлиги ва яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича таклифлар.....	27
<b>IV. Бюджетнома ва 2025 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетининг харажатлари таҳлили.....</b>	<b>53</b>
4.1. Бюджетнома ва 2025 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Қонун лойиҳаси таҳлили.....	53
4.2. Консолидациялашган бюджет жамланма параметрларининг 2024 йилги кутилаётган ижроси ва 2025-2027 йиллар учун прогнозлари.....	54
4.3. Бюджет харажатларини такомиллаштириш .....	72
4.4. Марказлаштирилган харажатлар .....	77
4.5. Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш. ....	95
<b>V. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари таҳлили. ....</b>	<b>103</b>
5.1. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси. ....	105
5.2. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси.....	106
5.3. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси.....	106
5.4. Давлат мақсадли жамғармаларни сақлаш харажатлари таҳлили.....	108
5.5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси. ....	109
<b>VI. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги.....</b>	<b>109</b>
6.1. Давлат ташқи қарзининг 2025 йилдаги кутилаётган прогнозлари. ....	109
6.2. Давлат дастурларига йўналтирилган ташқи қарз ҳисобидан 2025 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар таҳлили.....	111
6.3. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш.....	112
<b>VII. Хулоса .....</b>	<b>115</b>

## I. Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 26-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ “2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, Бюджетнома ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг (кейинги ўринларда - Ҳисоб палатаси деб юритилади) Хулосаси тайёрланди.

Хулосани тайёрлаш жараёнида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, соҳалар бўйича мақсадлари вазифаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 97-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиш учун жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси (кейинги ўринларда - Қонун лойиҳаси), Бюджетнома ва бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари (кейинги ўринларда – Бюджетнома) Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 сентябрдаги 03/23—1-2-20153-сонли хати билан киритилган.

Ҳисоб палатаси томонидан Қонун лойиҳаси ва Бюджетнома Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари билан биргаликда тақдим этилган маълумотлар асосида кўриб чиқилди.

## II. 2024 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози.

### 2.1. Ялли ички маҳсулот (ЯИМ).

**2.1.1.** Бюджетномада Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2024 йил давом этаётган глобал сиёсий зиддиятлар ва ноқулай иқтисодий вазиятлар фонида 2023 йилдаги 6,3 фоиздан 6,0 фоизгача секинлашиши кутилётганлиги кўрсатилган. Шунингдек, мазкур кўрсаткич 2025 йилда 6,0 фоизни ташкил этиб, 2026-2027 йилларда мос равишда 6,1 ва 6,3 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

Халқаро валюта жамғармасининг сентябрь ойидаги миссияси доирасидаги пресс-релизида Ўзбекистон иқтисодиёти 2024 йилда 5,6 фоизга, 2025 йилда эса 5,7 фоизга ўсиши прогноз қилинган бўлиб, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминлашни чеклаши мумкин бўлган геосиёсий чақириқлар, хомашё товарлари нархларининг ўзгарувчанлиги, кутилмаганда жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг секинлашиши, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналар ва

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари билан боғлиқ шартли мажбуриятларни юзага келиши бўйича хатарлар мавжудлиги таъкидланган.

Шу билан бирга, 2024 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) реал ўсиш суръати прогнозга нисбатан 0,2 фоиз бандга юқори бўлиши ҳамда ЯИМ ҳажми 1 412,1 трлн сўм ташкил этиши кутилмоқда.

Бюджетномага мувофиқ 2025 йил ва келгуси ўрта давр учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозиди куйидаги асосий йўналишлардаги ислохотлар амалга оширилиши инобатга олинган:

- мамлакат энергетика хавфсизлигини ва самарадорлигини таъминлаш;
- давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банкларини ислох қилиш ва хусусийлаштириш;
- яшил иқтисодиёт ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- қишлоқ ва сув хўжалигида ислохотларни кучайтириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни тубдан яхшилаш ишларини жадаллаштириш;
- ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш;
- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;
- ички ва ташқи туризмни ривожлантириш;
- бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш, экспортни ошириш.

Тақдим этилган Бюджетнома ва “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида 2025 йилда ЯИМ ҳажмининг прогнози 1 629,8 трлн сўмни, 2024 йилга нисбатан реал ўсиш суръати 6,0 фоиз, ЯИМ дефлятори 8,9 фоиз бўлиши баҳоланиб, аҳоли жон бошига 3 251 долларни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2025 йилги ЯИМ прогнози

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2024 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)
	<b>Ялпи ички маҳсулот, жами</b>	<b>1 629 765</b>	<b>100</b>	<b>105,8</b>
<b>I.</b>	<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1 552 206</b>	<b>95,2</b>	<b>106,0</b>
1.	Саноат	396 277	24,3	106,1
2.	Қурилиш	122 366	7,5	114,2
3.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	305 172	18,7	104,1
4.	Хизматлар	728 391	44,7	105,4

№	Кўрсаткичлар	Миқдори	ЯИМ таркибидаги улуши (фоиз)	2024 йилга нисбатан реал ўсиш (фоиз)
II.	Маҳсулотларга соф солиқлар	77 560	4,8	105,9

Прогноз қилинаётган ЯИМ ҳажмининг таркибида қўшилган қиймат миқдори 1 552,2 трлн сўми (ЯИМнинг 95,2 фоизи) ҳамда маҳсулотга соф солиқлар 77,6 трлн сўми ташкил этмоқда.

Тармоқлар кесимида қўшилган қийматнинг энг катта улуши (44,7 фоиз) хизматлар кўрсатиш соҳасига тўғри келиб, ушбу тармоқ бўйича яратиладиган қўшилган қиймат ҳажми 728,4 трлн сўми ташкил этиши прогноз қилинмоқда.


Шунингдек, ушбу кўрсаткич саноат бўйича 396,3 трлн сўм (24,3 фоиз), қурилиш бўйича 122,4 трлн сўм (7,5 фоиз) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича 305,2 трлн сўм (18,7 фоиз) миқдорида бўлиши кутилмоқда (1-расм).

ЯИМни 2026-2027 йилларга мақсадли мўлжаллари мос равишда 1 865,7 трлн сўм ва 2 125,3 трлн сўми ташкил этиши, ўсиш суръати 2026 йилда 6,1 фоиз ва 2027 йилда 6,3 фоиз бўлиши мақсадли мўлжал сифатида ҳисоб-китоб қилинган.

2025 йилда тармоқлар бўйича реал ўсиш суръати қурилишда 14,2 фоизни, саноат 6,1 фоиз, хизматлар 5,4 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида эса 4,1 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Ушбу даврда маҳсулотларга соф солиқлар реал ўсиш суръати эса 5,9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

1-расм


### Ялпи ички маҳсулот таркиби, фоизда



2023 йилда ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)нинг 6,2 фоиз ўсиш суръатининг 3,2 фоизи хизматлар, 1,5 фоизи саноат, 0,9 фоизи қишлоқ хўжалиги ва 0,5 фоизи қурилиш ҳисобига таъминланган бўлса, 2025 йилга келиб ЯҚҚнинг 6,0 фоиз ўсиш суръатининг 2,6 фоизи хизматлар, 1,5 фоизи саноат, 1 фоизи қурилиш ва 0,8 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳисобига таъминланиши прогноз қилинган.

## 2-расм

### Ялпи қўшилган қиймат ўсиш суръатида тармоқлар ҳиссаси, фоизда



**2.1.2.** Электр энергия ишлаб чиқариш йўналишида айрим ишга тушириладиган ДХШ лойиҳалари келтирилган бўлиб, бунда жами электр энергиясига бўлган талаб, шунингдек, электр энергия ишлаб чиқарувчи ИЭСларига етказиб бериладиган табиий газ ресурслари қисқариши ҳисобига қанча электр энергия ишлаб чиқариши камайиши ҳамда ДХШ асосида янги ишга туширилаётган муқобил электр энергия ишлаб чиқарувчи лойиҳалар ушбу қисқаришни ҳамда қўшимча ўсишни таъминлаши бўйича аниқ ҳисоб-китоблар акс эттирилмаган.

Шунингдек, 2025 йил ва келгуси ўрта муддатли даврда прогнозларга эришиш учун “нефть-газ, кимё, энергетика, транспорт, банк соҳаларидаги йирик корхоналарнинг акция пакетлари халқаро бозорда оммавий савдоларини, акцияларининг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифини амалга ошириш” назарда тутилган.

2023 йил бошига ҳисоботлари мавжуд жами **1 855 та** давлат корхоналари ва тижорат банкларидан **1 206 таси 41,1 трлн сўм** соф фойда кўрган бўлса, **439 таси (24 фоизи) 13,2 трлн сўм** зарар билан яқунлаган.

Бунда, жами зарарнинг **83 фоизи (11 трлн сўми)** нефт-газ ва энергетика соҳасидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

### Тавсия:

даромадлиги юқори ва йиллар давомида узлуксиз дивиденд тўловчи корхоналарни қимматли қоғозлар бозорида жозибатор бўлишини инobatга олиб, нефть-газ, кимё, энергетика ва транспорт соҳасидаги давлат иштирокидаги корхоналарининг даромадини ошириш орқали уларнинг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий жойлаштириш таклиф этилади.

Бозор учун ўзига хос сигнал бериш мақсадида биринчи навбатда қимматли қоғозлари юқори ликвидли бўлган акциядорлик жамиятлари томонидан IPOга чиқишлари лозим бўлади.

Шу билан бирга, узоқ муддатли корпоратив стратегия асосида иш олиб бориш, акциядорлик жамиятларининг тайёргарлик даражасини IPO тестидан ўтказиш ҳамда стратегик жамиятларда давлатнинг асосий улушларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

**2.1.3.** 2025 йилда қишлоқ хўжалигида 2024 йилга нисбатан **4,1 фоизга** кўпроқ ёки **529,8 трлн сўмлик** маҳсулот ишлаб чиқариш прогноз қилинган бўлиб, бунга қишлоқ хўжалиги инфратузилмаларини яхшилашни ташкил этиш ва молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги ҳосилини суғурталаш тизимини ташкил этиш, сувнинг ягона онлайн ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш, сув сарфини қисқартириш ва ирригация соҳасига хусусий сектор ва ДХШ асосида лойиҳаларни кенгайтириш назарда тутилган.

### Тавсия:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатларини таъминловчи омиллар ва уларнинг аниқ ҳисоб-китобларини акс эттириш (мисол учун, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳисобига, уруғчилик, техника ва кимёвий ўғитлар самарадорлиги ҳисобига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда самарали жойлаштириш ҳисобига, янги лойиҳалар ҳисобига қўшимча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эттирилиши);

2025-2027 йилларга мўлжалланган Фискал стратегияга мувофиқ “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини **2 баробар** ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш вазифаларидан келиб чиқиб, Бюджетнома лойиҳасининг II-бобида “аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг АҚШ долларига етказиш” асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган.

2-жадвал

### Жаҳон банкининг услубиётига кўра давлатларнинг даромадлари (аҳоли жон бошига ЯММ) бўйича гуруҳланиши

Таснифланиши	01.07.2020	01.07.2021	01.07.2022	01.07.2023	02.07.2024
Паст даромадли	<= 1 035	<= 1 045	<= 1 085	<= 1 135	<= 1 145

Таснифланиши	01.07.2020	01.07.2021	01.07.2022	01.07.2023	02.07.2024
Даромади ўртачадан паст	1 036 – 4 045	1 046 – 4 095	1 086 – 4 255	1 136 – 4 465	1 146 – 4 515
Даромади ўртачадан юқори	4 046 – 12 535	4 096 – 12 695	4 256 – 13 205	4 466 – 13 845	4 516 – 14 005
Юқори даромадли	> 12 535	> 12 695	> 13 205	> 13 845	> 14 005

Жаҳон банки томонидан ҳар йили аҳоли жон бошига даромадлари бўйича давлатларни гуруҳлаш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда **аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот** ҳажми 4 516-14 005 доллар бўлган давлатлар даромади ўртачадан юқори бўлган гуруҳга киритилган.

### Тавсия:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2030 йилгача даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш мақсадида Бюджетнома лойиҳасида 2030 йилгача мақсадли кўрсаткичларни юқоридаги гуруҳлаштириш чегараларини ҳамда йиллик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш тавсия этилади.

### 2.2. Ташқи савдо айланмаси.

2024 йилда ташқи савдо айланмаси 67,4 млрд доллар бўлиши кутилмоқда. Бунда, экспорт 28 289 млн доллар, импорт 39 120 млн доллар атрафида шаклланиши прогноз қилинган.

Шу билан бирга, экспорт ҳажми 13,7 фоизга ўсиши кутилаётган бўлса, импорт ҳажми ўсиш суръати бироз секинроқ 1,2 фоиз бўлиши прогноз қилинган.

2025 йилда ташқи савдо баланси 2024 йилга нисбатан 5,6 фоизга юқори бўлиши прогноз қилинган. Бунда, импорт ўсиш суръати экспортга қараганда 3,1 фоиз бандга тезроқ ўсиши ҳисоб-китоб қилинган.

### 3-жадвал

#### 2024 йилда кутилаётган ташқи савдо айланмаси

млн доллар

Кўрсаткичлар	2024 йил кутилаётган		2025 йил прогноз		Ўзгариши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Ташқи савдо айланмаси	67 409	60,3	71 179	57,9	105,6
Экспорт	28 289	25,3	30 377	24,7	107,4



Кўрсаткичлар	2024 йил кутилаётган		2025 йил прогноз		Ўзгариши (фоиз)
	Амалдаги миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	Миқдори	ЯИМдаги улуши (фоиз)	
Импорт	39 120	35,0	40 802	33,2	104,3
Сальдо	- 10 831	9,7	- 10 425	8,5	x

Экспорт таркибида олтин экспорти 2024 йилда 30,0 фоизни ташкил этиши кутилаётган бўлса, 2025 йилда 25,0 фоизгача пасайиши прогноз қилинган. 2027 йилга (20,0 фоиз) бориб 2022 йилнинг кўрсаткичидан пастроқ даражага бўлиши кутилмоқда.

#### 4-жадвал

#### 2022-2027 йилда ташқи савдо айланмаси тўғрисида маълумот

млн доллар

Йиллар	Экспорт	жумладан олтинсиз экспорт	жами экспортдаги улуши, %
2022 йил (амалда)	19 733	15 472	78,4
2023 йил (амалда)	24 869	16 609	66,8
2024 йил (кутилиш)	28 289	19 789	70,0
2025 йил (прогноз)	30 377	22 789	75,0
2026 йил (прогноз)	33 877	26 289	77,6
2027 йил (прогноз)	37 877	30 289	80,0

“Reuters” агентлигининг 2024 йил 30 сентябрдаги “FACTBOX Most banks expect gold’s bull run to persist into 2025” мақоласида 2024 ва 2025 йилларда айрим йирик банклар ва тадқиқотчилар томонидан олтин (1 унция) нархининг қуйидагича прогнози келтирилган:

#### 5-жадвал

#### 2024-2025 йилларда олтин нархининг айрим йирик банкларнинг брокерлик прогнозлари (1 унцияси учун доллар)

Брокерлик агентликлар	2024 йил (кутилиш)	2025 йил (прогноз)	Изоҳ
Commerzbank*	\$2 600	\$2 600	2025 йил ўртачи учун \$2 600

Брокерлик агентликлар	2024 йил (кутилиш)	2025 йил (прогноз)	Изох
ANZ* (Australia and New Zealand Banking Group)	\$2 394	\$2 805	2025 йил якунида \$2 900
Macquarie	\$2 339	\$2 463	2025 йил I чорагида энг юқори нарх \$2 600, \$3 000 гача потенциал ўсиш
Goldman Sachs	\$2 395	\$2 973	2025 йил бошида \$2 900
UBS	2025 йил ўрталарида \$2 700		
BofA	\$2 365	\$2 750	Олтин нархини \$3 000 гача етиш эҳтимоли
J.P. Morgan	\$2 398	\$2 775	Хитой ва Марказий банкларни олтинга юқори талаби унинг нархини ошишига сабаб бўлади
Citi Research	\$2 360	\$2 875	2025 йил учун ўртача базавий нарх прогнози \$2 800-\$3 000

*\*) давр якунида прогноз.*

Агентлик томонидан таъкидланишича, JP Morgan Америка банки таҳлилчиларига кўра Хитой ва Марказий банклар томонидан олтинга юқори талаб, унинг нархини ошишига асосий омиллардан бўлмоқда.


Инвесторлар ва махсус хомашё жамғармалари бозордаги хулқ-атворида асосан ушбу нарх ошиши АҚШнинг Федерал резерв тизими асосий ставкаси оширилиши фонида қадар давом этиши билдирилган.

Швецариянинг UBS банки таҳлилчилари олтин нархи жорий йилда бир неча бор ўз рекордини янгиллаган бўлсада, келгуси 6-12 ойда олтин нархининг яна ошиш потенциали борлигига ишора қилишган.

Жорий йил октябрь ойининг 10 кунлигида олтиннинг 1 унцияси учун ўртача нархи 2 645 АҚШ долларини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 30 фоизга ёки 611 АҚШ долларга ошган.

Олтин нархи юқори ўсиш суръатлари ойлар кесимида таҳлил қилинганда март ва апрель ойларида (икки ойда 15,4 фоизга ўсган) кузатилган. Шу билан бирга сўнги 4 ойда ўртача 3,2 фоиздан ошган. Олтин нархининг ўсиш суръатлари дунёдаги геосиёсий нобарқарорлик, шунингдек йирик марказий банклар томонидан талабни ошиши билан боғлиқдир.

### 2022-2024 йилларда олтиннинг ўртача ойлик халқаро нархлари тўғрисида маълумот



Манба: Лондон қимматли металлар бозори уюшмаси маълумотлари

### 2.3. Истеъмол нархлари индекси.

Бюджетнома лойиҳасида 2025 йилда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинган бўлиб, 2024 йилда кутилаётган 9 фоизлик даражада бўлиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, ЯИМ дефлятори 2025 йилда 8,9 фоизни ташкил этиши прогноз қилинган бўлиб, 2024 йил учун (11,7 фоиз) кутилаётган кўрсаткичдан 2,8 фоиз бандга тушиши кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарори билан 2025 йил 1 апрелдан:

#### электр энергияси бўйича:

– III гуруҳ истеъмолчилари учун бир ойдаги истеъмолдан келиб чиқиб ойига 200 кВт соатгача **электр энергияси истеъмоли** учун нархлар 33,3 фоизга, 200 кВт соатдан юқори истеъмол учун нархлар 11,1 фоизга;

– истеъмолчиларнинг IV гуруҳи учун 11,0 фоизга ошиши.

#### Табий газ бўйича:

– “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек бюджет ташкилотлари учун 11,1 фоизга;

– автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (шу жумладан, балансида автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари мавжуд бўлган юридик шахслар) учун 38,9 фоизга;

– иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари учун 20 фоизга;

– коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда) минимал лимит чегарасидаги истеъмолчилар учун 53,8 фоизга;

– коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига (газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда) овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун 20,0 фоизга, иситиш учун 27,3 фоизга;

– маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суюлтирилган газ 25,0 фоизга ошиши режалаштирилган.

Статистика агентлиги томонидан инфляция даражасини ҳисоблашда фойдаланиладиган истеъмол товарлари савати 510 та товар ва хизматдан иборат бўлиб, унда электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув таъминоти, марказий иситиш хизмати, метро, трамвай, шаҳар автобуслари ва троллейбус хизматларидан фойдаланиш 2024 йилда умумий истеъмол саватида вазни 4,1 фоизни ташкил этади.

#### **Тавсия:**

2025 йилда ташқи ва ички хатарларни инобатга олиб инфляция даражасини белгиланган прогноз даражасидан ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

### Ш.Бюджетномада кўзда тутилган 2024 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджетининг даромадлари таҳлили.

#### 3.1. Фискал стратегия ва Бюджетномада кўзда тугилиши лозим бўлган солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар.

**3.1.1.** Бюджет кодексининг 96-моддасига асосан Бюджетнома таркиби янгиланган Фискал стратегияни ўз ичига олиши ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Фискал стратегия ишлаб чиқилиши белгиланган.

2025-2027 йиллар (ўрта муддатли давр) учун янгиланган Фискал стратегия ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар 2025-2027 йиллар учун мўлжалланган Фискал стратегиядан келиб чиққан ҳолда олиб борилди.

Бюджетномада қайд этилган қуйидаги солиқ ва бюджет сиёсатидаги асосий йўналишлар **Фискал стратегияда назарда тутилмаган:**

– таркибида шакар мавжуд бўлган газланмаган салқин чойлар, мева шарбатлари, саноат усулида ишлаб чиқарилган компотларнинг ва бошқа газланмаган шакарли ичимликларга акциз солиғи жорий этилиши;

– таркибида шакардан бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган газланган ва газланмаган ичимликларнинг 1 литри учун акциз солиғи ставкасининг пасайтирилиши;

– электр аккумуляторлар учун утилизация йиғими жорий этилиши;

– республикага импорт қилинган табиий газга акциз солиғи жорий этилиши ва акциз солиғи ставкасининг пасайтирилиши;

– 2025 йил 1 июлдан бошлаб айрим ҳолатларда декларацияни солиқ органларига тақдим этиш талабининг жорий этилиши;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажмини ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда сув солиғи ставкасини оширувчи коэффициентларнинг қўлланилиши;

– норуда қурилиш материаллари ҳамда кон-кимё хомашёси бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг ўзгартирилиши ва индексация қилиниши;

– мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларининг индексация қилиниши;

– Солиқ қўмитасига норуда фойдали қазилма ҳажмини аниқлаш бўйича ўлчов ишларини амалга ошириш учун қўшимча маркшейдерлик хизматларини жалб қилиш ваколатининг берилиши ҳамда норуда фойдали қазилмалардан

тушадиган тушумнинг 3 фоизини Солиқ қўмитасининг махсус жамғармасига йўналтирилиши;

– Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб туман ёки шаҳарларда фаолият юритадиган ЯТТларга вилоятдаги ЯТТлар учун белгиланган энг юқори ставкаларни қўллаш ваколатининг берилиши;

– Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига сув ҳамда норуда қурилиш материаллари бўйича (цементдан ташқари) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган қатъий ставкаларига оширувчи ва камайтирувчи коэффицентларни қўллаш ваколатининг берилиши;

– Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига кўчмас мулк ижара бозоридида шаклланган ҳақиқий ижара нархларидан келиб чиқиб 1,3 бараваригача оширувчи коэффицентларни қўллаш ваколатининг берилиши;

– Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудлар бўйича Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффицентларни жорий этиш ваколатининг берилиши;

– Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ҳудудларнинг 4 ва 5-тоифалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш ёки вақтинча тўхтатиб туриш ваколатининг берилиши;

– Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг ЯТТлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффицентни қўллаш ваколатининг бекор қилиниши.

### **Тавсия:**

Янгиланган Фискал стратегияда мазкур **15 та** йўналишдаги солиқ сиёсати ўзгаришларини инобатга олиш.

**3.1.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.08.2024 йилдаги **ПФ-132-сон** “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида солиқ сиёсати билан боғлиқ қуйидаги вазифалар белгиланган:

– Фармоннинг **6-банди “а” кичик бандида** экспорт операциялари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплашда:

– солиқ тўловчилардан Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар белгиланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган хужжатларни солиқ органларига тақдим этиш талаб этилмаслиги;

– божхона органлари томонидан реал вақт режимида электрон ахборот алмашинуви воситасида солиқ органларига товарлар божхона чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисида тақдим этилган маълумотлар товарлар экспорт қилинганлигини тасдиқлаш учун асос бўлиши;

Бунда мазкур тартиб ушбу Фармон кучга киргунга қадар бўлган даврдаги экспорт операциялари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш учун тақдим этилган аризаларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши **белгиланган**.

**“б” кичик бандида** асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи қисмлар импортига оид контрактда уларни етказиб бериш муддати 180 кундан ортиқ этиб белгиланган бўлса, мазкур операция бўйича активларни репатриация қилиш муддати сифатида контрактда кўрсатилган етказиб бериш муддати эътироф этилиши белгиланган.

Фармоннинг **7-бандида** 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар умумий овқатланиш корхоналарига фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилиши белгиланган.

Шунингдек, Фармоннинг **8-бандида** 2024 йил 1 октябрдан бошлаб туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини, 2025 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига 2028 йил 1 январга қадар ҳар ойнинг 25 санасига қадар тўланган қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қуйидаги миқдорларда республика бюджетидан **қайтариш тизими жорий этиш белгиланган**:

а) ойлик товар айланмасининг нақд пулсиз (тўлов терминаллари ёки мобил тўловлар орқали) қисми:

60 фоиздан ошган умумий овқатланиш корхоналарига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 40 фоизи;

60 фоиздан кам умумий овқатланиш корхоналарига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизи;

б) туроператорлик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига — бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғининг 20 фоизи.

### **Тавсия:**

Янгиланган фискал стратегияда мазкур солиқ сиёсати ўзгаришларини инобатга олиш.

**3.1.3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2024 йилдаги **ПҚ-109-сон** “«Ўзбекистон—2030» стратегиясида белгиланган асосий

йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан қуйидаги вазифалар белгиланган:

– Давлат объектларини реализация қилиш бўйича айланмани кўшилган қиймат солиғидан озод этиш;

– аҳолига хизмат кўрсатувчи бюджет ташкилотлари, газ ва нефть маҳсулотини сотувчи ва мулкни ижарага берувчи юридик шахслар, қурилиш корхоналари томонидан жисмоний шахсларга сотиладиган кўчмас мулк объектлари учун тўловларни нақдсиз шаклда электрон ҳисобварақ-фактура асосида амалга ошириш.

### **Тавсия:**

Янгиланган фискал стратегияда мазкур солиқ сиёсати ўзгаришларини инобатга олиш.

## **3.2. Солиқ ва божхона сиёсатидаги ўзгаришлар.**

### **3.2.1. 2025 йил 1 январдан бошлаб:**

– уяли алоқа хизматларига солинадиган **акциз солиғини** қўллаш муддати яқунланиши сабабли бекор қилиш кўзда тутилмоқда.

Таҳлил қилинганда, мазкур солиқ турининг бекор қилиниши ҳисобига бюджет даромадларида 1,1 трлн сўм йўқотилиши маълум бўлди.

Ушбу солиқ турининг яқуний тўловчиси уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар бўлиб, уяли алоқа компанияларнинг молиявий ҳолатига таъсир қилмайди.

### **Тавсия:**

Давлат бюджети дефицитини қисқартириш ва бюджет барқарорлигини сақлаш мақсадида мазкур солиқни амалда сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқ.

**3.2.2.** Шакардан бошқа ширинлаштирувчи ёки хушбўйлаштирувчи моддалар мавжуд бўлган газланган ичимликларнинг 1 литри учун акциз солиғини амалдаги 500 сўмдан 300 сўмгача пасайтириш ва газланмаганига ҳам шу миқдорда жорий этиш таклиф этилмоқда.

Айнан бир турдаги газланган ичимликни ишлаб чиқаришда шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи (хушбўйлаштирувчи) модда қўшилганини аниқлаш **бир томондан** солиқ маъмурчилигини мураккаблаштиришга ва **иккинчи томондан** солиқ тўловчига солиқдан қочиш учун шароит яратиб берилишига олиб келади.

Жумладан, мазкур норма киритилиши ҳисобига солиқ маъмурчилигида газланган ичимликка шакарнинг ўрнига бошқа ширинлаштирувчи модда қўшилганлик фактини тасдиқлаш масаласи юзага чиқади.

Бу эса, солиқ назорати жараёнида қўшимча тадбирларни амалга оширишга,



солиқ тўловчилар томонидан ортиқча ҳужжатлар юритилишига олиб келади.

### **Тавсия:**

Мазкур турдаги ичимликларни ишлаб чиқаришда шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи (хушбўйлаштирувчи) модда қўшилганидан қатъий назар амалдаги солиқ ставкасини ўзгаришсиз қолдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**3.2.3.** Қуйидаги ҳолатларда декларацияни солиқ органларига тақдим этиш талабини жорий этиш таклиф этилмоқда:

- кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш шартномасини нотариал тасдиқлашда;
- тижорат банкларидан жисмоний шахс сифатида кредит олиш;
- фонд бозорида қимматли қоғозлар билан олди-сотди операцияларини амалга оширишда;
- юридик шахслар устав капиталига базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари ва ундан кўп миқдордаги маблағларни ва моддий ресурсларни (кўчмас мулкдан ташқари) улуш сифатида киритишда;
- олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш;
- нодавлат мактабгача таълим ва умумтаълим, профессионал ҳамда олий таълим хизматлари учун амалга оширилган тўловлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи имтиёзидан фойдаланишда.

Бунда, 2027 йил 1 январга қадар жисмоний шахс томонидан топширилган декларациядаги даромад миқдори битимларни рад этиш учун асос бўлмаслиги белгиланмоқда.

### **Тавсия:**

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, нодавлат мактабгача таълим ва умумтаълим, профессионал ҳамда олий таълим хизматлари учун амалга оширилган тўловлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи имтиёзидан фойдаланишда солиқ органларига декларация тақдим этилади.

*Солиқ кодексининг 391-моддасига асосан солиқ тўловчи солиқ декларациясини тақдим этган ҳолда, илгари солиқ агенти томонидан ортиқча ушланган ва бюджет тизимига ўтказилган солиқ суммасини қайтариб олиши мумкин.*

Шу сабабли, лойиҳанинг ушбу қисмини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

**3.2.4.** Норуда қурилиш материаллари ҳамда кон-кимё хомашёсига ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкаларини инфляция даражасида 10 фоизга индексация қилиш таклиф этилган.

Шунингдек, кум-шағал аралашмаси бўйича адвалор ставка бекор қилиниб ўрнига 5 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган қатъий ставка жорий қилинмоқда ҳамда қурилиш куми ҳамда кумтошлар учун адвалор ставка сақлаб қолинган ҳолда 4 620 сўм/куб.м дан кам бўлмаган қатъий ставка белгиланмоқда.

Амалиётда, дарё ўзанларида қазиб олинаётган кумлар, кумтошлар ва кум-шағал аралашмалари бир-бирига яқин қазилма бўлиб, солиқ ҳисоботларида кумлар ва кумтошлар учун белгиланган ставканинг пастлиги ҳисобига қазиб олинган кум-шағал аралашмаларини кумтош сифатида акс эттирган ҳолда солиқдан қочишга шароит яратилишига олиб келиш хавфи юқори.

### **Тавсия:**

Тоғ-кон саноатида кум-шағал аралашмасига турдош бўлган қурилиш куми ҳамда кумтошлар учун ҳам адвалор ставкани бекор қилган ҳолда, кум-шағал аралашмаси, қурилиш куми, кумтошлар учун **ягона қатъий ставкани** 5 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ.

**3.2.5.** Кон-кимё хомашёси сифатида балансга олинган минерал тузлар (*тош туз (овқатга ишлатиладигани), калий тузи, сульфат тузи*), карбонат хомашёси (*оҳактошлар, доломитлар*), минерал ўғитлар (*глауконит, фосфоритлар ва бошқалар*) ҳамда бошқа кон-кимё хомашёсига ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ставкаси **3,5 фоиз**, бироқ **6 160 сўм/куб.м дан кам бўлмаган** миқдорда белгиланмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқнома” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 22 июлда 2699-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур йўриқнома асосида ҳисобот балансларини тузишда тузларнинг барча турлари глауконит, фосфоритлар, флюсли карбонатли хомашё (*оҳактошлар, доломитлар*) “тонна” ўлчов бирлигида юритилади, солиқ ҳисоботларида эса “метр куб” ўлчов бирлигида юритилмоқда.

Бу ҳолат амалиётда солиқ базасини тўлиқ қамраб олишда ва ҳисоботларни ягона форматда юритишда турли хил муаммо ва қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

**Тавсия:** Солиқ ҳисоботларида қўлланиладиган куб метр ўлчов бирлигини геология ҳисоботларида қўлланиладиган тонна ўлчов бирлигига мувофиқлаштириш лозим.

Шунингдек, солиқ ставкаларини кон-кимё хомашёсининг зичлигидан келиб чиқиб, қуйидагича табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади:

– минерал тузларнинг ўртача зичлиги 2,16 г/см<sup>3</sup>, солиқ ставкаси 3,5 фоиз, бироқ 2850 сўм/тоннадан кам бўлмаган миқдорда;

– глауконитнинг ўртача зичлиги  $2,2 \text{ г/см}^3$ , солиқ ставкаси 3,5 фоиз, бироқ 2800 сўм/тоннадан кам бўлмаган миқдорда;

– фосфоритларнинг ўртача зичлиги  $1,82 \text{ г/см}^3$ , солиқ ставкаси 3,5 фоиз, бироқ 3400 сўм/тоннадан кам бўлмаган миқдорда;

– флюсли карбонатли хомашё (*оҳактошлар, доломитлар*)нинг ўртача зичлиги  $1,022 \text{ г/см}^3$ , солиқ ставкаси 3,5 фоиз, бироқ 6000 сўм/тоннадан кам бўлмаган миқдорда.

Энг кам ставкаларни “тонна” ўлчов бирлигида белгиланиши ҳисобига қазиб олувчиларнинг Геология вазирлигига тақдим этаётган ҳисоботлари билан солиқ ҳисоботларини интеграция қилишга ва солиқ маъмурчилигини автоматлаштиришга қулай имконият яратади.

**3.2.6.** Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича табиий безактошдан блоклар учун 5 фоиз, бироқ 10 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган, мрамар учун 5 фоиз, бироқ 20 000 сўм/куб.м дан кам бўлмаган солиқ ставкаси белгиланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 206-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансини юритиш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган.

Мазкур низом бўйича давлат балансини юритишда мрамар ҳисоби “Табиий безактошдан блоклар” балансида юритилади.

Фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансида ҳисоби бирга юритиладиган ҳамда бир-бирига яқин бўлган қазилма бойликларга икки хил ставка ўрнатилиши **бир томондан** солиқ маъмурчилигини мураккаблаштиришга ва **иккинчи томондан** солиқ тўловчига солиқдан қочиш учун шароит яратиб берилишига олиб келади.

**Тавсия:** Солиқ маъмурчилигини мураккаблаштирамаслик ва солиқдан қочиш учун шароит яратилишини олдини олиш мақсадида, табиий безактошдан блоклар ҳамда мрамар учун ставкани бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ.

**3.2.7. 2025 йил 1 июлдан** бошлаб электрон тижорат иштирокчилари учун фойда солиғи (*7,5 фоиз*) ва айланмадан олинadиган солиқ (*2 фоиз*) бўйича имтиёзли солиқ ставкаларини бекор қилиш белгиланмоқда.

*2023 йилда тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат орқали амалга оширилган жами товар (хизмат) айланмаси 3,6 трлн сўмни (2022 йилда 3 трлн сўм) ташкил этган.*

*Бунда, 2023 йилда фойда солиғи бўйича 20 млрд сўм (2022 йилда 25 млрд сўм), айланмадан олинadиган солиқ бўйича эса 2 млрд сўм (2022 йилда 1 млрд сўм) миқдоридаги имтиёзлар электрон тижорат иштирокчилари ихтиёрида қолдирилган.*

**Тавсия:**

Солиқ кодексининг 4-моддасига асосан солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расман эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилиши белгиланган.

Шу боис, имтиёзли солиқ ставкаларини **2025 йил 1 июлдан** аввалроқ муддатларда бекор қилиниши амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ келганлиги боис, имтиёзли солиқ ставкаларини **2025 йил 1 апрелдан** бекор қилиш тавсия этилади.

**3.2.8.** 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган жисмоний шахсларнинг уй-жойлари бўйича мол-мулкка солинадиган солиқ суммаси, 2024 йил учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг 1,2 бараваридан оширилмаслиги белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 11-бандига асосан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг уй-жойлари бўйича мол-мулкка солинадиган солиқ кўчмас мулкнинг кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши **жорий этилган**.

Мол-мулкни кадастр қийматидан келиб чиқиб солиққа тортишга ўтилгандан сўнг, солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган солиқ миқдори 2017 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан **1,2 баравардан** кўпроққа оширилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

**2019 йилда** жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ миқдори 2018 йилда ҳисобланган солиқ суммасидан **1,3 баравардан** кўпроққа ошмаслиги белгиланган.

**2020 йилда** жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган мол-мулк солиғи суммаси 2019 йилда ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 баравардан** ортиқ оширилмаслиги белгиланган.

**2021 йилда** солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

**2022 йилда** солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

**2023 йилда** солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний

шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

**2024 йилда** солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2023 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг **1,3 бараваридан** ошмаслиги лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу масалада 2020 йилдан кейин қабул қилинган ҳужжатларида уй-жойларнинг 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси аввалги йилда ҳисобланган солиқ суммасидан маълум баравардан ошиб кетмаслиги белгиланиб келинмоқда.

Таҳлилларга кўра, агар уй-жойнинг кадастр қиймати дастлаб 2018 йилда белгиланган ва кейинчалик ушбу уй-жойнинг кадастр қиймати 2019 йилда ёки ундан кейинги даврларда ўзгарган (кадастр қиймати янгиланган) бўлса, мазкур тоифадаги уй-жойларга мол-мулк солиғини ҳисоблаш бўйича белгиланган чеклов таъсир қилмасдан, тўлиқ кадастр қийматидан ҳисобланиши лозим бўлади.

Бироқ, амалиётда солиқ органлари томонидан 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати кейинги йилларда ўзгарган (кадастр қиймати бошқа белгиланган) уй-жойларга солиқни тўлиқ кадастр қийматидан ҳисобланмасдан, чекловни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилмоқда.

Солиқ органлари ахборот тизимида кадастр қиймати 2021-2023 йилларда ўзгарган жисмоний шахсларнинг турар жойлари бўйича мол-мулк солиғининг ҳисобот йилида ҳисобланган солиқ суммаси аввалги йилда ҳисобланган солиқ суммасидан маълум бараваридан ошмаслик чеклови нотўғри қўйилганлиги сабабли, 2021 йилдан бошлаб 187 млрд сўм мол-мулк солиғи ҳисобланмасдан келинмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда кадастр қиймати ўзгарган жисмоний шахсларга тегишли 676 294 та турар жойга 2021-2024 йиллар учун 517,1 млрд сўм мол-мулк солиғи ҳисобланишини қайта кўриб чиқиш лозим.

### **Тавсия:**

Ўрта муддатли давр учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ солиш мақсадида мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва мол-мулк солиғи ставкаларини шу асосда қайта кўриб чиқиш назарда тутилганлигидан келиб чиқиб:

**1-вариант.** 2025 йилда жисмоний шахсларнинг уй-жойларига мол-мулк солиғини тўлиқ кадастр қийматидан ҳисоблаш;

**2-вариант.** 2025 йилдан бошлаб 2018 йилдан кейинги йилларда кадастр қиймати ўзгарган жисмоний шахсларнинг уй-жойлари бўйича мол-мулкка солинадиган солиқ тўлиқ кадастр қийматидан ҳисоблаш тавсия этилади.

### 3.3. Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонуни лойиҳаси бўйича.

**3.3.1.** Қонун лойиҳасининг 12-моддаси **олтинчи қисмида** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни **тақсимлашга ҳақли** эканлиги;

Қонун лойиҳасининг 12-моддаси **саккизинчи қисмида** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари туман ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ бириктирилган даромадларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига йўналтириши **тақиқланиши** (бунда даромадлари харажатларидан юқори бўлган шаҳар ва туманлар мустасно) белгиланган.

#### **Тавсия:**

Қонун лойиҳасининг 12-моддасини олтинчи ва саккизинчи қисмларида кўрсатилган солиқ турлари бўйича белгиланаётган ваколатлар ва тақиқловчи нормалар амалиётда бир-бирини инкор қилувчи жараёнлар ҳисобланиб, мазкур қисмларни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда қайта таҳрир қилиш лозим.

**3.3.2.** Қонун лойиҳасининг 12-моддаси **учинчи қисмида** жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва фойда солиғидан тушумлар қуйидаги улушларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилиши белгиланган:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг *(жисмоний шахслар мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари)* Навоий вилоятида 58 фоизи, Тошкент вилоятида 44 фоизи, Тошкент шаҳрида 10 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

– фойда солиғидан тушумларнинг *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари)* Навоий вилоятида 58 фоизи, Тошкент вилоятида 44 фоизи, Тошкент шаҳрида 10 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига

тегишли улушларда амалга оширилиши кўзда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғидан тушумлар тақсимоти бўйича ҳисоб-китоблар таҳлил қилинганда, улар Қонун лойиҳасидаги тақсимотларга мувофиқ эмаслиги аниқланди.

Масалан, Қонун лойиҳасининг 6-иловасида Навоий вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари ҳажми Давлат бюджети даромадларидаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 66 фоизи (Қонун лойиҳасининг 12-моддасида кўрсатилганга нисбатан 8 фоиз кўп) ва фойда солиғининг 64 фоизи (6 фоиз кўп) улуши билан ҳисобланиб шакллантирилган.

#### **Тавсия:**

Қонун лойиҳасининг 12-моддасини учинчи қисмидаги тақсимотларни қайта кўриб чиқиш лозим.

**3.3.3.** Қонун лойиҳасининг 12-моддаси ўнинчи қисмида давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2025 йилнинг 1 июлига қадар 2024 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2025 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши, шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2024 ва 2025 йиллардаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказилиши белгиланган.

Таркибига кирувчи корхоналарнинг соф фойдасидан дивидендларни бюджетга тўлаб берилиши Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларни Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларини ҳамда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини бузишга олиб келмоқда.

Бундан ташқари, давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлардан дивидендлар ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмалар йиғимини ундириш ваколати солиқ органларига берилган бўлсада, амалда субъектлар томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда ихтиёрий тўлаб берилмаган ҳолатларда уларни ундириш механизми аниқ белгиланмаган.

#### **Тавсия:**

1. Қонун лойиҳасининг 12-моддаси ўнинчи қисмидаги “(шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) деган жумлани чиқариб ташлаш”;

2. Давлат улуши бўлган жамиятлардан дивидендлар ва давлат унитар

корхоналарининг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмалар йиғими субъектлар томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда ихтиёрий тўлаб берилмаган ҳолатларда, шунингдек таркибига кирувчи корхоналар томонидан ҳисобот йилида олинган соф фойдасининг 100 фоизи миқдорида (хорижий молиявий ва таъсис шартномалар бўйича юклатилган мажбуриятларни инобатга олган ҳолда) жорий йилда тақсимланмаган ҳолатларда уларни ундириш механизмини ушбу Қонун лойиҳасида белгилаш.

**3.3.4.** Қонун лойиҳасининг 12-моддаси учинчи қисмида алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари) реализацияси учун акциз солиғининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи ўтказилиши белгиланган.

#### **Тавсия:**

Мазкур қисмда келтирилган таҳрир тўғри талқин қилинишини таъминлаш мақсадида, қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“ишлаб чиқарувчилар томонидан алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари) реализацияси учун акциз солиғининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 30 фоизи ўтказилади.”

### **3.4. Давлат бюджети даромадларининг 2025 йилги прогнози ва 2026–2027 йиллар учун мўлжаллари.**

Бюджетномага мувофиқ 2024 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси **271,0 трлн сўм** бўлиши кутилмоқда.

2025 йил учун Давлат бюджети даромадлари **305,1 трлн сўм** миқдорида прогноз қилинмоқда.

#### **Давлат бюджети даромадларининг 2025 йилги прогнози**

*трлн сўм*

Кўрсаткичлар	2023 йил (ижро)		2024 йил (кутилаётган)		2025 йил (прогноз)		2024 йилга нисбатан фарқи	
	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	%
<b>ЯИМ</b>	<b>1 192</b>		<b>1 412</b>		<b>1 630</b>		<b>217,7</b>	<b>15,4</b>
<b>Давлат бюджети даромадлари</b>	<b>231,7</b>	<b>19,4</b>	<b>271,0</b>	<b>19,2</b>	<b>305,1</b>	<b>18,7</b>	<b>34,1</b>	<b>12,6</b>
Бевосита солиқлар	108,1	9,1	132,1	9,4	147,0	9,0	14,9	11,3



Кўрсаткичлар	2023 йил (ижро)		2024 йил (кутилаётган)		2025 йил (прогноз)		2024 йилга нисбатан фарқи	
	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	ЯИМ даги улуши, %	сумма	%
Билвосита солиқлар	107,5	9,0	122,2	8,7	141,6	8,7	19,3	15,8
<i>ҚҚС манфий қолдиғини қайтариши ва "Кэшибек" (1 фоизлик)</i>	<i>-23,1</i>	<i>-1,9</i>	<i>-30,6</i>	<i>-2,2</i>	<i>-33,8</i>	<i>-2,1</i>	<i>-3,2</i>	<i>10,6</i>
Бошқа тушумлар	39,3	3,3	47,3	3,3	50,4	3,1	3,1	6,5

Фойда солиғи бўйича тушумлар 52,9 трлн сўм бўлиши, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 3,8 трлн сўм ёки 7,6 фоизга кўп бўлиши прогноз қилинган.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича тушумлар 43,2 трлн сўм бўлиши, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 7,6 трлн сўм ёки 21,3 фоизга кўп бўлиши прогноз қилинган.

Айланмадан олинadиган солиқ бўйича тушумлар 3,5 трлн сўм бўлиши прогноз қилинган.

Билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиғи бўйича прогноз тушумлар 105,7 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 15,3 трлн сўм ёки 17 фоизга кўп бўлиши ҳисоб-китоб қилинган.

Шу билан бирга, ҚҚСнинг манфий қолдиғини қоплаб бериш ва 1 фоизлик кэшибекни қайтариш учун мўлжалланаётган сумма 33,8 трлн сўмни (жами ҚҚС бўйича йиғиладиган маблағларнинг 32 фоизини) ташкил этиши кутилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий қолдиқни қоплаб бериш харажатлари йилдан-йилга ўсиб бормоқда ва ЯИМдаги улуши 2023 йилдаги 1,8 фоиздан 2025 йилда 2 фоизга етиши кутилмоқда.

Тахлилларга кўра, товарлар (хомашё) қолдиғи ҳисобига ҚҚС бўйича манфий фарқ вақтинчалик юзага келади ва товарларни сотилиши натижасида қоплансада, ушбу йўналишда қайтариб берилаётган ҚҚС суммаси ўртача йиллик 7 трлн сўмни ташкил қилмоқда.

Акциз солиғи бўйича прогноз тушумлар 21,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 1,9 трлн сўм ёки 10 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Божхона бождари бўйича прогноз тушумлар 11,4 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 1,7 трлн сўм ёки 17 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

2024 йилда ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи Давлат бюджети даромадларининг 11,7 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 38,5 трлн сўм бўлиши, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 2,2 трлн сўм ёки 6,1 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Прогноз кўрсаткичларига кўра, ресурс солиқларининг 53,1 фоиз қисми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келиши кутилмоқда.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 20,4 трлн сўм бўлиши, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 127 млрд сўм ёки 0,6 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича прогноз қилинган тушумлар 18 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 2,1 трлн сўм ёки 13,1 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

2025 йилда бошқа солиқсиз тушумлар Давлат бюджети даромадларининг 16,5 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

Бошқа солиқсиз тушумлар бўйича прогноз 50,4 трлн сўм бўлиши кутилиб, 2024 йилги кутилаётган ижрога нисбатан 3,1 трлн сўм ёки 6,5 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Бунда, дивидендлар ва давлат унитар корхоналари соф фойдасидан тушумлар 32,6 трлн сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

### **Тавсия:**

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, асосий савдо ҳамкор мамлакатларидаги иқтисодий тенденциялар ва кутилмалар, қулай глобал нархлар шароити ва хизматларга (туризм ва ахборот технологиялари) бўлган талабнинг ўсиб бораётганлиги, шунингдек аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига асосан солиқ сиёсатида назарда тутилган ўзгаришлардан келиб чиқиб, 2025 йил учун прогноз кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

#### **1. Фойда солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларини:**

– асосий экспорт товарлар бўйича қулай глобал нархлар шароити юзага келганлиги ҳисобига 1 225,3 млрд сўмга ошириш;

– 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар умумий овқатланиш корхоналарига фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилиши ҳисобига 48,1 млрд сўмга камайтириш (30.08.2024 йилдаги ПФ-132);

– прогнозда акс эттирилган фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини алоҳида прогноз қилиниши ҳисобига 900 млрд сўмга камайтириш.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича кутилаётган тушумлардан норасмий ишчиларни легаллаштириш бўйича берилган қўшимча топшириқни 1 200 млрд сўмга камайтириш;

3. Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларини:

– табиий газ ва нефть маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига 53,3 млрд сўмга камайтириш;

– алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига 115 млрд сўмга ошириш ҳамда ушбу маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасини қисқартириш бўйича берилган қўшимча топшириқни 115 млрд сўмга камайтириш.

4. Ер солиғи бўйича прогноз кўрсаткичларини қуйидагилар ҳисобига ошириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш:

– ҳудудларда ер майдонларини инвентаризациядан ўтказиш орқали ердан фойдаланувчиларнинг ҳақиқатда эгаллаган ер майдонларини ҳисобга олиниши таъминлаш ҳисобига ер солиғи базасини ошириш.

– ерларнинг тоифалари бўйича мавжуд ҳисоботларни ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб ўзгартирилишини таъминлаш ҳисобига ер солиғи базасини ошириш.

5. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича прогноз кўрсаткичларини:

– асосий экспорт товарлар бўйича қулай глобал нархлар шароити юзага келганлиги ҳисобига 283 млрд сўмга ошириш;

– табиий газни қайта ишлаш ва транспортда ташиш харажатларини инобатга олиш ҳисобига 161,1 млрд сўмга камайтириш;

– норуда қазилма бойликларнинг қазиб олиш ҳажмларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига 65 млрд сўмга камайтириш;

– Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида режалаштирилган айрим қувватларнинг глобал иқтисодий вазият сабабли 2025 йилда ишга тушиш эҳтимоли камлиги ҳисобига 39,6 млрд сўмга камайтириш.

6. Фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғига 900 млрд сўм прогноз ўрнатиш.

7. Давлат улуши бўйича тўланадиган дивидентлар прогнозини асосий экспорт товарлар бўйича қулай глобал нархлар шароити юзага келганлиги ҳисобига **1 940,3 млрд сўмга ошириш.**

**3.5. Бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиши, тўлиқлиги ва яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича таклифлар.**

Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларида аниқланган камчиликлар ва

нормувофикликларни олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида бюджет тизими бюджетларининг даромадларини шаклланиши, тўлиқлиги ва яширин иқтисодий қисқартириш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган топшириқларидан келиб чиқиб 2025 йил ва келгуси йиллар учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қўйидагиларни инобатга олиш тавсия этилади.

**3.5.1.** Бюджет даромадлари таркибини ялпи ички маҳсулотлар соҳаларидаги улуши таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ялпи ички маҳсулот соҳаларида ўсиш суръатлари асосан **хизматлар соҳасида** бўлаётганлиги, яъни хизматлар соҳаси улуши 2019 йилда **38,5 фоиздан** 2024 йилда **44,8 фоизгача ошган** бўлсада, ушбу соҳадан ундирилаётган даромадлар улуши эса **6,3 фоиздан 6,8 фоизгача** ошганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, ушбу соҳага берилган солиқ имтиёзлари мос равишда 28,6 трлн сўмдан 43,9 трлн сўмгача ёки 53 фозга ошган.

Бунда, 2024 йилда саноат соҳасини ЯИМдаги улуши **24,4 фоизни** (хизматлар соҳасини улушига нисбатан қарийб 2 барабар кам) ташкил этсада, ушбу соҳадан бюджетга ундирилган тушумларнинг ЯИМдаги улуши 2019 йилдаги **6,7 фоиздан** 2024 йилда **8,3 фоизгача ошган** (хизматлар соҳасидан ундирилган даромадларга нисбатан юқори).

Солиқ имтиёзлари ва солиқ қонунларининг юмшатилиши, айниқса тез суръатларда ривожланаётган хизмат кўрсатиш соҳасининг солиқ базасини ялпи ички маҳсулотдаги улушини кенгайтиришни чекламоқда. Ва аксинча, саноатда солиқ юкини ошишига олиб келмоқда.

#### **Тавсия:**

Республикада хизматлар соҳасида амал қилаётган солиқ имтиёзлари ҳисобига унда яратилаётган қўшилган қиймат билан тўланаётган солиқлар ҳажмида ўзаро номутаносиблик мавжудлиги сабабли, мазкур соҳада амал қилаётган солиқ имтиёзларини қисқартириш мақсадга мувофиқ.

**3.5.2.** Қишлоқ хўжалиги мақсади учун ер участкаларига “E-auction” тизими орқали 2022-2023 йилларда тузилган қарийб **663 мингга** ижара шартномаси (442,9 минг гектар) бўйича ижара ҳуқуқи учун маҳаллий бюджетларга **790 млрд сўм** (йиллик 1 579,3 млрд сўм) қўшимча тўлов ундирилиши таъминланмаган.

Масалан, 2023 йил учун **1,5 трлн сўм** қўшимча тўловлар ҳам ундирилмасдан турибди. 24.11.2021 йилдаги ВМҚ-709-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 4 ва 8-бандларига асосан қўшимча тўловларнинг ҳисоби туман солиқ инспекцияси ва (ёки) туман ҳокимининг қарорига мувофиқ бошқа ваколатли органлар томонидан юритилиши ва ундирилиши белгиланган.

Солиқ органларида қўшимча тўловларнинг ҳисоби юритилмасдан ва ундирилмасдан келинмоқда.

### **Тавсия:**

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида ундириладиган қўшимча тўловларни тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида, ушбу тўловлар ҳисобини юритиш ва ундирилишини ташкил этиш ваколатини солиқ органларига юклатиш мақсадга мувофиқ.

“E-auksion” платформасидан Солиқ қўмитасининг ахборот тизимига сотилган (ижарага берилган) ер участкалари ва қўчмас мулклар тўғрисида маълумотларни онлайн узатилишини таъминлаш лозим.

**3.5.3.** Солиқ кодексининг 110-моддасига асосан **солиқ қарзига** ҳар бир календарь кун учун **пеня** ҳисобланади.

Пенянинг кунлик фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг уч юздан бирига тенг ( $14/300=0,0466$ ).

Солиқ кодексининг 104-моддасига асосан солиқ бўйича қарзини қоплаш ҳисобига ортиқча тўланган суммани ҳисобга олиш **солиқ органлари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.**

Ортиқча тўланган солиқ суммасини солиқ қарзини қоплаш ҳисобига **ҳисобга олиш тўғрисидаги қарор** солиқ органи томонидан солиқнинг ортиқча тўланганлиги факти аниқлаган кундан эътиборан **ўн кун ичида қабул қилинади.**

Солиқ тўловчига **қайтариш** эса солиқ тўловчининг аризасига биноан **ўн беш кун ичида амалга оширилади.**

Агар ушбу муддат ичида қайтарилмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида **фоизлар** (кунлик  $14/365=0,038$ ) ҳисобланади.

Бунда, солиқ тўловчи тўлайдиган **пеня ставкаси** солиқ органи томонидан вақтида қайтарилмаган **ортиқча тўловга тўланадиган фоиз ставкасидан юқори.**

Бундан ташқари:

– пеня ҳисоблашда бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов суммаси ҳисобга олинмайди;

– ортиқча тўловни солиқ қарзига сингдириш (ҳисобга олиш) учун қарор қабул қилиниб, солиқ инспекторлари томонидан солиқ органларининг ахборот тизимларида солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағида ҳисобга олингунга қадар ҳам пеня ҳисобланади;

– ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтаришга солиқ тўловчи томонидан ариза берилгунга ёки солиқ органи томонидан бошқа солиқ қарзига ҳисобга

олингунга қадар ортиқча тўлов суммасига фоизлар ҳисоблаш назарда тутилмаган.

Юқоридаги ҳолатлар солиқ органлари томонидан солиқ тўловчини бюджетга ортиқча тўловлар амалга оширишга замин яратиб, ортиқча тўлов суммасини йилдан-йилга ошиб боришига сабаб бўлган.

Жумладан, республика бўйича **2024 йил 1 январь** ҳолатига ортиқча тўланган солиқ суммаси **25,2 трлн сўм (ҚҚС 12,5 трлн сўм)**ни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан **6,2 трлн сўмга** ошган. 2023 йил давомида солиқ органлари томонидан прогноз кўрсаткичларини бажариш мақсадида, банкдаги ҳисоб рақамларида пул маблағи мавжуд бўлган **114,9 минг та** корхоналарнинг тўлов топшириқномаларига асосан **3 896,3 млрд сўм** ортиқча тўловлар тўланишига **йўл қўйилган** ҳамда **ой якунлангач** солиқ тўловчиларга **қайтариб берилган**. Натижада, ҳудудларнинг ойлик даромадлар прогнози 888,2 млрд сўмга, чораклик прогнозлар 342 млрд сўмга **сунъий равишда ортиқча бажарилишига сабаб бўлган**.

### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг тегишли моддаларига қуйидагиларни назарда тутувчи:

**1.** Пеня ҳисоблашда бошқа солиқ турлари бўйича ортиқча тўлов суммаларини ҳисобга олиш;

**2.** Солиқ тўловчи тўлайдиган пеня ставкаси билан солиқ органи томонидан вақтида қайтарилмаган ортиқча тўловга тўланадиган фоиз ставкасини бирхиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Бунда, солиқ тўловчиларга ортиқча пеня ҳисобланиши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари чекланишининг олди олинади.

**3.5.4.** Қонунчилик актларига асосан айрим тадбиркорлик субъектларига бир вақтнинг ўзида айнан бир фаолият турига солиқ имтиёзлари ва Давлат бюджетидан субсидиялар бериш назарда тутилган. Жумладан:

– Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларига асосан нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 2022-2023 йилларда ҳар бир йилда 130 млрд сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган;

– Давлат бюджетидан давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига 2022 йилда 2,3 трлн сўм ва 2023 йилда 2,7 трлн сўм субсидиялар ажратилган.

### **Тавсия:**

Айнан бир фаолият турига солиқ имтиёзи берилиши ва қўшимча равишда бюджетдан субсидия ажратиш амалиётини мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш лозим.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Давлат бюджети параметрларида фойдаланилган солиқ ва божхона имтиёзлари суммасини **“солиқ харажатлари”**

сифатида акс эттириш ва унинг ЯИМ ҳажмига ҳамда бюджет даромадлари ҳажмига нисбатан юқори чегарасини белгилаш юзасидан ҳар йил тасдиқланадиган Давлат бюджети қонунларида акс эттириш.

Бюджет кодексига “**солиқ харажатлари**” тушунчасини киритиш.

**3.5.5.** Солиқ кодексининг **337-моддасида 6 та** тоифадаги даромадларга фойда солиғи ставкаси “ноль” даражада белгиланган.

Амалиётда “**ноль**” даражали ставка солиқ тўловчиларни реализация ҳажмини, рентабелликни оширишга ёки хусусий капиталга инвестицияни кўпайтиришга таъсир қилмаяпти.

Солиқ органларида ҳам мазкур тоифадаги солиқ тўловчилар фаолиятини назоратга олишга **манфаатдорлик мавжуд эмас**.

Масалан, 2023 йилда 5 167,2 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерида 100,5 мингта юридик шахс фаолият юритган.

Лекин, 565,8 минг гектар ери бор 13,5 минг хўжаликнинг товар айланмаси 100 минг сўмдан, 146,5 минг гектар ери бор 4,5 минг хўжаликнинг товар айланмаси 1 млн сўмдан ошмаган.

Бунда, 766,5 минг гектар ери бор 26,6 минг хўжалик 1 нафаргача ишчи кўрсатган бўлса, 6,2 минг тасида ишчи кўрсатилмаган.

#### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг **337-моддасида 6 та** тоифадаги даромадларга фойда солиғи бўйича белгиланган “**ноль**” даражали ставкани бекор қилиб, “**1**” **фоизли** ставкани жорий қилиш.

Солиқ тўловчиларда фаолиятини ривожлантиришга, “соя”дан чиқаришга рағбат пайдо бўлади.

Товар айланмани тўғри кўрсатилиши ҳисобига бюджетга 214 млрд сўм ҚҚС тушумига эришилади.

**3.5.6.** Солиқ кодексининг **483-моддасига** асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, шунингдек кўнгилочар марказларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда **ижтимоий солиқни 1 фоиз микдордаги солиқ ставкаси** бўйича тўлайди.

Амалиётда ушбу пасайтирилган солиқ ставкаси тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ҳақи фондини оширишга, қўшимча ишчи ўрни яратишга ёки норасмий ишчиларни легаллаштиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга таъсир қилмаяпти.

Масалан, Олмазор туманида ижтимоий солиқни 1 фоизли ставкада тўлаётган 2 303 та кичик бизнес субъектларининг аввалги йилларга нисбатан 1 226 тасида (53 фоиз) ишчилар сони ўзгармаган, 383 тасида камайиб кетган ва фақат 694 тасида (30 фоиз) ошган.

#### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг **483-моддаси** билан берилган имтиёзлар 2025 йил 1 январда тугаётганлиги муносабати билан уларни қўшимча муддатларга узайтирмаслик мақсадга мувофиқ.

**3.5.7.** Солиқ кодексида трансферт нархни белгилашда солиқ назорати ва уни ўтказиш тартиби белгиланган, бироқ ушбу Кодекснинг **137-моддасида солиқ текширувининг алоҳида тури сифатида қайд этилмаган.**

Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини ўтказиш тартиби ўзига хослиги билан ажралиб туриши ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни ўтказиш тартиботлари билан номувофиқ келиши сабабли, бугунги кунда солиқ органларида мазкур йўналишда **назорат тадбирларини ўтказиш имконияти йўқ.**

Масалан, 2022-2023 йилларда трансферт нархлар шаклланиши назорат қилинадиган 6 786 та субъектда 192,4 трлн сўмлик ташқи савдо операциялари ҳамда республиканинг ўзаро алоқадор резидентлари ўртасида ички бозорда назорат қилиниши лозим бўлган 2 684 та субъектда 80 трлн сўмлик битимлар амалга оширилган.

Таҳлиллар, 2022-2023 йилларда амалга оширилган битимлар бўйича трансферт нархлар шаклланиши натижасида ушбу даврларда жами 1,2 трлн сўмдан ортиқ харажатларни ошириб, даромадларни камайтирганлик рискларини кўрсатмоқда.

#### **Тавсия:**

1. Солиқ кодексининг **137-моддасига** трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини солиқ текширувининг алоҳида тури сифатида киритиш.

2. Трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига киритиш.

Натижада, иқтисодиётда яширин айланманинг улуши ҳамда республикадан валюта маблағларининг асоссиз чиқиб кетиш ҳажми қисқаради, давлат бюджетига йиллик ўртача 120,0 млрд сўм қўшимча тушумлар таъминланади.

**3.5.8.** Солиқ кодексининг **19-бобида солиқ мониторингини ўтказиш тартиби белгиланган.**

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2020 йилдаги **736-сон** қарори билан “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.



Солиқ мониторинги назорат шакли киритилгандан буён солиқ органлари томонидан бирорта солиқ тўловчида **солиқ мониторинги** жорий қилинмаган.

Аммо, тоғ-кон металлургия, кимё саноати ва мобиль алоқа соҳасидаги корхоналар орасидан энг йирик 25 таси таҳлил қилинганда, уларнинг фойда солиғи базасига таъсир қиладиган харажатлари 2023 йилнинг 9 ойида 68 848,2 млрд сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 021 млрд сўмга ёки 11,4 фоизга ошганлиги маълум бўлди.

Бунда, таҳлил қилинган 25 та корхонадан 21 тасида товарларни сотиб олиш учун биржа котировкаларига нисбатан 29,5 млрд сўм ортиқча харажатлар амалга оширилган.

#### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг **169-моддасига** фойда солиғи базасига таъсир қиладиган харажатлари асоссиз ошиб кетган йирик солиқ тўловчи корхоналарда солиқ мониторингини мажбурий жорий қилиш юзасидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали йирик солиқ тўловчиларда харажатларни ошириб кўрсатишнинг олдини олиш ҳамда солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ ҳажмда ҳисоботларда акс эттирилиши таъминлаш мақсадга мувофиқ.

**3.5.9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармонида асосан ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш белгиланган.

Бунда, йиллик оборот (тушум)нинг 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори **3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши белгиланган**. Бироқ, мазкур Фармоннинг ушбу бандида белгиланган топшириқ ижроси 2022-2023 йилларда ва жорий йилнинг ўтган даврида қайта кўриб чиқилмаган.

Ўтган даврда айрим товарларнинг нархларидаги ўзгаришлар:

1 тонна бўғдой 2019 йилда 1,3 млн сўм, 2024 йилда 2,7 млн сўм ёки 225 фоизга;

1 кг мол гўшти мос равишда 28-48 минг сўмгача / 60-80 минг сўмгача ёки 214-167 фоизгача;

1 тонна цемент мос равишда 350-450 минг сўмгача / 550-600 минг сўмгача ёки 157-133 фоизгача ;

1 литр ўсимлик ёғи мос равишда 7,2-11,5 минг сўмгача / 16-25 минг сўмгача ёки 222,2-217,7 фоизгача ;

1 кг ун мос равишда 1,7-4,9 минг сўмгача / 5-8 минг сўмгача ёки 222,2-217,7 фоизгача ўсган.

АОС тўловчилар сони 01.01.2024 йил ҳолатига 444 624 тани шундан,

фаолият юритмаётганлари 84 402 тани (19 фоиз) ташкил қилган.

2023 йилда рўйхатдан ўтган 78 189 та субъект АОС тўловчи бўлиб, шундан 15 987 таси ҚҚС тўлаш тизимига ўтказилган.

2023 йил даражасида чегаравий миқдорнинг пастлиги солиқ тўловчиларни ҚҚС тўлашга ўтмаслик учун фаолиятини тўхтатиб, янги субъектни рўйхатдан ўтказган ҳолда фаолиятини давом эттиришга мажбур қилмоқда.

Масалан, Боғот туманида яшовчи фуқаро Қ.Б.Саиджоновнинг номида 16 та, фуқаро Б.С.Саиджановнинг номида эса 15 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, раҳбар ва таъсисчи сифатида фаолият юритган ва товар айланмасини 1 млрд сўмга етказмасдан, фаолиятини кетма-кет тўхтатиб келган.

### **Тавсия:**

1. Ўтган даврда товарлар нархининг ошганлиги ва йиллик инфляция кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2025 йилги солиқ ва бюджет сиёсатида айланмадан олинadиган солиқ тўловчиси бўлиб қолишнинг асосий мезони бўлган чегаравий миқдорни (йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмни) қайта кўриб чиқиш;

2. Айланмадан олинadиган солиқ тўловчиси бўлиб қолишнинг асосий мезони бўлган чегаравий миқдор таъсир қилмайдиган солиқ тўловчилар тоифасини кенгайтириш.

**3.5.10.** Солиқ қонунчилигида тўланмаган ҚҚС суммасини ҳисобга олиб бориш имконияти мавжудлиги сабабли, ҚҚСни ҳисобга олишда **ноқонуний операциялар** кўпайиб бормоқда.

Яъни, товар (иш ва хизматлар) олди-сотдиси бўйича электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган, лекин банк ҳисоб рақамлари орқали тўлов амалга оширилмаган (товар сотувчига ҚҚС тўлаб берилмаган).

Аммо, товарни сотиб олувчи тўланмаган ҚҚСни солиқ ҳисоботида ҳисобга олиб боргани ҳолда, ҚҚСни бюджетдан қайтиб олиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Жумладан, 2022-2023 йилларда ҚҚСдаги салбий қолдиғи қайтариб берилган субъектларнинг 189 таси (464,4 млрд сўм ҚҚС қайтариб берилган) бугунги кунда фаолият кўрсатмаётганлиги, уларнинг 169 тасини жами 268,5 млрд сўм солиқ қарзи (92,4 млрд сўм ҚҚСдан қарзи) ҳосил бўлганлиги, шундан 9 тасида жиноят иши доирасида текширишлар ўтказилиб 190 млрд сўм солиқ қарзи (50 млрд сўм ҚҚСдан қарз) юзага келганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хорижий давлатларда, жумладан Хитой халқ республикасида солиқ тўловчи ҚҚСни ҳақиқатда тўланганлигини солиқ органларига исботлаб берсагина унга ҳисобга олиб борилган ҚҚС суммаси қайтариб берилади.

### **Тавсия:**

Банк ҳисоб рақамлари орқали тўловлари амалга оширилмаган товарлар (иш ва хизматлар) олди-сотдиси бўйича расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар доирасида товар (иш ва хизматлар)ни етказиб берувчига ҳақиқатда тўлаб берилмаган ҚҚС суммасини (сунъий шакллантирилган ҚҚС ёки яқуний истеъмолчи томонидан давлат бюджетига тўлов бўлмаган ҚҚСни) давлат бюджетидан қайтариб берилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Шу сабабли, солиқ қонунчилигида **фақат тўловлари тўлиқ амалга оширилган** электрон ҳисобварақ-фактуралар ёки бошқа ҳужжатлар бўйича юзага келган ҚҚСнинг манфий суммасини қайтариб бериш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, давлат бюджетига ҚҚС тушумини тўлиқлиги таъминланади ҳамда сунъий солиқ қарзини ҳосил бўлиши олди олинади.

**3.5.11.** Бугунги кунда товарлар (хомашё) қолдиғи ҳисобига қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келган манфий фарқни қоплаб бериш тизимини юритишда муаммолар кузатилмоқда.

**Биринчидан**, товарлар (хомашё) қолдиғи ҳисобига ҚҚС бўйича манфий фарқ вақтинчалик юзага келади ва товарларни сотилиши натижасида қопланади.

Мазкур ҳолат, тадбиркорларда ҚҚС бўйича манфий фарқни сунъий ҳосил қилиб, бюджетдан маблағни қоплаб берилиши (фоизсиз ва ортиқча сарф-харажатларсиз жалб қилинган айланма маблағ сифатида) манфаатли ёки коррупцион жараёнларни юзага келтириши мумкин.

**Иккинчидан**, қонунчилик талабларига кўра товарлар қолдиғи ҳисобига ҚҚС бўйича манфий фарқни қоплаб бериш учун сайёр солиқ текшируви ўтказилиши ва товарлар ҳақиқатдан ҳам қолдикда турганлиги тасдиқланиши лозим.

Бироқ, солиқ органларида республика бўйича сайёр солиқ текширувидаги ходимлар сони бугунги кунда 490 нафарни ташкил этиб, товарлар қолдиғини тасдиқлаш учун кўп миқдорда инсон ресурси талаб этилади.

Натижада, ҚҚС бўйича манфий фарқни қоплаб бериш тизими коррупция хавфи юқори бўлган соҳага айланишига замин яратилиши мумкин.

Шу сабабли, товарлар (хомашё) қолдиғи ҳисобига ҚҚС бўйича манфий фарқни қайтармаслик тартибини жорий қилиш тавсия этилади.

*Маълумот учун: хорижий тажрибалар ўрганилганда, товарлар (хомашё) қолдиғи ҳисобига ҚҚС бўйича манфий фарқ аксарият давлатларда, жумладан Германияда ва Грузияда қайтарилмаслиги маълум бўлди.*

**3.5.12.** Солиқ кодексининг **111-моддасига** асосан солиқ ҳисоботини тақдим этмаган субъектларнинг банкдаги операциялари ҳаракати тўхтатилади.

Шунингдек, солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганлиги учун солиқ

тўловчининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Солиқ ҳисоботларини тақдим этмаган ҳамда банклардаги ҳисобварақлари бўйича ҳаракатлари тўхтатилган субъектларга **электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали фаолиятини давом эттиришга чеклов йўқ.**

Масалан, 2023 йилда **1 350 та** ҚҚС тўловчиси бўлган субъектлар **969,5** млрд сўмлик товар ва хизматлар харидини ҳамда **1 451,2** млрд сўмлик товарлар ва хизматлар реализациясини амалга оширган. Оқибатда, бюджетга **220,2** млрд сўм солиқлар ҳисобланмасдан ҳамда **483,8** млрд сўм ялпи тушум яширилганлиги ва кирим қилинмаган товарлар реализацияси амалга оширилганлиги юзасидан **96,8** млрд сўм молиявий жарималар қўллаш чоралари кўрилмасдан қолган.

#### **Тавсия:**

Солиқ қонунчилигида солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилганда, солиқ тўловчи томонидан **электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш имкониятини тўхтатиб туриш** тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, электрон ҳисобварақ фактуралар орқали ноқонуний реализациянинг олди олинади.

**3.5.13.** Солиқ кодексининг 275-моддасида биргаликдаги фаолият, ишончли бошқарув ёки концессия битими доирасида операцияларни амалга оширишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 319-моддасида оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) доирасида операцияларни амалга оширишда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Лекин, солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи зиммасига биргаликдаги фаолият шартномаси (оддий ширкат шартномаси) тузилганлиги тўғрисида солиқ органларини хабардор қилиш мажбурияти юкланмаган.

Мазкур ҳолат, солиқ органларида биргаликдаги фаолият шартномаси ёки оддий ширкат шартномаси доирасида фаолиятини амалга оширган ёки ошираётган субъектлар тўғрисидаги маълумотлар шаклланмаслиги ҳамда ушбу тоифадаги солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини тўғри бажарилиши устидан назорат таъминланмаслигига олиб келмоқда.

#### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг 275-моддаси ва 319-моддасига:

биргаликдаги фаолият, ишончли бошқарув ёки концессия битими

доирасида операцияларни ҳамда оддий ширкат (биргаликдаги фаолият шартномаси) доирасида операцияларни амалга ошириш бўйича шартномалар тузилганлиги тўғрисида солиқ органларини хабардор қилиш мажбуриятини солиқ тўловчилар зиммасига юклашни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, ушбу шартномалар доирасида олинган фойданинг тўғри тақсимланиши ҳамда ҳақиқий солиққа тортиладиган базани аниқлашга эришилади.

### **3.5.14.** Солиқ кодексининг 470<sup>1</sup>-моддасида:

солиқ тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтиш тўғрисида ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органини Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда **кейинги ой бошлангунига қадар ўн кундан кечиктирмай** хабардор қилиши;

солиқ тўловчилар навбатдаги солиқ давридан бошлаб қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашни рад этишга ва ўзи солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларини Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда, **навбатдаги солиқ даври бошланишига қадар ўн кундан кечиктирмай** хабардор қилган ҳолда, солиқни ушбу Кодекс 467-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ ставкалари бўйича тўлашга ўтишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Солиқ кодексининг 5-моддасига кўра кунлар билан ҳисобланадиган муддат, агар бу муддат календарь кунлар билан белгиланмаган бўлса, **иш кунлари билан ҳисобланиши** белгиланган.

Мазкур ҳолатда хабардор қилиш саналарининг турлича бўлишига ва оқибатда солиқ тўловчиларда тушунмовчиликларга олиб келишига ва солиқ қонунчилиги билан берилган ҳуқуқидан фойдалана олмаслигига олиб келмоқда.

Жумладан, 2023 йилдан солиқ режимини ўзгартириш учун хабарнома юборишнинг охири куни 2022 йилнинг 19 декабрь кунига тўғри келган.

2024 йилдан солиқ режимини ўзгартириш учун хабарнома юборишнинг охири куни 2023 йилнинг 18 декабрь кунига тўғри келган.

Масалан, Қўқон шаҳридаги “Tir Avto” МЧЖ томонидан АОСнинг қатъий тўлаш режимидан бошқа солиқ тўлаш тизимига ўтиш учун 2023 йил 20 декабрь куни хабарнома берганлиги учун солиқ идораси ходимлари томонидан хабарнома кўриб чиқилмасдан рад этилган.

### **Тавсия:**

Солиқ кодексининг 5-моддаси еттинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш:

“Кунлар билан ҳисобланадиган муддат календарь кунлар ҳисобланади.”

Бунда, солиқ тўловчилар ўртасида тушунмовчиликларни ва ортиқча

оворагарчиликларни олди олинади ҳамда бир хил муддат амал қилади.

**3.5.15.** Солиқ кодексининг 422-моддасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан рўйхатга олинмаган янги қурилган уй-жойларга нисбатан солиқ ставкаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан тақдим этилган ахборот асосида мулкнинг шартли қийматига нисбатан икки баравар миқдорида қўлланилиши белгиланган.

Рўйхатга олинмаган янги қурилган уй-жойларнинг ҳисоби Кадастр агентлиги томонидан юритилмаслиги ва ўз навбатида бундай маълумотларни солиқ органларига тақдим этилмаслиги оқибатида мулкнинг шартли қийматига нисбатан икки баравар миқдорида солиқ солиш ҳолати амалиётда умуман мавжуд эмас.

Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан уй-жойларда 300 кв метргача бўлган қўшимча қурилишларни амалга ошириб, лекин кўчмас мулкларни қайта рўйхатдан ўтказмаслиги ҳисобига кадастр қиймати ўзгармасдан қолаётганлиги, бундай ҳолатлар бўйича архитектура-қурилиш ҳамда кадастр органлари томонидан мулкдорларга нисбатан тегишли чораларни кўриш имконияти чекланган.

#### **Тавсия:**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан рўйхатга олинмаган янги қурилган уй-жойларга нисбатан солиқ ҳисоблаш тартибини қайта кўриб чиқиб, бундай тоифадаги уй-жойлар солиқ органлари томонидан аниқланган ҳолатларда солиқ органининг қарори асосида солиқ ставкаси мулкнинг шартли қийматига нисбатан икки баравар миқдорида қўллаш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бунда, мавжуд уй-жойларда қўшимча қурилган, лекин рўйхатга олинмаган бино-иншоотлар учун солиқ ҳисобланишини ҳам назарда тутиш орқали жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини солиқ солиш билан қамраб олишни тўлиқлиги ҳамда солиқ солишни адолатлилиқ тамойили таъминланади.

**3.5.16.** Солиқ кодексининг 415-моддасига асосан қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 3 фоиз миқдорида белгиланган.

Бундай объектларга солиқ солиш базаси сифатида тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати ҳисобга олинади.

Бугунги кунда қурилиш объектларига доир лойиҳа-смета ҳужжатлари (ушбу ҳужжатда қурилишнинг норматив муддати кўрсатилади), қурилиш учун ваколатли орган томонидан берилган рухсатномалар, фойдаланишга қабул қилинган объектлар тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилмаган ва солиқ органлари ахборот тизимларига интеграция қилинмаган.

Ушбу ҳолат, солиқ органлари томонидан қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларни аниқлаш ва уларга 3 фоизли ставкада солиқ ҳисобланиш амалиётини самарали ташкил этилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, Олмазор тумани мисолида олиб борилган таҳлилларда юридик шахсларнинг 134 та (кўп қаватли турар жой - 1 094 та хонадон) ва жисмоний шахсларнинг 46 та нотурар қурилиш объектлари белгиланган норматив муддатларда тугалланмаганлиги ва уларга 3 фоизли ставкада солиқ ҳисобланмаганлиги маълум бўлди.

Қурилиш соҳасида яширин иқтисодиёт улуши юқори бўлганлиги сабабли, қурилиши тугалланмаган объектларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлашда ҳам муаммолар мавжуд.

Фойдаланишга топширилган кўчмас мулкларга мол-мулк солиғи солиқ базаси ушбу объектларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (кадастр қиймати), бироқ 1 кв.метр учун 3 млн сўмдан кам бўлмаслиги белгиланган.

#### **Тавсия:**

Солиқ қонунчилигида қурилиши норматив муддатларда тугалланмаган объектларга солиқ ҳисоблашда солиқ солиш базаси ўртача йиллик қиймати (кадастр қиймати), бироқ 1 кв.метр учун 3 млн сўмдан кам бўлмаслигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бунда, солиқдан қочиш ҳолатларни олди олинадиган ҳамда бюджетга қўшимча тушумларни жалб этилишига эришилади.

Масалан, биргина Олмазор туманидаги қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларнинг солиқ солиш базасини 1 кв.метр учун 1,5 млн сўмдан ҳисоблаганда маҳаллий бюджетга йиллик ўртача 18 млрд сўм тушумларни жалб қилиш мумкинлиги маълум бўлди.

**3.5.17.** Божхона органлари Солиқ кодекси бўйича солиқларни ундириш ва имтиёзларни қўллаш бўйича вазифаларни бажарсада, мазкур солиқлардан бўйин товлаш ҳамда божхона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган товарлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда божхона органларида солиқ органлари каби молиявий санкцияларни қўллаш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227<sup>25</sup>-моддаси (божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар) ҳамда ЖКнинг 184-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари (солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш) юзасидан аниқланган божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳолатлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима жазоси (МЖТКнинг 227-моддаси), жиноий ҳолатлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача жарима жазоси (ЖКнинг 184-моддаси, 1-2 қисм) қўлланилиб келинмоқда.

Бу ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган ноқонуний ҳаракатлар ҳалол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга,

уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳамда рақобат муҳитига салбий таъсир этмоқда.

Таҳлилларга кўра, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ ҳолатлар сони кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сони 2021 йилда 2 693 та ҳолатда, 2022 йилда 2 726 та ҳолатда, 2023 йилда 3 140 та ҳолатда содир этилиб, жами 945 млрд сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.

Божхона органлари томонидан юритилган иш ҳужжатларининг 43 фоизи ёки 1 153 таси биринчи маротаба содир этилганлиги ва етказилган моддий зарарларни ўрни қопланганлиги сабабли, МЖТКнинг 271-моддаси 11-бандига асосан тугатилган.

### **Тавсия:**

Божхона қонунчилигини бузилиши учун **молиявий жарималар қўллаш амалиётини киритиш.**

- Солиқ кодексидаги мавжуд молиявий жарималарни қўллаш тартибини жорий этиш юзасидан **Солиқ ва Жиноят кодексларига ўзгартириш киритиш орқали солиқ органлари томонидан қўлланиладиган молиявий жаримани божхона органлари томонидан қўллашнинг ҳуқуқий асосини яратиш;**

- божхона тўловларини камайтириш билан боғлиқ божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахслар учун қўлланиладиган жиноий ва маъмурий **жарималарни етказилган зарар миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгилаш.**

Бунда, тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган ноқонуний ҳаракатлари бўйича таъсир чораларини кўриб, натижада ҳалол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг фаолиятини ва рақобат муҳитини ривожлантиришга замин яратилади.

**3.5.18. “Маҳсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 39-моддасида,** иқтисодий зона иштирокчилари томонидан четдан олиб кириладиган хом-ашёлар улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилиш шарти билан **божхона тўловларидан озод этилиши белгиланган.**

Таҳлилларга кўра, жорий йилда иқтисодий зона иштирокчилари томонидан импорт қилинган хом-ашёларга нисбатан **308 млрд сўмлик божхона имтиёзлари қўлланилган.**

Амалиётда иқтисодий зона иштирокчилари томонидан тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш муддати, чиқиш нормасини тақдим этиш талаби белгиланмаган бўлиб, божхона органлари томонидан қўлланилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш ва уларни келгуси хом-ашёларига **имтиёз қўллаш имконини чекламоқда.**

Масалан, 2023 йилда қўлланилган божхона имтиёзларини мониторинги



натижаларига кўра, иқтисодий зона иштирокчиларининг **20,5** млрд сўмлик имтиёзлари мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланган.

#### **Тавсия:**

Божхона тўловларидан берилаётган имтиёзларни тартибга солиш ва янги механизмни қўллаш юзасидан Божхона кодекси ва қонуности ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш лозим.

Божхона тўловларидан имтиёзларни улар томонидан олиб кириладиган хом-ашёларни **“божхона ҳудудида қайта ишлаш”** режимига жойлаштириш шарти билан қўллаш амалиётини йўлга қўйиш лозим.

Яъни, бунда имтиёзлар ишлаб чиқаришдан сўнг ҳосил бўлган товар учун фойдаланилган хом ашёларга қўлланилади ва тақдим этилаётган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланишни олди олинади.

**3.5.19.** Божхона кодексининг **26-моддасига** асосан товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши ваколатли шахсларнинг товарларни божхона режимларидан бирига жойлаштириш ва **мазкур божхона режими талаблари ҳамда шартларига риоя этиш мажбуриятини келтириб чиқаради.**

Ваколатли шахс товарларнинг ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, ишлаб чиқарилган мамлакати ёки қайси мақсадга мўлжалланганлигидан қатъий назар, исталган божхона режимини танлашга ёки уни бошқа божхона режимига ўзгартиришга ҳақли.

Бироқ, Божхона кодексининг 132-моддасига асосан товарни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш, божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштириш божхона органи томонидан берилган тегишли **рухсатнома асосида амалга оширилади.**

Божхона кодексининг 137-моддасига асосан божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга ёки божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатнома бериш тўғрисидаги **аризани кўриб чиқиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.**

#### **Тавсия:**

“Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш” ҳамда “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимларига расмийлаштириш учун рухсатнома олиш шартини бекор қилиб, ушбу режимларга товарларни расмийлаштиришни божхона юк декларациясини тақдим этиш асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бунда, тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт ва харажатларини қисқартиришга эришилади.

**3.5.20.** Амалдаги норматив ҳужжатларда **тамаки** маҳсулотларини ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган ўлчаш ва ҳисобга олиш воситаларини ўрнатиш

ва солиқ органлари маълумотлар базасига интеграция қилиш назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, корхоналарда ўрнатилган ишлаб чиқариш ускуналарининг (технология) хомашёдан истеъмол ва техник этил спирти чиқариш нормаларининг реестрини юритиш тартиби белгиланмаган.

### **Тавсия:**

**1.** Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларда **хом ашё ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни** автоматлаштирилган ўлчаш ва ҳисобга олиш воситаларини тўлиқ ўрнатиш ҳамда уларни ягона платформа асосида солиқ органлари маълумотлар базасига интеграция қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш.

**2.** Корхоналарда ўрнатилган ишлаб чиқариш ускуналарининг (технология) хомашёдан истеъмол ва техник этил спирти чиқариш нормаларининг реестрини юритиш тўғрисидаги тартибни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми бўйича ҳисоб-китоб шаклланади ҳамда уларнинг банкдан ташқари айланмаларига йўл қўйилишининг олди олинади.

Чунки, республикада спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар санокли бўлиб (7 та), уларда ўрнатилган технологияларнинг техник ҳужжатларида ишлаб чиқариш қувватлари, хомашёдан спирт чиқиш нормалари белгиланган.

**3.5.21.** Буюртмачилар томонидан Давлат харидларида товар (иш ва хизматлар)нинг **бошланғич нархларини белгилаш** учун ягона маълумотлар манбаси ва маълумотларни юритувчи масъул давлат органи **мавжуд эмас**.

Давлат буюртмачилари товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархларини турли хил усуллар ва манбалардан фойдаланган ҳолда шакллантириши ҳолати **нархларнинг сунъий кўтаришга ва бюджет маблағларини талон-торож қилинишига** олиб келмоқда.

### **Тавсия:**

Нархлар бўйича масъул ташкилотни белгилаш ва товар моддий бойликларнинг жорий кундаги **нархларини ҳудудлар кесимида доимий акс эттирилувчи расмий веб портал** фаолиятини ташкил этиш. Бунда:

- товар (иш ва хизматлар)ни ҳудудлар кесимида ўртача нархини белгилаш механизмини ишлаб чиқиш;

- товар (иш ва хизматлар)нинг нархини белгилашда зарур бўлган маълумотлар билан таъминловчи давлат органлари **ахборот базаларини** масъул орган ахборот тизимига **интеграция қилиш**;

- мазкур портални барча фойдаланувчилар учун **очиқ бўлиши** ва ундан

эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

- давлат буюртмачилари товар (иш ва хизматлар)нинг бошланғич нархларини шакллантиришда давлат ташкилотларининг барчаси мажбурий тартибда порталда эълон қилинган ўртача нархлардан фойдаланиши;

- портални юритишга **масъул давлат органини** белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бунда, давлат харидларида асосиз қиммат нархларда товарлар, маҳсулотларни сотиб олишни олди олинади, рақобат муҳити янада ривожланади, бюджет маблағлари тежалади.

**3.5.22.** Республикада ипак қуртини жонлантирилиши, жонланган ипак қуртларини тарқатилиши, мавсумда банд бўлган аҳоли сони ва унинг даромадлари, етиштирилган пилла ҳосилини ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш тизимининг **ягона интеграциялашган маълумотлар базаси яратилмаган.**

Бу ҳолат, пилла ҳосилини қайта ишловчилари томонидан етиштирилган пилла ҳосилинининг бир қисмини яширин айланмага олиб чиқиб кетишига шароит яратмоқда.

Масалан, 2023 йилда I-II мавсумларда республика бўйича 394 177 та қути ипак қурти боқилган ва ундан ўрта ҳисобда 2 864,2 тонна пилла ҳосили етиштирилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Бироқ, пиллани қайта ишловчиларнинг хўжалик операцияларида ушбу ҳажмдаги пилла ҳосилини тўлиқ акс эттирилмаганлиги маълум бўлди.

#### **Тавсия:**

Ипак қуртини жонлантирилиши, жонланган ипак қуртларини тарқатилиши, мавсумда банд бўлган аҳоли сони ва унинг даромадлари, етиштирилган пилла ҳосилини ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва 2025 йил ҳосилидан бошлаб ушбу тизимни Солиқ қўмитаси маълумотлар базасига интеграция қилиш лозим.

Шу билан бирга, бошқа вазирлик ва идоралар маълумотларни Солиқ қўмитаси маълумотлар базасидан онлайн олиш тизимини жорий қилиш.

Бунда, пилла ҳосилини ҳисобини юритиш тизими тўлиқ рақамлаштирилади ва ягона интеграциялашган база яратилади. Яширин айланма ҳажми қисқаришига ва бюджетга тушумларнинг тўлиқлигига эришилади, статистика маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминланади.

**3.5.23.** Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё материаллари, энергия ресурслари, ишчи кучи тўғрисидаги маълумотлар товарларни сертификатлаш жараёнида ваколатли ташкилотларга тақдим этилади.

Лекин мазкур маълумотларнинг ягона электрон базаси мавжуд эмас ва мазкур ҳолат ишлаб чиқариш корхоналарининг яширин фаолияти кўламини аниқлаш имкониятини чекламоқда.

#### **Тавсия:**

Ишлаб чиқариш корхоналари зиммасига маҳсулотларни сертификатлаштиришда бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё материаллари, энергия ресурслари, ишчи кучи тўғрисидаги маълумотларни электрон кўринишда солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этиш мажбуриятини юклаш.

Ваколатли орган томонидан эса сертификатланган маҳсулотларнинг бир бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хом ашё материаллари, энергия ресурслари, ишчи кучи тўғрисидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш ва техник кузатиб бориш тартибини жорий қилиш.

Бунда, ишлаб чиқаришда ишлатилган хом-ашё ва ресурслар миқдоридан келиб чиқиб, ҳақиқатда қанча миқдорда маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш ва уларни субъектларнинг молиявий ҳисоботлари билан таққослаш механизми яратилади ҳамда яширин айланма ҳажмини қискартириш чоралари кўриб борилади.

**3.5.24.** Харидларда хавфларни аниқлаш тизимини рақамлаштириш доирасида амалга оширилаётган ишлар жараёнида республикадаги электрон савдо майдончаларида товарлар (иш ва хизматлар)нинг кодлари **турли** каталоглар ва маълумотномалар бўйича шакллантирилади.

Масалан, “cooperation.uz”да товарларнинг ТИФТН (ТНВЭД) кодларидан, “xt-xarid.uz”, “xarid.uzex.uz” ва “spot.uzex.uz”да иқтисодий фаолият турлари бўйича товар (иш ва хизмат)ларнинг статистик таснифлагичи кодларидан фойдаланилади.

Ушбу маълумотномалар ва каталоглар товар (иш ва хизмат)нинг аниқ техник тавсифларини, хусусиятларини, ўлчов бирликларини, Давлат стандартларини (ГОСТ), шунингдек ишлаб чиқарувчини (импорт қилувчини) **аниқлашга имкон бермайди.**

Шунингдек, ушбу кодлар солиқ органлари томонидан қўлланиладиган маҳсулот ва хизматларнинг идентификация (МХИК) **коди билан боғланмаган.**

Юқоридаги ҳолатлар харидларни назорат қилиш ва хавфларни олдини олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда автоматлаштириш **имкониятини чекламоқда.**

#### **Тавсия:**

Республикадаги барча электрон савдо майдончаларида товарлар (иш ва хизматлар)нинг кодлари сифатида солиқ органлари томонидан қўлланиладиган маҳсулот ва хизматларнинг идентификация (МХИК) **кодини жорий қилиш.**

Бунда, харидларни назорат қилиш ва хавфларни олдини олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда автоматлаштириш **имконияти пайдо бўлади.**

**3.5.25.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-6319-сон Фармони** (06.10.2021й.) билан 2022 йил 1 январдан бошлаб **геологик ўрганишлар** учун ер қаъридан фойдаланганлик учун **ҳар йиллик лицензия тўлови** жорий қилинган.

Таҳлилларга асосан 2022-2023 йиллар учун **104,3 млрд сўм** лицензия тўлови тўланиши лозим бўлгани ҳолда, **38,8 млрд сўми (37 фоизи)** тўланмаганлиги маълум бўлди.

Лицензия тўлови ер қаъридан фойдаланувчи томонидан белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, **мажбурий ундирувга қаратишнинг аниқ тартиби мавжуд эмас.**

Бундан ташқари, муддатида тўланмаган лицензия тўловига **пеня** ҳисоблаш назарда тутилмаган.

Лицензия тўлови солиқ органлари ундирадиган тушумлар таркибига киритилган бўлиб, лицензия амал қилган муддатга ҳар йили тўланадиган мажбурий тўлов ҳисоблансада, ушбу тўлов бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқ органларида унинг ҳисобини юритиш, ўз муддатида тўланмаган лицензия тўловини солиқ органининг инкассо топшириқномаси асосида мажбурий ундириш масалалари ўз ечимини топмаган.

#### **Тавсия:**

Геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун лицензия тўлови бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқ органларида унинг ҳисобини юритиш, ўз муддатида тўланмаган лицензия тўловини солиқ органининг инкассо топшириқномаси асосида мажбурий ундириш тартибини ишлаб чиқиш лозим.

Бунда, лицензия тўлови ҳисоби юритилади ва белгиланган муддатларда тўланмаган тўловни солиқ органлари томонидан ундириш механизми яратилади.

**3.5.26.** Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича ер усти ва ер ости сув ресурслари манбалари 1 куб метр учун 34 160 сўм, саноат корхоналарига ер усти/ ости 1 куб метр сув учун 638 / 760 сўм, электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига ер усти/ ости 1 куб метр сув учун 101/123 сўм, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ер усти/ ости 1 куб метр сув учун 345 / 415 сўм белгиланган.

Бугунги кунда ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектларга, мисол учун салқин ичимликни ишлаб чиқарувчилар 1 литр маҳсулотни қадоқлаб, тайёр товар кўринишига келтиргунга қанча миқдорда сув ресурси сарфланиши меъёри норматив ҳужжатлар билан белгиланмаган.

Ушбу товарларнинг банкдан ташқари айланмаси улуши юқорилигича қолмоқда.

Мисол учун салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг ҳисоботлари таҳлил қилинганда 404,2 минг метр куб сув ҳажми сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқ ҳисоботида кўрсатилмаганлиги натижасида 11,3 млрд сўм солиқларни ҳисобланмаганлиги маълум бўлди.

Бунда, корхона ҳисоботида 2022 йилда фойдаланилган сув ресурслари ҳажмининг 51 фоизи (таҳлилда 44 фоизи ёки 7 фоизи асоссиз кўрсатилган) саноат истеъмоли сифатида, 49 фоизи (таҳлилда 56 фоизи) ичимлик ишлаб чиқариш учун сарфланган сув ҳажми сифатида кўрсатилган.

2023 йилги ҳисоботларида саноат бўйича 46 фоизи (таҳлилда 44 фоизи), ичимликлар ишлаб чиқаришда 54 фоизи (таҳлилда 56 фоизи) истеъмол қилинганлиги кўрсатилган.

### **Тавсия:**

Алкоғолсиз ичимликларни ҳамда пиво ва алкоғоль маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи корхоналарга фойдаланилган сув ресурслари (қадоқланган тайёр маҳсулот ичидагидан ташқари) саноат ва бошқа мақсадлари бўйича белгиланган ер усти/ ости 1 куб метр сув учун 638 / 760 сўм солиқ ставкаси ўрнига алкоғолсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоғоль маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича ер усти ва ер ости сув ресурслари манбалари 1 куб метр учун белгиланган 34 160 сўмлик солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдорда тўлаш тизимини жорий қилиш;

Алкоғолсиз ичимликларни ҳамда пиво ва алкоғоль маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи корхоналарга 1 бирлик маҳсулотни тайёр ҳолатга келгунига қадар сув ресурси сарфини белгилаш бўйича норматив ҳужжат орқали техник йўриқномасини ишлаб чиқиш лозим.

**3.5.27.** Солиқ кодексининг 412-моддаси 1-қисм 1-банди 3 хатбошида Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган объектларга нисбатан солиқ базаси 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Амалиётда Республика бўйича юридик шахсларга тегишли бўлган 2 525 та қурилиши тугалланмаган объектлар Кадастр органларидан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб мулкдорларига эгалик ҳуқуқи берилган, бироқ қонунчиликда мулк объекти давлат рўйхатидан ўтган бўлса ҳам қурилиши тугалланмаган объект бўлганлиги учун солиқ объекти сифатида қаралмасдан қолмоқда.

Маълумот учун, Россия Федерациясида қурилиши тугалланмаган объект давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг унга нисбатан мол-мулк солиғи ҳисоблаш

бошланади. Бу ўз навбатида объектларни ишга туширилиши ва мулкдорларга тезроқ топширишни жадаллаштиради.

**Тавсия:** Солиқ кодексининг 412-моддаси 1-қисм 1-банди 3-хатбошида солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ушбу Кодекс 411-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган объектлар рўйхатига қурилиши тугалланмаган объект сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган объектларни қўшимча киритиш ва уларнинг 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини белгилаш.

**3.5.28.** Солиқ кодексининг 414-моддаси 2-қисмида мол-мулк солиғидан озод қилинадиган субъектлар белгиланган. Бунда қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, улар фойдаланишга жорий этилган пайдан эътиборан ўн йил муддатга озод қилинади. Ушбу имтиёз солиқ тўловчига берилган бўлиб, имтиёз тури солиқ объектига боғланмаган.

Маълумот учун: юридик шахслар томонидан 2024 йил учун **4,3 трлн сўм** мол-мулк солиғи ҳисобланган бўлиб шундан **1,8 трлн сўми** (41 фоизи) йирик солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри келади. Бунда, мол-мулк солиғининг **60 фоизи** ёки **2,6 трлн сўми** республикадаги **1 000 та** корхона томонидан ҳисобланган. Номинал қуввати 0,1 МВт (**100 кВт**) бўлган қуёш панелларини ўрнатишнинг ўртача бозор қиймати **430 млн сўми** ташкил этади. 1000 та йирик корхона томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалар ўрнатилган тақдирда (қиймати 430 млн сўмлик) давлат бюджетига 1 йилда 2,6 трлн сўм **10 йил** давомида **26,0 трлн сўм** мол-мулк солиғи тушмаслик ҳавфи мавжуд.

Мисол учун, “O`zbektelekom” АJнинг Тошкент шаҳридаги бош офисига номинал қуввати 0,1 МВт (**100 кВт**) бўлган қуёш панелларини ўрнатиш ва солиқ имтиёзидан фойдаланилиши натижасида корхонанинг республикадаги 199 та ҳудудда жойлашган объектлари бўйича бюджетга 10 йил давомида **290,0 млрд сўм** йўқотиш кутилмоқда.

**Тавсия:** Солиқ кодексининг 414 модда 1-қисмида солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ базаси қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан банд бўлган кўчмас мулк майдони чиқариб ташланишини белгилаш (имтиёз турини объектга нисбатан қўллаш) мақсадга мувофиқ.

**3.5.29.** Табиий газ, нефт ва (ёки) газ конденсати юқори ликвидли ёки монополь товарларни ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинганда солиқ базаси ушбу маҳсулотларнинг ўртача реализация қилиш баҳосидан ҳисобланиши белгиланган.

Табиий газ, нефт ва (ёки) газ конденсати қазиб олувчилар томонидан қайта ишлаб реализация қилинган солиқ базаси юқори нарх асосида аниқланганлиги

сабабли тенглик таъминланмаган.

**Тавсия:** Солиқ кодексининг 451-моддасига қазиб олинган табиий газ, нефт ва (ёки) газ конденсати юқори ликвидли ёки монопол товарларни ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинганда солиқ базаси юқори ликвидли ёки монопол товарларни ишлаб чиқарувчилар томонидан фойдали қазилмалардан олинган маҳсулотларни реализация қилиш баҳосидан келиб чиққан, уларни кейинчалик қайта ишлаш ва транспортда ташиш учун солиқ тўловчи томонидан қилинган харажатлар чегириб ташланган ҳолда аниқлаш тартибини қўшимча киритиш лозим.

Бунда, табиий газ, нефт ва (ёки) газ конденсатини дастлабки қазиб олувчи солиқ базасини аниқлашда юқори ликвидли ёки монопол товарларни ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинган қисми бўйича солиқ базасини камайтиради.

**3.5.30.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарорига асосан адлия органлари томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишда, уларнинг таъсисчилари томонидан олдин ташкил этилган корхоналар шубҳали ёки банкрот деб топилган ёхуд кўп миқдорда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлса ҳам бошқа юридик шахсни ташкил этишга чеклов ўрнатилмаган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ текширувларидан қочиш ва қўшимча ҳисобланган солиқ суммаларини тўламаслик мақсадида амалдаги корхонасини ўрнига янгидан юридик шахс ташкил қилган ҳолда фаолиятини давом эттириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Масалан, жорий йилда ташкил этилган 4 501 та корхонанинг 32 млрд сўмлик солиқ қарзи мавжуд. Ушбу корхоналарнинг раҳбарлари томонидан олдин 3 871 та корхона ташкил қилинган (2 751 таси ёки 71 фоизи фаолият кўрсатмаётган, 754 таси ихтиёрий тугатиш жараёнида, 232 таси банкротлик жараёнида, 134 таси ҳаракатсиз ҳолатда) ва уларнинг солиқ қарзи 124,6 млрд сўмни ташкил қилади.

Солиқ қўмитасининг [soliq.uz](http://soliq.uz) расмий сайтида 20 июль ҳолатига 4 295 та шубҳали корхоналар эълон қилинган.

Буюк Британияда янги очилаётган корхонага фуқарони раҳбар этиб тайинлашдан олдин, унинг раҳбарлигида бўлган ташкилотлар текширилади ва агарда банкрот ҳолатида бўлган корхона аниқланса, унинг раҳбарлигида янги корхона очишга рухсат берилмайди.

Россияда корхонанинг раҳбари ёки таъсисчиси устав капиталида 50 фоиздан юқори улушга эга бўлиб, ушбу корхона катта қарз сабабли ёпилган бўлса, мазкур корхонанинг раҳбари ёки таъсисчисига янги корхона очишга рухсат берилмайди.

**Тавсия:**



Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида, корхонанинг раҳбари ёки таъсисчиси сифатида кўрсатилаётган фуқаролар иштирокида аввал юридик шахс ташкил этилган ёки этилмаганлигини текшириш амалиётини жорий этиш. Бунда:

аввал ташкил этилган корхонасининг фаолияти солиқ органлари томонидан шубҳали ёки банкрот деб топилган ёхуд кўп миқдорда (БХМ 300 баравари-102,0 млн сўм) солиқ қарздорлиги мавжуд бўлса, ушбу фуқароларга нисбатан юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтиш имкониятини чеклаш ва солиқ мажбуриятлари тўлиқ бажарилгандан сўнг фаолиятини давом этишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ.

**3.5.31.** Эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 46-моддасида солиқ органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилмаслиги белгиланган.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексидан назарда тутилмаган.

Солиқ кодексининг 83-моддасида солиқ ҳисоботида ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлган ҳолатлар назарда тутилган бўлиб, солиқ аудити ўтказилган даврдан кейин солиқлар ва йиғимлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилмаслиги белгиланмаган.

2022 йил давомида 8 та корхона текширилган давр учун жами 62,6 млрд сўм камайишга қайта ҳисобот топширган.

Мисол учун, 2021 йилда “S.B” МЧЖнинг 2016-2020 йиллар фаолияти солиқ аудитидан ўтказилган, 2022 йилда 2017-2019 йиллар учун (ҚҚСдан 1,1 млрд сўм, фойда солиғидан 28,4 млн сўм ва ЯСТ 611,4 млн сўм) жами 1,8 млрд сўм камайишга қайта ҳисобот топширилган.

Россия солиқ қонунчилигига кўра солиқ текшируви ўтган даврга қайта ҳисобот бериш фақат агар текширув якуни бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланмаган, тўланадиган солиқ суммасини камайишига олиб келадиган ҳолатларга йўл қўйилмаган ва солиқ қўшимча ҳисобланмаган бўлса рухсат этилади.

Қирғизистонда агар қайта ҳисоботдаги ўзгартириш ва қўшимчалар солиқ органининг ёки суднинг қабул қилган қарорларига мос келмаса ҳамда қарорлар бекор қилинмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса қайта ҳисобот топшириш таъқиқланади.

### **Тавсия:**

Солиқ текшируви ўтказилган даврга камайитиришни назарда тутувчи ҳисоботларни тақдим қилишга чеклов жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, солиқ текшируви ўтган даврга қайта ҳисобот бериш агар текширув якуни бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланмаган, тўланадиган солиқ суммасини камайишига олиб келадиган ҳолатларга йўл қўйилмаган ва солиқ қўшимча ҳисобланмаган бўлса рухсат этилишини назарда тутиш.

**3.5.32.** Трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан олинган даромаддан солиқ тўламайди.

Шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб бундай корпорациялар учун Ўзбекистонда ҚҚС тўлаш мажбурияти юкланди.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли фаолиятни бевосита солиққа тортиш қўлланилмоқда.

Шунга ўхшаш солиқ Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Австрия, Венгрия, Туркияда амал қилади. Бу ставка ўртача 2% дан 7,5% гача ташкил этади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) 2023 йилда 40 та, 2024 йил 1 ярим йилликда 60 тани ташкил этган.

Мазкур корхоналарнинг Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан олган айланмаси 2023 йилда 632 млрд сўм, 2024 йил 1 ярим йилликда 442 млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда 70,8 млрд сўм ва 2024 йил 6 ойлигида 48,4 млрд сўм ҚҚС тўлаган ва 2024 йил якунигача 58,0 млрд сўм ҚҚС тўлови кутилмоқда.

Ушбу корхоналарга ҚҚС ҳисоботининг соддалаштирилган шакли ишлаб чиқилган бўлиб, унда фақат 1 та устунга кўрсатилган хизматлар қийматини ойлар кесимида киритиш талаб этилади. Қолган устунлар автомат тарзда шаклланади.

#### **Тавсия:**

Маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун шарт-шароитларни тенглаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатмаётган корхоналардан бюджетга қўшимча солиқ тушумларини таъминлаш мақсадида рақамли фаолиятни бевосита солиққа тортиш мақсадга мувофиқ.

Бунда, Ўзбекистонда жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатишдан даромад оладиган трансмиллий рақамли корпорациялар (Facebook, Amazon, Google ва бошқалар) учун ҚҚС ҳисоботи каби соддалаштирилган

тартибда ҳисоботларни тақдим этиш шарти билан 5 фоиз солиқ ставкасида фойда солиғини жорий этиш тавсия этилади.

**3.5.33.** Солиқ кодексининг 244-245 моддаларида солиқ солишдан озод қилинган молиявий ва суғурта хизматлари белгиланган.

Молиявий ва суғурта хизматларига нисбатан ҚҚСни жорий этиш кўплаб ривожланган мамлакатларда мавжуд.

Жумладан, Франция ва Германияда молиявий хизматлар ҚҚСга тортилади.

Хитойда ҚҚСнинг ставкалари 3%дан 13%гача белгиланган бўлиб, банк-молия хизматлари учун энг юқори ставка қўлланилади.

Республикамизда 2023 йилда 1 776 та корхона молиявий ва суғурта хизматлар учун 15 489,6 млрд сўм ҚҚС имтиёзидан фойдаланган.

#### **Тавсия:**

Молиявий ва суғурта хизматларига (бундан кредитлаш, қимматли қоғозлар операциялари мустасно) нисбатан ҚҚС имтиёзларини бекор қилиш.

**3.5.34.** Солиқ кодексининг 442-моддасига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари, коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар учун сув ресурслари учун амалдаги солиқ ставкаси бир куб метр учун 100 сўмни ташкил қилади.

Сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги мақсадларида жами 11,2 млрд куб метр сув сарфланган бўлса, унинг 1,8 млрд куб метри шўр ювишга, 667 млн куб метри коллектор ва дренаж тармоқларидан сарфланган.

Шу билан бирга, 2023-2024 йил куз-қиш мавсумида 627,2 минг гектар ернинг шўрини ювишга 2,9 млрд куб метр сув сарфланиши ҳисоб-китоб қилинган.

Моҳиятига кўра, шўр ювишга сарфланаётган ҳамда коллектор ва дренажлардан олинаётган сув ҳажми ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирилишида иштирок этади.

Республикамизда охириги 5 йилликда олинган сув миқдори статистикаси таҳлил қилинганда, ўртача бир йилда 40-42 млрд куб метр сув ҳажми олинаётганлиги, шундан 85 фоизи қишлоқ хўжалигида сарфланиши маълум бўлди.

Қишлоқ хўжалигига олинган сувнинг йўқотилиш даражаси ўта юқорилигини (45 фоизгача) инобатга олганда ҳам, қишлоқ хўжалигига сарфланаётган ўртача йиллик 20 млрд куб метр сув ҳажмидан солиқ органларида бир йилда атиги 7-8 млрд куб метр сув учун солиқ тўланмоқда.

Бу ҳолат, қарийб 10,0 млрд куб метрдан ортиқ қишлоқ хўжалигига олинган сув ҳажмининг ҳисобини тўғри юритилишида муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган ҳамда коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари ҳажми солиқ солиш объектига киритилмаганлиги ҳолати қишлоқ хўжалигига олинган сув ҳажмининг ҳисобини тўғри юритилишига таъсир этаётган омиллардан бири бўлмоқда.

#### **Тавсия:**

Шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган ҳамда коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари ҳажмини сув ресурсларидан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритиш ва ушбу йўналишда сарфланган сув ҳажмига солиқ ставкасини бир куб метр учун 10 сўм этиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

#### **IV. Бюджетнома ва 2025 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетининг харажатлари таҳлили.**

##### **4.1. Бюджетнома ва 2025 йил бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Қонун лойиҳаси таҳлили.**

**4.1.1.** 2025 йилга мўлжалланган бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

қатъий фискал интизомни таъминлаш бунда бюджетни консолидациялаш орқали тақчилликни ўрта муддатли даврда ЯИМга нисбатан 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш;

бюджет харажатлари самарадорлиги ва натижадорлигини янада ошириш;

бюджет очиқлигини таъминлаш;

бюджет жараёнини рақамлаштириш ишларини такомиллаштириш;

ғазначилик хизматини янада такомиллаштириш, бунда Ғазначилик хизмати кўмитасининг истиқболдаги устувор йўналишларини белгилаш;

бюджет сиёсатида инсон капитали ривожланишига доир харажатлар устуворлигини таъминлаш.

аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;

бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш;

Давлат секторида ички назорат ва ички аудит хизматини такомиллаштириш;

Иқтисодий ва молиявий натижаларни ҳамда гендер тенгликни яхшилашни қўллаб-қувватлаш учун бюджет жараёнини такомиллаштириш.

Бунда,

Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқишда Миллий барқарор ривожлантириш мақсадларини акс эттириш;

“Яшил бюджетлаштириш” тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш;

гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш ҳамда гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, дастурий бюджетлаштириш тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш;

атроф-муҳит муҳофазаси бўйича давлат мониторингини самарали ташкил этиш, иқлим хавфини баҳолаш ва камайтиришга қаратилган иқлим мониторинги тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинишини кенгайтириш ва сув етказиш тизимига илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий қилиш.

**4.1.2.** Қонун лойиҳасининг 2-моддаси 2-хатбошида “Биринчи даражали

бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли” эканлиги акс эттирилган.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ривожлантириш дастурлари маблағларини қайта тақсимлашни амалга ошириш мақсадида таклиф этилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Болаларни ҳамда туғиш ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлашга доир харажатлар (ПҚ-4887 10.11.2020 йил) 2022 йилда тасдиқланган режага нисбатан 41,7 млрд сўмга, 2023 йилда 41,6 млрд сўмга ва 2024 йил ўтган даври мобайнида 133,6 млрд сўмга камайтирилган бўлса, Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари учун режалаштирилган маблағлар (ПҚ-14, 20.01.2023 й) 2022 йилда 45,1 млрд сўмга, 2023 йилда 34,9 млрд сўмга ва 2024 йил ўтган даври мобайнида 39,9 млрд сўмга камайтирилган.

Йил бошида маблағлар дастурларнинг ижросини таъминлаш мақсадида режалаштирилиб, кейинчалик йил давомида ушбу маблағларни бошқа харажатларга йўналтирилиши натижасида амалда тасдиқланган дастурларни мақсадли кўрсаткичларига эришишга ўз таъсирини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, ривожлантириш дастурлари учун режалаштирилган маблағларни фақатгина олдин дастур ижросини бажариб кейинчалик иқтисод қилинган маблағларни бошқа харажатларга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

#### **Тавсия:**


Қонун лойиҳасининг 2-моддаси 2-хатбошини қуйидагича янги таҳрири таклиф этилади:

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан **иқтисод қилинган маблағлар доирасида** бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

## **4.2.Консолидациялашган бюджет жамланма параметрларининг 2024 йилги кутилаётган ижроси ва 2025-2027 йиллар учун прогнозлари.**

**4.2.1.** 2025 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари 480,3 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз миқдорида прогноз қилинган.

## Йиллар кесимида бюджет тақчиллиги, ЯИМга нисбатан фоизда



Қонун лойиҳасига кўра 2025 йил учун давлат бюджетининг харажатлари 290,4 трлн сўмни, шундан 54,4 трлн сўми давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни ташкил этиши режалаштирилган.

Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари 62,6 трлн сўмни (бюджет трансфертларсиз), Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатлари 20,3 трлн сўмни, ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар 18,8 трлн сўмни ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари харажатлари 33,8 трлн сўмни ташкил этади.

7-жадвал

**Консолидациялашган бюджетнинг  
2025 йилги прогнози ва 2026–2027 йиллардаги мўлжаллари**

трлн сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2026 йил	2027 йил
<b>I.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет даромадлари</b>	<b>431 088,2</b>	<b>496 795,1</b>	<b>565 368,4</b>
1.	Давлат бюджети даромадлари*	308 857,2	354 108,6	406 440,9
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	66 228,7	81 759,1	94 099,7
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	22 249,4	24 474,3	26 187,5
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушумлар	33 752,9	36 453,1	38 640,3
<b>II.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет харажатлари</b>	<b>480 255,5</b>	<b>547 448,4</b>	<b>619 149,7</b>
1.	Давлат бюджети харажатлари *	290 421,5	339 269,0	390 783,9
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	116 947,1	129 427,0	143 170,5


Т/р	Кўрсаткичлар	2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2026 йил	2027 йил
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	20 293,7	21 474,3	22 887,5
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг сарфланиши	33 752,9	36 453,1	38 640,3
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	18 840,4	20 825,0	23 667,5
<b>III.</b>	<b>Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар</b>	<b>54 367,2</b>	<b>52 052,6</b>	<b>53 466,4</b>
<b>IV.</b>	<b>Давлат бюджетига трансфертлар</b>	<b>10 480,0</b>	<b>10 400,0</b>	<b>10 400,0</b>
<b>V.</b>	<b>Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)</b>	<b>-49 167,4</b>	<b>-55 153,2</b>	<b>-63 681,4</b>
<b>VI.</b>	<b>Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит -)</b>	<b>-32 682,7</b>	<b>-33 228,2</b>	<b>-33 813,9</b>
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	46 800,6	50 013,7	58 264,2

\* Бюджетларо трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда кўрсатилган.

Бунда, республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар 281,2 трлн сўмни, шундан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори 17,7 трлн сўмни ташкил этади.

5-расм.

### 2025 йил учун консолидациялашган бюджет таркиби






6-расм.

2025 йилги Давлат бюджет тақчиллиги, давлат қарзининг асосий қисмини қайтариш харажатлари ҳамда уй жой дастури учун тижорат банкларига жойлаштириладиган ресурсларни молиялаштириш манбалари

трлн сўм



**4.2.2.** Давлат бюджети жами харажатлари 2025 йилда ЯИМга нисбатан 2022 йилги 23,8 фоиздан 21,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда.

2025 йилда Давлат бюджети харажатлари 344,8 трлн сўмни ташкил этиши ёки 2024 йил учун кутилаётган ижрога нисбатан 8,5 фоиз кўп маблағлар ажратилиши прогноз қилинган.

Кейинги йилда ҳам харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинган бўлиб, Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ёки **52 фоизи ижтимоий соҳага** йўналтирилиши кўзда тутилган.

8-жадвал

Давлат бюджети харажатларининг 2024 йилги кутилаётган ижроси ва 2025-2027 йиллар учун мўлжаллар

млрд сўмда

Кўрсаткичлар		Кутилаётган ижро	Прогноз		
			2025 йил	2026 йил	2027 йил
	Йиллар	2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил
	Харажатлар, жами	317,7	344,8	395,6	453,7
<b>1</b>	Ижтимоий соҳа	154,4	178,3	197,9	226,8
	Таълим	71,1	82,3	99,2	113,5
	Соғлиқни сақлаш	34,4	41,0	47,0	53,9
	Маданият	3,1	3,8	4,3	4,9
	Спорт	3,0	3,2	3,5	3,9
	Фан	2,1	2,3	2,5	2,8
	Ижтимоий нафақалар	17,3	17,8	20,6	23,7

Кўрсаткичлар		Кутилаётган ижро	Прогноз		
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	16,0	18,5	12,0	10,0
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш	1,5	2,5	2,8	3,2
<b>2</b>	<b>Иқтисодиёт харажатлари, шундан</b>	<b>40,5</b>	<b>38,8</b>	<b>43,7</b>	<b>46,2</b>
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	10,7	10,0	10,0	10,2
	Ободонлаштириш	4,4	4,1	4,4	4,8
	Табийий газ нархларидаги тафовутни қоплаш	9,5	7,0	6,5	6,9
	Электр энергияси нархларидаги тафовутни қоплаш	2,5	0,5	0,3	-
	Иссиқлик корхоналарига субсидиялар	4,2	4,8	4,2	4,7
<b>3</b>	<b>Ривожлантириш дастурлари</b>	<b>32,4</b>	<b>27,4</b>	<b>39,0</b>	<b>46,6</b>
	Марказлашган инвестиция	20,4	16,2	25,0	30,0
	Ташаббусли бюджетлаштириш	5,8	6,0	8,0	10,0
	Президент топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари	3,5	2,5	3,0	3,0
	Тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳолининг барча қатламига яшаш ва дам олиши учун қулай шароит яратиш харажатлари	-	1,0	1,0	1,0
	Танлаб олинган туманларни жадал комплекс ривожлантириш лойиҳалари учун маблағлар	0,5	0,5	0,5	0,5
<b>4</b>	<b>Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура ва суд органлари</b>	<b>16,8</b>	<b>18,8</b>	<b>20,6</b>	<b>23,0</b>
<b>5</b>	<b>Захира жамғармалари</b>	<b>2,1</b>	<b>1,8</b>	<b>1,7</b>	<b>1,7</b>
<b>6</b>	<b>Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари</b>	<b>16,4</b>	<b>21,6</b>	<b>30,3</b>	<b>33,8</b>
<b>7</b>	<b>Бошқа харажатлар</b>	<b>53,3</b>	<b>56,2</b>	<b>60,3</b>	<b>73,4</b>

*Изоҳ: Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек айрим хизматлар турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ маблағлар тегишли соҳаларга тақсимланган.*

**4.2.3.** 2025 йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг харажатларини шакллантириш ҳисоб-китоблари қуйидаги усулларда:

2025 йил 1 январдан бошлаб ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан молиялаштириши сабабли жамғармага ажратиладиган бюджет трансфертлар миқдорлари ошиши;

Давлат дастурлари ва марказлашган инвестиция харажатлари учун ХМИ ҳисобидан жалб қилинадиган маблағлар ошиши ҳисобига бюджетдан ушбу йўналишларга ажратиладиган харажатларнинг қайта кўриб чиқилиши;

электр энергия тарифлари босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказилиши натижасида электр энергияси харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовутни молиялаштириш учун бюджет харажатларининг камайиши;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатларининг камайтирилиши;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари мўлжалларининг аниқлаштирилиши маълум бўлди.

#### 4.2.4. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий тасниф бўйича таҳлили

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи харажатларни иқтисодий йўналишига кўра кодлашдан иборат бўлиб, бу харажатларни иқтисодий йўналиши ва тўлов турлари бўйича гуруҳлаш имконини беради.

Иқтисодий тасниф бўйича Давлат бюджети харажатларининг асосий қисмини иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатларини ташкил этиб, ушбу харажатлар жами Давлат бюджети харажатларининг 2025 йилда 44,8 фоизини ташкил этиши ёки ЯИМга нисбатан 9,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Жумладан, 2025 йилда иш ҳақи ва ижтимоий солиқ тўловлари учун 154,3 трлн сўм ёки 2024 йилги тасдиқланган режага нисбатан 27,6 трлн сўмга кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Шундан ижтимоий соҳанинг иш ҳақи харажатлари 97,2 трлн сўмни (таълим 62,1 трлн сўм, соғлиқни сақлаш – 30,1 трлн сўм, маданият ва спорт – 3,9 трлн сўм) ёки жами иш ҳақи харажатларининг 63,2 фоизини ташкил қилади.

9-жадвал.

#### Харажатларнинг иқтисодий тасниф бўйича ёйилмаси.

трлн сўм

Кўрсаткичлар		ижро	пара метр	прогноз	мўлжал	
Йиллар		2023	2024	2025	2026	2027
	<b>Жами харажатлар</b>	<b>281,1</b>	<b>312,9</b>	<b>344,8</b>	<b>395,6</b>	<b>453,6</b>
<b>1</b>	<b>Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатлари</b>	116,9	126,7	154,3	169,7	190,1
	<i>ЯИМга нисбатан, фоизда</i>	<i>11,0</i>	<i>9,0</i>	<i>9,5</i>	<i>9,1</i>	<i>8,9</i>
<b>2</b>	<b>Стипендиялар</b>	<b>1,5</b>	<b>1,9</b>	<b>2,0</b>	<b>2,2</b>	<b>2,3</b>
<b>3</b>	<b>Капитал қўйилмалар</b>	<b>10,7</b>	<b>20,4</b>	<b>16,2</b>	<b>25,0</b>	<b>30,0</b>
<b>4</b>	<b>Товар ва хизматлар бўйича харажатлар</b>	<b>24,5</b>	<b>26,0</b>	<b>26,4</b>	<b>28,6</b>	<b>30,6</b>
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	0,2	0,4	0,4	0,4	0,4
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	8,3	10,1	10,3	11,8	13,7
	<i>электроэнергия</i>	<i>7,3</i>	<i>8,7</i>	<i>8,4</i>	<i>9,3</i>	<i>10,2</i>
	<i>табиий газ</i>	<i>0,4</i>	<i>0,6</i>	<i>0,6</i>	<i>0,6</i>	<i>0,7</i>
	<i>иссиқ сув ва иссиқлик энергияси</i>	<i>0,3</i>	<i>0,4</i>	<i>0,7</i>	<i>1,0</i>	<i>1,5</i>
	<i>совуқ сув ва канализация</i>	<i>0,2</i>	<i>0,3</i>	<i>0,5</i>	<i>0,8</i>	<i>1,2</i>
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	2,1	1,4	1,7	1,8	2,0
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига	8,5	12,5	13,5	14,5	15,7

Кўрсаткичлар		ижро	пара метр	прогноз	мўлжал	
	харажатлар, шу жумладан:					
	озик-овқат маҳсулотлари	3,3	5,5	6,1	6,6	7,1
	дори-дармонлар ва тиббий воситалар	2,8	3,5	4,2	4,5	4,9
	ёнилги ва ЁММ	0,7	1,5	1,7	1,8	2,0
<b>5</b>	Асосий воситалар бўйича харажатлар	5,1	5,1	4,8	5,2	5,6
5.1	асосий воситаларни сотиб олиш	4,0	4,0	3,8	4,1	4,4
<b>6</b>	Фоиз тўловлари	8,8	16,4	21,6	30,3	33,8
<b>7</b>	Субсидиялар	30,6	29,8	28,2	26,7	25,4
<b>8</b>	Грантлар	30,6	36,7	39,4	42,5	45,9
<b>9</b>	Ижтимоий нафақалар	21,7	18,6	17,8	20,6	23,7
<b>10</b>	Бошқа харажатлар	32,1	26,4	28,6	38,7	59,6

Давлат бюджети тақчиллиги ошишининг олдини олиш мақсадида 2025 йилда 4-гуруҳ (бошқа) харажатлар миқдори жорий йилги миқдорларда сақлаб қолинмоқда ҳамда фақат озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари йиллик инфляция кўрсаткичлари доирасида оширилмоқда.

**4.2.5.** Бюджетнома лойиҳасида “Фан ва илмий тадқиқот соҳаси” бўлимида ва “2025 йилга бюджет сиёсати Концепциясига таклифлар”да (9-банд) умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлашда ота-оналар иштирокини ошириш мақсадида 2025/2026 ўқув йилидан 2-11 синфларда бир тўплам дарслик ва машқ дафтарлари учун ижара тўлови ундириш тизимини қайта йўлга қўйиш ва бир тўплам учун 80 минг сўм миқдорида ота-оналар тўловини қайта тиклаш таклиф этилмоқда.

Тақдим этилган ҳисоб-китобга асосан 376,6 млрд сўм маблағ йиғилиши (4 707,5 минг ўқувчи ҳисобига тўғри келмоқда) ва ушбу маблағ ўқувчиларни машқ дафтарлари билан таъминлаш харажатларининг бир қисмини қоплашга йўналтирилиши қайд этилган.

Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотга асосан 2023/2024-ўқув йилида 6 415,5 минг нафар ўқувчилар (шундан 685,3 минг нафари 1-синф ва 399,4 минг нафари 11-синф ўқувчилари) битирган бўлиб, 2024/2025 ўқув йилида 1-синфга республикада 2017 йилда туғилган 715,5 минг нафар (статистика маълумотлари) болалар чиқиши ҳисобга олинса, 2024/2025 ўқув йилида ўқувчиларнинг жами сони 6 731,6 минг нафарга етиши кутилмоқда.

Шу тарзда, 2025/2026 ўқув йилида 1-синфга республикада 2018 йилда туғилган 768,5 минг нафар болалар чиқиши ва 11-синфни 440,9 минг нафар ўқувчи (статистика маълумотлари) битириши ҳисобга олинса, 2025/2026 ўқув йилида ўқувчиларнинг жами сони 7 059,2 минг нафарга етиши кутилмоқда, шундан 2-11 синф ўқувчилари **6 290,6 минг** нафарни ташкил этади.

“2025 йилга бюджет сиёсати Концепциясига таклифлар”да қайд этилганидек, ижтимоий реестрда турган оилаларнинг 1,1 млн нафар фарзандларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинса, **5 190,6 минг** нафар ўқувчидан бир тўплам дарслик ва машқ дафтарлари учун 80,0 минг сўмдан жами **415,3 млрд сўм** яъни кутилаётганидан **38,7 млрд сўм** кўп маблағ маълум бўлди.

#### **Тавсия:**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд этилган ҳисоб-китобларга аниқлик киритган ҳолда, ижарада тўловларидан ундириладиган тушумлар прогнозини аниқлаштириш тавсия этилади.

**4.2.6.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисида” 2022 йил 15 августдаги 447-сон қарори билан тасдиқланган Низомда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг шахсий ғазна ҳисобварақларида харажатлар моддасида бир сатрда, йилнинг чораклари ва ойлари бўйича режалаштирилган ҳолда акс эттирилиши белгиланган.

2023 йилдан бошлаб мазкур маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида олий таълим муассасасининг идоравий мансублигига кўра тегишли вазирликлар ва идораларга ажратилиши белгиланган.

2025 йил бюджет лойиҳасида идоравий мансублигига кўра бошқа вазирликлар ва идораларга тегишли 37 та олий таълим муассасаларида магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўлов маблағлари Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига (120,0 млрд сўм) режалаштирилган.

Бугунги кунда талабгорларга тўлов-контрактнинг тўлиқ суммасини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб беришда давлат олий таълим муассасалари томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тегишли маблағларни олий таълим муассасаларининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига сўровнома тақдим этади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда маблағлар тегишли олий таълим муассасаларининг бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат олий таълим муассасалари томонидан талабгорлар учун ажратилган маблағларни бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади.

### Тавсия:

Бюджет маблағларининг сарфланишини шаффофлигини таъминлаш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тегишли маблағларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига Ғазначилик мемориал ордери орқали тўғридан-тўғри ўтказиб бериш юзасидан Низом талабларига тегишли ўзгартиришларни киритиш **мақсадга мувофиқ**.

**4.2.7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли “Республикада олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2030 йилга қадар 150 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш белгиланган.

2024 йилда давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойларини барпо этиш лойиҳаларига 270,0 млрд сўми молиялаштириб берилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 563-сонли қарори билан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан 2025 йилда 73 та талабалар турар жойларини барпо этиш белгиланган бўлиб, 400 ўринли 1 та ётоқxonани куриш учун 15 млрд сўмдан жами 500,0 млрд сўм субсидия маблағи талаб этилади.

2025 йил бюджет лойиҳасида давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойлари барпо этилиши кутилаётган лойиҳалар учун жами 300,0 млрд сўм маблағ режалаштирилган.

### Тавсия:

Қонун лойиҳасида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли қарори билан 2025 йилда давлат-хусусий шериклик асосида 73 та талабалар турар жойларини барпо этиш учун жами **500,0 млрд сўм маблағни тўлиқ режалаштириш мақсадга мувофиқ**.

**4.2.8.** Профessional таълим муассасаларининг харажатлар сметасида ўқув техникаларини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда сақлаш жойлари учун маблағлар режалаштирилмаслиги сабабли ўқув техникаларидан ўқув жараёнида фойдаланиш имконияти камайиб бормоқда.

Жумладан, бугунги кунда профессионал таълим муассасалари балансидаги жами 2 482 та автомобиль ва тракторларнинг 35,2 фоизи (875 та) кўп йиллардан буён носоз ҳолатга келиб қолган.

### Тавсия:

Профessional таълим муассасаларининг ўқув техникаларини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш ҳамда сақлаш жойлари учун 2025 йилда давлат бюджети ҳисобидан маблағларни режалаштириш мақсадга мувофиқ.

**4.2.9.** Олий таълим муассасалари талабаларининг стипендия миқдорлари охириги марта 2021 йил сентябрь ойида **517,9 минг сўмга** оширилган бўлиб, бугунги кунга қадар республикада иш ҳақи миқдорлари **4 марта** оширилганлигига қарамасдан қайта кўриб чиқилмаган.

Жумладан, иш ҳақи миқдорлари 20.05.2022 йилда ПФ-138 билан 12 фоизга, 28.03.2023 йилда ПФ-45 билан 7 фоизга, 17.11.2023 йилда ПФ-196 билан 7 фоизга, 12.08.2024 йилда ПФ-108 билан 10 фоизга оширилган.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда фуқароларнинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш мақсадида талабаларининг стипендия миқдорларини ошириш таклиф этилади.

2025 йил 1 сентябрдан грантда ўқиётган 90 894 нафар талабаларнинг стипендия миқдорларини 10 фоизга оширилишида бир ойга 5,3 млрд сўм, 2025 йилда **қўшимча 21,2 млрд сўм** маблағ талаб этилади.

#### **Тавсия:**

2025 йилда давлат бюджетининг лойиҳасида иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорларини оширишни тадбирлари доирасида талабаларининг **стипендия тўловлари миқдорини ҳам оширишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.**

**4.2.10.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 апрелдаги 258-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бошқа ташкилотлар учун хизмат автотранспорт воситаларининг чекланган сони, нархи, йўл босиш йиллик лимити ҳамда улардан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш белгиланган бўлсада, мазкур меъёрлар бугунги кунга қадар тасдиқланмаган.

Шунингдек, давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун белгиланган автотранспорт воситалари лимити ва ҳақиқатда мавжуд сонининг электрон ҳисобини юритишга мўлжалланган дастурий мажмуа амалиётга жорий этилмаган.

**Тавсия:** Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида хизмат автотранспорт воситаларини харид қилиш, уларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни режалаштириш, сарфлаш ва уларни мониторингини юритиш мақсадида, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқа ташкилотлар учун хизмат автотранспорт воситаларининг чекланган сони, нархи, йўл босиш йиллик лимити ҳамда улардан фойдаланиш меъёрларини тасдиқлаш тавсия этилади.

**4.2.11. Қонун лойиҳасининг 5-иловасида** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг жорий харажатлари таркибидаги

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖнинг маблағларини шакллантириш учун **842 млрд сўм кўзда тутилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-193-сон Фармонига асосан “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит (лизинг)лари бўйича компенсация тақдим этиш белгиланган.

Компания томонидан компенсация маблағлари Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ҳисобига Иқтисодиёт ва молия вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган **Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси** ҳисобидан тўланиши ҳамда жамғарма маблағларини бошқариш ҳуқуқи Компанияга берилиши белгиланган.

#### **Тавсия:**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ нинг маблағларини шакллантириш” жумласини “Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси харажатлари”га ўзгартириш лозим.

**4.2.12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сонли қарори билан умумий ўрта таълим муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш учун **директор жамғармаси** ташкил этилган. Ушбу жамғарма меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг **15 фоизигача** миқдорда бюджетдан шаклланиши белгиланган.

2021-2024 йиллардаги бюджет параметрларида директор жамғармаси харажатлари меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг **7,0-10,6 фоизи** этиб режалаштирилган бўлсада, йил якунида атиги **4,4 - 7,4 фоизи** оралиғида сарфланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 03.08.2022 йилдаги 425-сонли қарори билан Директорлар жамғармасининг Тартибига ўзгартиришлар киритилиб, бериладиган моддий рағбат ва моддий ёрдам тўловлари миқдорини камайтириш ҳамда маблағларни **юқори натижаларга эришган ходимларга устамалар** тўлаш орқали рағбатлантириш механизми жорий қилинган.

Жамғарма ҳисобидан умумтаълим муассасалари ходимларини **фақат “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни”** муносабати билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **50 фоизигача мукофотлаш** ҳамда йил давомида **икки лавозим маоши миқдоригача** моддий ёрдам (ходимнинг ўзи ва яқин қариндоши вафот этганда, оғир касалликка чалинганда ва табиий офатдан зарар кўрганда) кўрсатиш мумкин.



Директор жамғармаси учун режалаштирилган маблағларнинг ўзлаштирилиши пастлиги сабабли, молия йили мобайнида иқтисод бўлган маблағлар ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлашга, ўқув йили бошига мактабларда синф ҳамда ўқитувчи контингентининг ошиши ҳамда иш ҳақи билан боғлиқ харажатларнинг етишмаган қисмига йўналтирилган.

“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳасида умумтаълим мактабларида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди **32,3 трлн сўмни** ташкил этиб, шундан директор жамғармаси учун **3,5 трлн сўм** (*МХТ фондининг 10,7 %*) кўзда тутилган.

#### **Тавсия:**

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш, юқори натижага эришган ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида режалаштирилаётган маблағларни ўз мақсадлари учун йўналтириш, шу жумладан, ўқув жараёнлари сифатини оширишга хизмат қилувчи рағбат, устама ва мукофотларни тўлиқ молиялаштириш орқали давлат бюджетида режалаштирилган маблағларни ўзлаштирилиши билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли **норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тавсия** этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сонли қарорига мувофиқ умумтаълим муассасалари ходимлари бир йилда фақатгина бир маротаба 500 минг сўмгача (қўлга тегишли қисми) мукофот пулларини олишлари мумкин бўлган миқдорни раҳбар ва педагог ходимлар учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **1,5 бараваригача** (1,5 млн сўм) ошириш ҳамда амалдаги белгиланган устама миқдорларини ўртача **20-25 %га** ошириш орқали ўз устида мунтазам ишлаб, таълим тизимини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган ўқитувчиларни рағбатлантириш орқали уларнинг ўртача даромадларини оширишига эришиш мумкин.

**4.2.13.** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхати ҳамда уларни даволаш харажатларини қоплаш учун базавий нархлар республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва республика даражасидаги тиббиёт муассасалари кесимида ҳар бир муассаса учун алоҳида шакллантирилган.

Бунда, бир турдаги касалликни даволаш учун турли тиббиёт муассасаларида турлича базавий нархлар белгиланган.

Мисол учун, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида қондаги АЛТ ва АСТ таҳлил 44 минг сўм бўлса, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида 54,9 минг сўмни, шунингдек умумий қон таҳлили Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида 36 минг сўм бўлса, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида 41,2 минг сўмни, Республика ихтисослаштирилган

терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида эса 50,4 минг сўмни ташкил этади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида кўкрак қафаси МСКТ 206 минг сўм, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 185,7 минг сўм, Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказида 234 минг ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази 220 минг сўмни ташкил этади.

**Тавсия:** Аҳоли учун қулай, арзон ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатишни тизимли ва ягона нархларда ташкил этиш мақсадида, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Туркия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаси асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касаллик турлари кесимида барча тиббиёт ташкилотлари учун умумий бўлган базавий нархларини тиббий йўналишлар кесимида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

**4.2.14.** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ривожлантириш дастурларида кўзда тутилган Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш харажатлари учун **70,0 млрд сўм** режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–82-сон фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилган.

Мазкур фармонга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларни юқори сифатли протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишларидан бири этиб белгиланган.

### **Тавсия**

Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш харажатлари учун режалаштирилган **70,0 млрд сўмни** Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ўтказиш тавсия этилади.

**4.1.1.** Давлат олий таълим ва профессионал таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш давлат гранти ва (ёки) тўлов-шартнома асосида амалга оширилади (ЎРҚ-637-сон, 38-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 28.12.2012 йилдаги 508-сон буйруғи (АВ томонидан 26.02.2013 йилда №2431 рақам билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган “Олий ва ўрта махсус,

касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги” Низомнинг 17-бандига мувофиқ Олий таълим муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларнинг етишмайдиган қисми олий таълим муассасаларини сақлашга ажратилмайдиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Тахлилларга кўра, 2024/2025 ўқув йилида кутилаётган харажатлар табақалаштирилган тўлов-контракт маблағлари кам тушадиган (талаб паст бўлган олийгоҳларда) тўлов-контракт квоталари тўлмаган техника, маданият, санъат ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги аксарият олийгоҳларда тўлов-контракт асосида ўқитиш учун маблағлар тушумини етишмаслиги прогноз қилинмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 46 та олий таълим муассасаларида жами 238,7 млрд сўм маблағ дефицити мавжуд.

Масалан, Тошкент давлат аграр университетида - 16,7 млрд сўм, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида - 13,4 млрд сўм, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида - 13,3 млрд сўм, Ўзбекистон давлат консерваториясида - 11,3 млрд сўм, Миллий рассомлик ва дизайн институтида - 10,9 млрд сўм, Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтида - 11,3 млрд сўм, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида - 10,8 млрд сўм, Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Миллий эстрада санъати институтида - 10,5 млрд сўм, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида - 9,9 млрд сўмни, Тошкент давлат транспорт университетида - 15,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

### **Тавсия:**

Шартнома асосида тушадиган маблағлари ўз харажатларини қопламаётган давлат олий таълим муассасаларида ўқитиш харажатлари учун етишмайдиган маблағларни Қонун лойиҳасида ушбуларни инобатга олган ҳолда маблағ ажратилишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

**4.2.15.** Қонун лойиҳасининг 5-илоvasида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун жами **482,2 млрд сўм** маблағ режалаштирилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан 2025 йил бюджет лойиҳаси учун олинган маълумотлар ҳисоб-китоб қилинганда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун жами **430,0 млрд сўм** маблағ етарли бўлмоқда. Жумладан

- ҳоким ёрдамчилари ойлик иш ҳақи компенсацияси учун **128,5 млрд сўм,**

- ҳоким ўринбосарликдан ўтганлар бўйича ойлик иш ҳақи компенсацияси учун **3,8 млрд сўм**,

- ҳоким ёрдамчилари (КРІ) мукофот пуллари учун **231,1 млрд сўм**,

- ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун уй-жой қийматининг 50 фоизигача субсидия тўлаш учун **34,5 млрд сўм**,

- "Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси" кўкрак нишони таъсис этиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **3,0 млрд сўм**,

- эксперт гуруҳи таркибига киритилган мутахассислар учун ҳақ тўлаш учун **2,6 млрд сўм**,

- Бошқа харажатлар (хизмат сафари ва малака ошириш, лойиха менежерлари-худудлар кесимида) учун **26,5 млрд сўм**ни ташкил этган.

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун 2025 йилда жами 430,0 млрд сўм сарфланиши прогноз қилинган ёки бюджет лойиҳасида **52,2 млрд сўм ортиқча маблағ режалаштирилган**.

#### **Тавсия:**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини **52,2 млрд сўмга мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ**.

**4.2.16.** 2025 йилдан (Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятлари) туман(шаҳар) соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш (санитария эпидемиология марказидан ташқари) вилоят бюджетига ўтказилмоқда.

Туман (шаҳар) маҳаллий бюджети харажатлари миқдорларини камайиши ҳисобига маҳаллий бюджет параметрларида ҳокимликларни **захира жамғармаси** (умумий харажатнинг 1 фоизи) учун режалаштириладиган маблағлар миқдори ҳам **камаймоқда**.

Бунинг натижасида ҳокимлик томонидан маҳаллий **бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар ва фавқулодда ҳолатларга** маблағ ажратиш имконияти камаймоқда.

Масалан, Самарқанд вилоятининг 16 та туман(шаҳар) маҳаллий бюджетининг 2025 йил лойиҳасида Захира жамғармаси миқдори 2024 йилга нисбатан қарийб **икки баробарга**, яъни **14,7 млрд сўмга** камайган.

Мисол учун, 2025 йил маҳаллий бюджет лойиҳасида Каттакўрғон шаҳар Захира жамғармаси 0,7 млрд сўмни, яъни 2024 йил (1,4 млрд сўм)га нисбатан **икки баробарга** камайган.

Шунингдек, Ургут туман Захира жамғармаси 2024 йилда 3,1 млрд сўм бўлиб, 2025 йил лойиҳада 1,6 млрд сўмни ёки 2 баравар кам миқдорни ташкил этмоқда.

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактаблари Республика бюджетига ҳамда ижтимоий нафақаларни молиялаштириш вилоят ва Республика бюджетига ўтказилиши натижасида туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджети миқдори солмоқли ҳажмга камайган.

#### **Тавсия:**

Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда Тиббий суғурта тизими жорий қилинган ҳудудларда бюджетда кўзда тутилмаган тадбирлар ва фавқулодда ҳолатларга маблағ ажратиш имкониятини чекланиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармалари тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорини сақлаган ҳолда туман(шаҳар)ларни маҳаллий бюджетда ҳокимликларни захира жамғармаси миқдорини олдинги йиллардаги ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш тавсия этилади.

**4.2.17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сон қарорига асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини аукцион орқали 30 йилга ижарага бериш тизими яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2021 йилдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган Низомда тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига мувофиқ туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва (ёки) туман (шаҳар) бошқа ваколатли органлар томонидан ижара бўйича қўшимча тўловларнинг ҳисобини юритилиши ва ундирилиши белгиланган.

Аммо, ушбу Низомда ер участкаларининг ижара тўловларини ундириш аниқ битта ташкилот зиммасига аниқ вазифа юклатилмаганлиги сабабли 2022-2023 йилларда ижарага берилган ер майдонлари учун қарийб **1,5 трлн сўм** ижара бўйича қўшимча тўловлар маҳаллий бюджетларга ундирилмасдан қолмоқда.

#### **Тавсия:**

Қонун лойиҳасида солиқ органларига ер участкаларининг ижара бўйича қўшимча тўловларини ундириш вазифасини юклаш орқали ижара бўйича қўшимча тўловлар ҳисобини юритиш ва ундиришни амалга ошириш, белгиланган тартибда солиқ органлари электрон базасида шахсий карточка очиш, ҳисобланган ва тўланган тўловлар ҳисобини юритиш ҳисобига ҳудудларда

ер участкалари ижара тўловларини бўйича маҳаллий бюджетга қўшимча тушумлар шаклланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

**4.2.18.** Худудлардаги саноат корхоналари томонидан чиқарилган зарарли моддалар оқибатида атроф-муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун жарималарнинг 40 фоизи республика бюджетига ва 60 фоизи Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги махсус ҳисоб рақамига ажратма қилинади.

Республика бўйича 2023 йилда жами **146,6** млрд сўм компенсация тўловлари ундирилган, шундан **58,6** млрд сўми республика бюджетига ва **87,9** млрд сўми вазирликнинг махсус ҳисоб рақамига ажратма қилинган.

#### **Тавсия:**

Вилоят худудидаги атроф муҳитга етказилган зарардан бевосита ушбу худудда истиқомат қилувчи аҳоли кўпроқ азият чекишини инобатга олган ҳолда, тўловларнинг **80 фоизини** тегишли туман(шаҳар) маҳаллий бюджетларига қолдириш ва мазкур маблағларни “Яшил макон” дастури тадбирлари учун йўналтириш мақсадга мувофиқ.

**4.2.19.** 2025-2027 йиллар учун тузилган Бюджетномада 2025 йил 1 апрелдан дори воситалари савдоси билан шуғулланувчи **субъектлар ва тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотларни йиллик айланмасидан қатъий назар** ҚҚС тўловчилари тоифасига киритиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 28.12.2023 йилдаги ЎРҚ-891-сон Қонунига асосан 2024 йил 1 апрелдан бошлаб, дори воситалари ва тиббий хизматлар учун ҚҚС имтиёзи бекор қилинган.

Шунингдек, Бюджетномада 2025 йилда 4-гуруҳ (бошқа) харажатлар миқдори жорий йилги миқдорларда сақлаб қолинган ҳамда фақат озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари йиллик инфляция кўрсаткичлари доирасида оширилиши белгиланган.

Жумладан, 2025 йил учун Давлат бюджети даромадлари прогнозини ишлаб чиқишда инфляция даражаси 7-7,5 фоиз бўлган ҳолда ЯИМнинг 5,8 фоизга ўсиши прогност қилинган.

Тиббиёт муассасаларига **дори-дармон сотиб олиш** харажатларига бир ўрин-кун учун 2024 йилда ажратилган маблағлар ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда режалаштирилган бўлиб, ўз навбатида мазкур ҳисоб-китоблар асосида маблағлар **10 фоизга** оширилган ҳолда 2025 йил бюджет лойиҳасига киритилган.

#### **Тавсия:**

2024 йил 1 апрелдан бошлаб, дори воситалари ва тиббий хизматлар учун ҚҚС имтиёзи бекор қилинганлиги ҳамда 2025 йил 1 апрелдан дори воситалари савдоси билан шуғулланувчи субъектлар ва тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҚҚС тўловчилари тоифасига киритилишини ҳисобга олган ҳолда,

2025 йил бюджет лойиҳасида тиббиёт муассасаларига дори-дармон сотиб олиш харажатларига бир ўрин-кун учун кўзда тутилган маблағларни режалаштиришда дори-дармон нархи ошишини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш лозим.

Масалан, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб, дори воситалари ва тиббий хизматлар учун ҚҚС имтиёзи бекор қилинганлиги ҳисобига 2024 йил январь-март ойлари учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг ушбу харажатларига қўшимча 197,1 млрд сўм маблағ ажратиш лозимлиги ҳисобланган.

**4.2.20.** 2025 йил учун давлат бюджетининг лойиҳасида Тошкент метрополитени учун йўловчиларни ташишдан кўриладиган зарарларни қоплаш мақсадида давлат бюджетидан жами 405,0 млрд сўм субсидия ажратилиши назарда тутилган.

Бунда, Тошкент метрополитенига қуйидаги мақсадлар учун субсидия ажратилади:

- фуқароларнинг айрим тоифаларининг бепул ва имтиёзли юриши билан боғлиқ ҳолда ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини қоплаш учун;

- тушумларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар таннархини пасайтириш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва багажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан кўрадиган **зарарларни** қоплаш мақсадида учун.

Ушбу шаклдаги молиялаштириш тартиби Тошкент метрополитенини ҳаракат таркибини тизимли равишда янгилаб бориш, инвестиция режаларини амалга оширишга молиявий имкон бермайди.

Тошкент метрополитени томонидан 2022 йилда 136,7 млн кишига, 2023 йилда 172,0 млн кишига хизмат кўрстатилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилда 263,5 млн кишига етиши кутилмоқда.

Тошкент метросининг даромадлари 2022 йилда 256,1 млрд сўмни, харажатлари 391,1 млрд сўмни ташкил қилиб, давлат бюджетидан 121,6 млрд сўм субсидия ажратилган ҳамда йилни 13,4 млрд сўм зарар билан якунлаган.

Худди шундай, 2023 йилда даромадлари 324,1 млрд сўмни, харажатлари 563,3 млрд сўмни ташкил қилиб, давлат бюджетидан 226,3 млрд сўм субсидия ажратилган ҳамда йилни 12,9 млрд сўм зарар билан якунлаган.

2024 йилда кутилаётган даромадлари 437,3 млрд сўмни, харажатлари 818,9 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда ва давлат бюджетидан 380,0 млрд сўм субсидия ажратилишини ҳисобга олган ҳолда 2024 йилни 1,6 млрд сўм зарар билан якунлаши кутилмоқда.

**Тавсия:**

Тошкент метрополитени томонидан чекланган тарифлар асосида йўловчиларга хизматлар кўрсатилишидан келиб чиқиб, йўловчиларни ташишдан кўриладиган зарарларни қоплаш мақсадида бюджетдан субсидия ажратишда рентабелликнинг 10-15 фоиз миқдорини инобатга олинган ҳолда маблағ ажратиш тавсия этилади.

### **4.3. Бюджет харажатларини такомиллаштириш**

Қонун лойиҳасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш бўйича қуйидагилар кўзда тутилган:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни фақат Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга ошириш;

чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун лойиҳасида белгиланган тартибда кўриб чиқиш.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджети ҳисобидан қопланади;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан тегишинча қуйидаги харажатларни молиялаштирилиши белгиланмоқда:

Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.



Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қуйидаги харажатларни молиялаштирилиши белгиланмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда таъмирлаш ишларига доир харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қуйидагиларни молиялаштириш белгиланмоқда:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мактабгача таълим ва умумтаълим ташкилотлари ҳамда ихтисослаштирилган мактаблари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга доир харажатлар;

Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

Шунингдек, ҳудудлардаги барча иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ҳудудий органларининг хулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланиши кўзда тутилган.

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра иссиқлик билан

таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун кўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг **кўшимча манбалари ҳисобидан** қопланиши белгиланмоқда.

Худудлардаги даромад ва харажатлар ўртасида манфий фарқни қоплашга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар 17 907,0 млрд сўм миқдоридан белгиланган.

**4.3.1. Қонун лойиҳасининг 13-моддасига асосан** худудлардаги барча иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органларнинг ҳудудий бўлинмалари хулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланиши белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 декабрдаги 722-сонли қарори билан “Товарларга (ишлар, хизматларга) тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланишини давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек, товар ва молия бозорида сотиладиган товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) монопол юқори ва монопол паст нархларини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

Тасдиқланган низомга асосан нархлар давлат томонидан қуйидаги усуллар билан тартибга солинади:

нархларни тартибга солиш органи ва ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли ва стратегик товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) белгилаш;

ижтимоий аҳамиятли ва стратегик ҳисобланган, уларга нархлар (тарифлар) давлат томонидан тартибга солинадиган, товарларига (ишлари, хизматларига) нархлар давлат томонидан тартибга солинадиган устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини, тартибга солувчи коэффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни

декларация қилиш (кейинги ўринларда — товарларга нархларни (тарифларни) декларация қилиш);

табiiй монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарларга нархларни тартибга солиш органи томонидан нархларни (тарифларни) ёки уларнинг чекланган даражаларини тартибга солувчи коэффициентни, устама ёки чекланган рентабелликни тасдиқлаш (кейинги ўринларда — нархларни (тарифларни) тасдиқлаш);

нархларни тартибга солиш органи билан келишиш ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ алоҳида товарларга қатъий белгиланган ёки чекланган нархларни (тарифларни) ва устамаларни белгилаш.

Иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари табiiй монополия субъектларининг Давлат реестридаги корхоналар рўйхатига киритилган.

### **Тавсия:**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 13-моддаси ўн саккизинчи хатбошини қуйидаги **янги таҳрири таклиф** этилади.

Худудлардаги барча иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан шакллантирилган тарифлар бўйича ҳисоб-китоблар, дастлаб, худудий нархларни тартибга солувчи органлар томонидан кўриб чиқилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан келишилганидан сўнг, белгиланган тартибда худудий нархларни тартибга солувчи органлари томонидан декларация қилинади.

Бунда:

Тарифларни шакллантириш ва белгилашда, кўрсатиладиган **хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш назарда тутилади**, тизим объектларини модернизация ва реконструкция қилиш ҳамда **соҳага замонавий энерготехнологияларни жорий этиш харажатлари ҳисобга олинади**;

иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган тарифларни йил давомида қайта кўриб чиқиш яқунларига кўра, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан **аҳолига пасайтирилган тарифларни қўллаш ҳисобига вужудга келган зарарлари учун қўшимча маблағларга бўлган талаб**, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетларига **республика бюджетидан қопланади**.

**4.3.2.** 2025 йилда Бюджет жараёнини рақамлаштириш юзасидан бюджет ташкилотларида штат жадвалларини тузиш ҳамда уларни тўлдиришни рақамлаштириш ишларини амалга ошириш, жумладан:

– бюджет ташкилотларини гуруҳларга таснифлаган ҳолда штат жадвалларини тузиш ҳамда уларни тўлдиришда лавозим бирликлари, разряд ва

уларнинг коэффицентларини ҳамда тўлов турларини шакллантиришни автоматлаштириш, шунингдек штатлар бирликлари сони, вакант ўринлар сонини доимий равишда таҳлил қилиш бўйича имконият яратиш;

– бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни автоматлаштириш;

– давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилишини автоматлаштириш;

– бюджет ташкилотлари базавий маълумотларини (кадастр хужжати, қуввати, ходимлар сони, автомобиллар сони ва бошқалар) кўриш имкониятини берувчи [passport.imv.uz](http://passport.imv.uz) дастурини ишга тушириш ва уни такомиллаштириш белгиланган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бошқа вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базаларидан реал вақт режимида фойдаланган ҳолда молия тизимини такомиллаштириш юзасидан улкан ишлар амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб бюджет параметрлари қонун билан тасдиқланиб, бюджетдан ажратиладиган маблағлар тасарруф этиш ҳуқуқи берилган ҳамда ваколат ва жавобгарликлари оширилган ҳолда вазирлик ва идоралар (биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимотчилари) кесимида тақсимланиб келинмоқда.

Вазирлик ва идоралар томонидан уларга ажратилган маблағларни қонунчиликда белгиланган тартибда ўзлари ва тизим ташкилотлари ўртасида мустақил бошқариш ваколатлари берилган бўлиб, бунда соҳани бошқариш учун вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг тизим ташкилотлари бюджетларини бир жойда жамловчи автоматлаштирилган платформа талаб этилади.

Дастлаб, 2024 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 12 та вазирлик учун мониторинг портали ишлаб чиқилган бўлиб, бунда вазирлик ва унинг тизим ташкилотларини тўлов топширикномалари, харажатлар сметалари ҳамда шартномалари юзасидан маълумотлар шакллантирилган бўлсада, унда тез ва сифатли таҳлилларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд эмас (харажатлар сметаси ва ижроси билан боғлиқ ҳисобот ва жамланма таҳлилий жадваллар формалари мавжуд эмас).

### **Тавсия:**

2025 йилда барча вазирлик ва идоралар учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “ДМБАТ” ДМ мисолида кенг молиявий таҳлилларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд такомиллаштирилган мониторинг порталини ишлаб чиқиш ҳамда у билан боғлиқ харажатларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг тузилмасига кирувчи ташкилотларнинг жорий ва бошқа харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

#### 4.4. Марказлаштирилган харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-404-сон қарори билан тасдиқланган 2025-2026 йиллар учун мақсадли мўлжалларда 2025 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури учун 25 530,6 млрд сўм маблағ режалаштирилиши кўзда тутилган.

Мазкур мақсадли мўлжалларга изоҳ сифатида 2025 йил учун мақсадли мўлжалларга Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилиши кўрсатиб ўтилган.

Бюджетномага кўра 2025 йилда марказлаштирилган инвестиция дастури учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан жами 16 155,0 млрд сўм назарда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ-404-сон қарори билан ажратилган маблағларга нисбатан 9 530,6 млрд сўм кам маблағлар ажратилмоқда.

**4.4.1.** Қонун лойиҳасида Марказлашган инвестиция харажатларига режалаштирилган маблағлар индексация ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг топшириқларидан келиб чиқиб, соҳаларга тақсимланган.

Бугунги кунда, жаҳон тажрибасида, марказлашган инвестиция маблағлари мамлакатнинг тасдиқланган узоқ муддатли стратегик мақсадларига эришиш учун ишлаб чиқилган тегишли соҳалар стратегияси асосида тақсимланмоқда.

Масалан, Саудия Арабистони, Туркия ва Жанубий Корея каби мамлакатларда марказлашган инвестиция харажатлари стратегик мақсадларга эришиш учун ишлаб чиқилган соҳа стратегиясида белгиланган самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларига мувофиқ тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон Фармони билан “Ўзбекистон–2030” стратегияси” тасдиқланган бўлиб, унда 2030 йилгача бўлган стратегик мақсадлар белгиланган. Бироқ, ушбу стратегик мақсадларга эришиш учун ҳар бир соҳа бўйича аниқ самарадорлик кўрсаткичлари, эришиш муддатлари ва молиялаштириш манбалари белгиланган соҳалар стратегияси ёки чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, марказлашган инвестиция маблағлари соҳаларга стратегик мақсадларга мутаносиб тақсимланмаган.

Мисол учун, “Ўзбекистон–2030” стратегиясида олий таълим муассасаларида қўшимча **120 минг** ўринли ўқув бинолари ва **150 минг** ўринли талабалар турар жойларини қуриш бўйича мақсад қўйилган бўлиб, соҳага масъул ташкилотлар томонидан молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш чора-

тадбирлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли Давлат бюджетидан ушбу мақсад учун йўналтириладиган маблағ ҳажми аниқ эмас.

#### **Тавсия:**

“Ўзбекистон–2030” стратегиясида кўзда тутилган стратегик мақсадларга эришиш учун келгусида ҳар бир соҳа бўйича аниқ самарадорлик кўрсаткичлари, эришиш муддатлари ва молиялаштириш манбалари белгиланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

**4.4.2.** Қонун лойиҳасида марказлашган инвестициялар доирасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун 150 млрд сўм режалаштирилган бўлиб, бундан ташқари ижтимоий соҳа (мактабгача ва мактаб таълими ҳамда олий таълим) йўналишларининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини субсидиялаш ва харажатларининг бир қисмини қоплаш учун **4 159,6 млрд сўм** маблағлар кўзда тутилган.

Шунингдек, 2021-2023 йилларда мазкур йўналишга 600 млрд сўм маблағ ажратилган бўлсада, 2022 йилда 2,5 млрд сўми (0,4 фоизи) ўзлаштирилган ҳолос ҳамда 2024 йилда 200,0 млрд сўм режалаштирилган бўлсада, бугунги кунга қадар умуман ўзлаштирилмаган (170 млрд сўми бошқа йўналишларга қайта тақсимланган ва 30 млрд сўм ўзлаштирилмасдан қолмоқда).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2023 йилдаги ПҚ-307-сон қарори билан Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 10 млн евро миқдордаги грант маблағлари жалб этилган ва 10 млн евро миқдордаги кредит маблағларини тақдим этилиши белгиланган.

#### **Тавсия:**

Қонун лойиҳасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун кўзда тутилган **150 млрд сўм** маблағларни мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ.

**4.4.3.** Қонун лойиҳасида келгуси йилларда лойиҳа-қидирув ишлари учун 2025 йилда **150 млрд сўм** кўзда тутилган ҳамда мактабгача ва мактаб таълими соҳаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун **4,0 трлн сўм** маблағ режалаштирилган.

Бунда, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2024 йил 27 сентябрдаги 102-сон баёнига асосан 2025 йилда янгидан амалга ошириладиган ижтимоий, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация объектларини лойиҳалаштириш учун жорий йилда **234 млрд сўм** ажратилиши белгиланган.

Жорий йилдан бошлаб, мактабгача ва мактаб таълими объектлари учун асосий қурилиш материаллари марказлашган ҳолда харид қилиниши белгиланганиб, ушбу турдаги аксарият объектларнинг қийматини пастлиги

сабабли пудрат бозоридаги етакчи қурилиш компаниялари учун жозибадор бўлмай қолди. Натижада, мактабгача ва мактаб таълими объектлари бўйича такрор тендер савдоларини ўтказиш (ретендер) ҳолатлари кўп кузатилмоқда.

## 10-жадвал

### Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2024 йилда бош пудрат ташкилотини аниқлаш учун қайта эълон берилган мактабгача ва мактаб таълими объектлари тўғрисида

№	Худуд номи	Жами қайта эълон берилган объект сони	Бир марта қайта эълон берилган объект сони	Икки марта қайта эълон берилган объект сони	Уч марта қайта эълон берилган объект сони	Тўрт марта қайта эълон берилган объект сони
<b>Жами</b>		<b>261</b>	<b>155</b>	<b>43</b>	<b>58</b>	<b>5</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	15	12	3		
2	Андижон вилояти	10	8		1	1
3	Бухоро вилояти	9	7	1	1	
4	Жиззах вилояти	20	11	3	5	1
5	Қашқадарё вилояти	29	25	3	1	
6	Навоий вилояти	4	4			
7	Наманган вилояти	8	7	1		
8	Самарқанд вилояти	101	36	19	44	2
9	Сурхондарё вилояти	9	8	1		
10	Сирдарё вилояти	16	6	5	4	1
11	Тошкент вилояти	8	7	1		
12	Фарғона вилояти	16	13	3		
13	Хоразм вилояти	14	10	3	1	
14	Тошкент шаҳри	2	1		1	

#### Тавсия:

Географик ҳудуди яқин ва параметрлари бир хил бўлган мактабгача ва мактаб таълими объектларини бир нечтасини бир лотга бирлаштириш ва улар учун умумий (типовой) лойиҳа асосида лойиҳа-қидирув ишлари пудратчи томонидан амалга оширилишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Натижада, мазкур объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишларини бошлаш ўртача 50 кунга (лойиҳачи ташкилот аниқлаш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун 20 кун, “Импорт контрактлари ва лойиҳаларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКдан хулоса олиш 30 кун) қисқаради (лойиҳачи аниқлаш ва комплекс экспертиза муддатлари) ҳамда лойиҳа-қидирув ва экспертиза харажатлари иқтисод қилиниб, пудрат бозоридаги етакчи тадбиркорлар учун мактабгача ва мактаб таълими объектларининг қурилиш ишларини жозибадорлиги ортади.

**4.4.4.** Қонун лойиҳасида марказлашган инвестициялар доирасида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш харажатларига 2025 йил учун 1,2 трлн сўм кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “Республика ҳудудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-54-сон Фармонида асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ташкил этилган бўлиб, жамғармаларда шаклланган маблағлар йўналтирилиши белгиланган соҳаларга саноат зоналари ва йирик лойиҳалар инфратузилмасини ривожлантириш ҳам киритилган.

Жорий йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудий жамғармаларда жами 190,6 млрд сўм маблағлар шаклланган бўлиб, шундан 29,6 млрд сўми (15,5 фоизи) сарфланган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларидан жамғармаларга ўтказилмасдан қолаётган 62,0 млрд сўм қарздорлик мавжуд.

## 11-жадвал

### Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасининг 2024 йилдаги даромад ва харажатлар ижроси тўғрисида

млн сўмда

№	Ҳудуд номи	жами тушумлар (йил бошига қолдиқ билан)	Жами харажат	01.10.2024 ҳолатига қолдиқ	Жами қарздорлик	шундан	
						2023 йил	2024 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	7 266,5	3 275,0	3 991,4	2 303,7	630,0	1 673,7
2	Андижон вилояти	6 762,3	4 309,1	2 453,2	1 286,5		1 286,5
3	Бухоро вилояти	26 925,6	1 074,7	25 850,9	59,9		59,9
4	Жиззах вилояти	10 260,7	321,4	9 939,3	1 077,1		1 077,1
5	Қашқадарё вилояти	11 424,6	2 168,1	9 256,6	1 334,9	728,8	606,1
6	Навоий вилояти	4 595,1		4 595,1	11 491,9	8 065,4	3 426,5
7	Наманган вилояти	4 033,6	184,4	3 849,1	189,3		189,3
8	Самарқанд вилояти	29 722,5	8 378,2	21 344,3	1 814,6		1 814,6
9	Сурхондарё вилояти	8 062,3	2 287,1	5 775,2	1 305,1		1 305,1
10	Сирдарё вилояти	10 014,0	1 774,6	8 239,3	242,3		242,3
11	Тошкент вилояти	28 361,4	5 528,5	22 832,9	31 270,6	12 679,7	18 590,9
12	Фарғона вилояти	10 162,4		10 162,4	4 942,8	2 014,9	2 927,9



№	Худуд номи	жами тушумлар (йил бошига қолдиқ билан)	Жами харажат	01.10.2024 ҳолатига қолдиқ	Жами қарздорлик	шундан	
						2023 йил	2024 йил
13	Хоразм вилояти	33 020,8	349,0	32 671,8	4 693,0	2 031,2	2 661,8
	<b>Жами</b>	<b>190 611,7</b>	<b>29 650,2</b>	<b>160 961,6</b>	<b>62 011,8</b>	<b>26 149,9</b>	<b>35 861,8</b>

Бундан ташқари, саноат зоналари мувофақиятли ривожланган давлатлардан Хитой ва Туркияда саноат зоналари ва уларнинг инфратузилмаси хусусий тадбиркорлар томонидан Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида барпо этилади.

Маълумот ўрнида, Ўзбекистон Республикасининг “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ саноат корхоналари томонидан оқова сувларни чиқариш ўз ҳудудида нормаллашган меъёргача дастлабки тозалаш ишлари амалга оширилгандан кейин рухсат этилиши белгиланган. Бироқ, терини қайта ишлаш, чарм, тўқимачилик ва бўёқ каби маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар оқова сувларини тозалаш учун кимёвий тозалаш имкониятига эга мураккаб ва қimmat оқова сув тозалаш технологияси талаб этилади. Шу сабабли, дастлабки кимёвий оқова сув тозалаш иншоотини марказлаштирган ҳолда ДХШ асосида қуриш орқали тадбиркорларга қулайлик яратиш мумкин.

#### **Тавсия:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағларини тўлиқ шакллантириш ва уларни саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш.

Саноат зоналарининг ташқи инфратузилма тармоқларини барпо этишда Давлат-хусусий шерикларнинг ресурсларини жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

**4.4.5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги “Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 206-сон қарорига кўра, аввалги йиллардан ўтувчи ва қурилиш-монтаж ишлари яқунланмаган объектларни, шунингдек, молиявий ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли тугатилмай қолган объектларни тугаллаш Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

2025 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар таҳлил қилинганда, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари (ПҚ-5118, ПҚ-408-сон қарорлар) ва Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларига асосан амалга оширилган лойиҳалар маблағ етишмовчилиги натижасида (асосан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари ажратилган лимитга нисбатан кўп бўлган ҳолатлардаги) қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланмаган **объектлар дастурга киритилмаган.**

Мисол учун, “Ўзсувтаъминот” АЖ маълумотларига кўра, юқоридаги қарорларга асосан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган, маблағ етишмаганлиги ёки лойиҳа-смета хужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги сабабли бугунги кунда фойдаланишга топширилмаган ёки фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган жами 100 тадан ортиқ объектлари мавжуд.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сон қарорига асосан 24 та ичимлик сув таъминоти объектларида сув иншоотлари қуриш учун жами 10,8 млрд сўм маблағ ажратилган.

Аммо, сув иншоотлари қуриш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатларида аҳолига сув етказиб бериш учун тармоқ тортиш ишлари кўзда тутилмаган.

Сув иншоотлар қурилиб, 2023 йилда фойдаланишга топширилган бўлсада, аҳолига сув етказиб бериш учун тармоқ тортиш ишлари бажарилмаганлиги сабабли **24 та сув иншоотлардан бугунги кунгача фойдаланилмаган.**

Мисол учун, Кўкдала туманида 4 та (1,7 млрд сўм), Чироқчи туманида 18 та (8,1 млрд сўм), Яккабоғ туманида 2 та (1,0 млрд сўм) ичимлик сув таъминоти объектларида сув иншоотлари қуриб фойдаланишга топширилган бўлсада, улардан бугунги кунда фойдаланилмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 январдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва санитарияси” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-555-сон қарорига асосан Осиё тараққиёт банкидан 12,5 млн доллар миқдорида 8 йиллик имтиёзли давр билан 32 йил муддатга кредит ажратилган.

Мазкур лойиҳа доирасида 603,4 км ичимлик сув тармоғи (70,3 км элтувчи ва 533,0 км ички қувурлар), 21 та сув ишлаб чиқариш ва 30 та сув тақсимлаш иншоотлари қурилиб, 44 та скважина қазилган ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, лойиҳа доирасида Чироқчи (ҳозир Кўкдала) тумани ҳудудидаги “Сўфи” сув тарқатиш иншооти билан 2 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти ишлари бажарилган. Иншоот 2012 йилда фойдаланишга қабул қилинган бўлсада, қишлоқдаги сув тарқатиш иншоотида электр энергияси кучланиши пастлиги ҳамда ички тармоқлар тортилмагани сабабли бугунги кунда

объектдан фойдаланилмасдан келинмоқда ва ҳудуддаги аҳоли марказлашган ҳолда етказиб бериладиган тоза ичимлик сув таъминотисиз қолмоқда.

Мазкур объектдан бугунги кунга қадар фойдаланилмаслигига қарамасдан, амалда кредитни қайтариш учун ушбу лойиҳа бўйича йилига ўртача 5,5 млрд сўм тўловлар (шундан 4,6 млрд сўм асосий қарз ва 0,9 млрд сўм кредит фоизи) амалга оширилиб келинмоқда.

Аҳолига марказлашган ичимлик суви етказиб берилмагани натижасида ҳар бир хонадонда ўзбошимчалик билан қудуқ (скважина) қазилмоқда, бу эса ўз навбатида ер ости сувларидан тартибсиз фойдаланишга, ер ости суви сатҳининг пасайиб кетишига ҳамда ер ости сувларининг минераллашув даражасини ошиб кетишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги Тошлоқ тумани Шошилинч тез-тиббий ёрдам бўлими биноси, Нурафшон шаҳридаги 250 қатновли оилавий поликлиника биноси, Сайхунобод туманидаги 50 қатновли оилавий шифокор пункти биносини таъмирлаш ишлари **маблағ етишмаслиги натижасида яқунланмаган.**

#### **Тавсия:**

– ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини, уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб, қатъий тартибда юқоридаги қарорлар асосида уч йиллик манзилли дастур асосида қабул қилиш;

– давлат дастурларини амалга ошириш бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) харидлар режасини уларнинг манзили, ҳажми, техник кўрсаткичларини дастур қабул қилинган санадан эълон қилиш ва бу тажрибани барча давлат харидларини амалга ошириш жараёнларига тадбиқ этиш;

– республикадаги турли дастурлар доирасида қурилган, лекин бугунги кунда фойдаланилмаётган объектларни хатловдан ўтказиш, қурилган бино, иншоот ва тармоқларнинг яроқлилигини техник аудитдан ўтказиш;

– ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида биринчи навбатда мавжуд бино ва иншоотларни ишга тушириш чораларини кўриш тавсия этилади.

Бунда:

– давлат харидлари бўйича давлат бюджети харажатларини олдиндан режалаштириш имконияти яратилади;

– тадбиркорлар камида уч йилга режалаштирилган давлат харидлари ва уларнинг ҳажмлари тўғрисида маълумотларга эга бўлади ҳамда ўзларининг бизнес режаларини ушбу харидларда иштирок этишга мослаштириб боради;

– бизнесга инвестиция критилади, олдиндан хом-ашё базаси яратилади ва маҳсулотларни таннархи пасайишига эришилади;

– янги иш ўринлари яратилади, вақт етарли бўлганлиги сабабли товарлар, ишлар, хизматлар (лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурувчиларнинг моддий-техник базаси, мебель, жиҳоз, асбоб-ускуна, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар) сифати яхшиланади;

– тадбиркорлар ўртасида рақобат муҳити кучайишига ҳамда давлат харидларида шаффофликни таъминланишига замин яратилади.

**4.4.6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сон қарорига асосан 2022 йилдан бошлаб келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилишида тегишли тартиблар ўрнатилган.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган капитал қўйилмалар юзасидан асословчи ҳужжатлар, жумладан, режалаштирилган янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш объектлари бўйича ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари ҳамда **экспертиза органларининг хулосалари олинмаган.**

Юқорида келтириб ўтилган қарор билан календарь йилининг якунига қадар келгуси йиллар учун Дастур тасдиқланиши, унга киритилган лойиҳалар бўйича танлов (тендер)лар эълон қилиниши, бунда, Дастурга лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари **экспертизадан ўтказилмаган лойиҳалар киритилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.**

Шу билан бирга Қонун лойиҳасида кейинги йилда объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхат, ҳар бир объект кесимида 2024 йил ва олдинги йилларда амалга оширилган ишлар ҳажми, йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича қолдиқ ишлар ҳажми, буюртмачилар ва пудрат ташкилотлари ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорлик, жумладан **5 фоиз кафолат суммаси ҳисобидан қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар илова қилинмаган.**

#### **Тавсия:**

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган марказлаштирилган инвестиция харажатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори ҳамда “Шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари” талаблари асосида:

– янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш объектларининг лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– ўрнатилган тартибда экспертиза органларида кўрикдан ўтказиш ва хулосалар олиш;

– марказлашган инвестиция маблағлари доирасида тайёр лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида Манзилли дастурни ҳамда кредитор қарздорликларни объектлар кесимида шакллантириш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларида белгиланган тадбирларни (ривожлантириш дастурларини) молиялаштириш учун 2025 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида 79,3 трлн сўм маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**4.4.7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил ва 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қабул қилинган Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари асосида 2025 йил Давлат бюджети параметрларида маблағлар ажратилиши юзасидан жами **316 та** ҳужжатдаги **1 898 та** топшириқлар таҳлил қилинди.

Бунда, бюджет тушумларининг 2025 йилдаги прогнози ва бошқа манбаларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда айрим давлат дастурлари ва тадбирлари учун талаб этиладиган маблағлар миқдори қисман (белгиланган ҳажмларидан кам миқдорларда) режалаштирилган.

Жумладан, **104 та** топшириқ бўйича давлат бюджетидан режалаштириш зарур бўлган **96,5 трлн сўмдан** тақдим этилган бюджет лойиҳасида **63,4 трлн сўм** ёки **33,05 трлн сўм** кам режалаштирилмоқда.

Таҳлиллар жараёнида айрим муҳим йўналишлар бўйича маблағларни ажратиш назарда тутилмаганлиги, ушбу йўналишларга давлат сиёсатининг устувор вазифаларида белгиланган мақсадларга эришиш учун кўзда тутилиши зарур эканлиги маълум бўлди.

Масалан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида замонавий экологик мониторинг механизмини яратиш, экологик маданиятни янада ошириш, биохилма-хилликни асраш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тартибга солиш, дарахт, буталарни экиш ва яшил ҳудудларни ташкил қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг янги тартибларини жорий қилиш орқали экологик вазиятни тубдан яхшилаш мақсадларига 2025 йилга **528 млрд сўм** ажратиш белгиланган.

Аммо, тақдим этилган бюджет лойиҳасида мазкур тадбирларни молиялаштириш учун **100 млрд сўм** ёки Фармонда белгиланганга нисбатан **428 млрд сумга** кам миқдорда маблағлар кўзда тутилмоқда.

Бунда, маблағларни етарли миқдорда ажратилмаслиги келгусида “Ўзбекистон-2030” стратегиясида кўзда тутилган экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган ҳар йили **200 миллион туп дарахт** экиб бориш

ва республикада яшиллик даражасини **30 фоизга етказиш**, экиладиган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш ва суғориш тизимини яратиш, **1 984 та яшил боғлар барпо этиш** каби муҳим натижаларига эришмасликга ёки муддатларни кечиктирилишига олиб келиши мумкин.

Худди шундай, мактабгача таълим йўналишида давлат-хусусий шерикчилиги асосида тўлаб бериладиган субсидиялар учун талаб этилаётган **4,2 трлн сўмдан 3,8 трлн сўми** кўзда тутилиб, маблағлар **384 млрд сўмга** кам миқдорда ажратилмоқда.

Шунингдек, Таълим соҳасида **1,3 трлн сўм**, Маданият соҳасида **718 млрд сўм**, Соғлиқни сақлаш соҳасида **501 млрд сўм**, Спорт соҳасида **284 млрд сўм**, Фан (илмий-тадқиқот муассасалар) соҳасида **85 млрд сўм**, бошқа ижтимоий ҳимоя тадбирлари учун харажатлар бўйича **112 млрд сўм**, Қишлоқ ва сув хўжалиги, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида **1,2 трлн сўм**, Иқтисодиёт харажатлари бўйича **746 млрд сўм**, Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари бўйича **60 млрд сўм** ва бошқа тадбирлар бўйича **2,7 трлн сўм** мавжуд талабларга нисбатан кам ажратилмоқда.

Бундан ташқари, **марказлашган инвестиция дастури харажатларига** 2025 йилда ҳақиқий талаб **25,5 трлн сўмни** ташкил этсада, тақдим этилаётган бюджет лойиҳасида **16,1 трлн сўм** ажратилиши ёки ҳақиқий талабга нисбатан **9,4 трлн сўм** кам миқдорда маблағлар кўзда тутилмоқда.

Мазкур ҳолат “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, инфратузилма лойиҳаларини барқарор ва узоқ муддатли молиялаштириш манбалари билан таъминлаш, ҳудудларда айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш каби муҳим натижаларга эришилмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

#### **Тавсия:**

Марказлашган инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳаларнинг улушини кўпайтириш ҳисобига, бюджет лойиҳасида кам ажратилаётган маблағларни ўрнига хусусий шерикларнинг ресурсларини жалб этилиши мақсадга мувофиқ.

**4.4.8.** Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш тадбирлари учун **52,7 млрд сўм** маблағ ажратиш режалаштирилган.

Ушбу тадбирлар учун режалаштирилган харажатлар таркибида **2 784 та “Ақлли сув”, 2 850 та “Дайвер”** қурилмаларини ўрнатиш ҳамда **12 та сув иншоотларида бошқарувни автоматлаштириш харажатлари** кўзда тутилган.

Ҳисоб палатаси томонидан 2023-2024 йилларда Сув хўжалиги тизими, шу жумладан соҳадаги рақамлаштириш даражаси ўрганилганда бугунги кунда **12 410 та “Ақлли сув”, 8 564 та “Дайвер”** қурилмалари ўрнатилганлиги аммо

уларни марказий маълумотлар базасига юборган маълумотлари ҳақиқатга тўғри келмаслиги ва маблағлар самарасиз сарфланганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармонида асосан барча ирригация тизими объектларига “Smart Water” (“Ақлли сув”) сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш белгиланган.

Сув хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари тасарруфидаги объектларга 2021 - 2023 йилларда жами 11 523 та ёки белгиланган режага (18 576 та) нисбатан **62 фоиз “Smart water” қурилмалари харид қилинган** ва ушбу мақсадлар учун жами давлат бюджетидан **145,0 млрд сўм** маблағ сарфланган.

Харид қилинган 11 938 та “Smart water” қурилмаларидан 10 600 таси ёки 89 фоизи бугунги кунда “Ақлли сув” ахборот тизимига интеграция қилинган бўлсада, уларни 4 503 таси ёки 42,5 фоизидан дастурий таъминотга маълумот узатилмаслиги маълум бўлди.

Бунда, 182 та “Ақлли сув” қурилмаси 2 йилдан ортиқ муддатда, 2 003 таси 1 йилдан ортиқ, 1 350 таси 3 ойдан ортиқ ҳамда 964 таси 1 ойдан 2 ойгача муддатда маълумотлар базасига тегишли маълумотларни узатмаган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан “Smart Water” ахборот тизимини яратиш орқали сув ҳисобини онлайн юритиш вазифаси амалда сифатли бажарилмаган, 145 млрд сўмлик 11 938 та “Ақлли сув” қурилмаси харид қилинган бўлсада, “Smart water” дастури ишламагани ва кам функцияли, сифатсиз қурилмалар харид қилинганлиги сабабли сарфланган маблағлар самара бермаган.

Сув хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари томонидан сув ресурсларини бошқаришда, маълумотларни таҳлил қилишда ҳамда ҳисоботларни шакллантиришда “Ақлли сув” қурилмаларидан Сув хўжалиги вазирлигининг “Smartwater” ахборот тизимига келиб тушаётган **маълумотлардан амалда фойдаланилмайди.**

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 – 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон қарори билан тасдиқланган дастур асосида 2024 йил 1 июнь ҳолатига 6 985 та мелиоратив кузатув қудуқлари автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказилган.

Худудларда ўрнатилган 6 985 та дайвер қурилмаларидан 6 381 та (91 фоиз) қурилма Сув хўжалиги вазирлигининг дастурий таъминотига киритилган бўлсада, “Дайвер” қурилмаларидан маълумотлар дастурий таъминотга узатилмайди ёки қурилмалар ишчи ҳолатида эмас.

Тизим республика ҳудуди бўйича шўрланиш даражасини тўлик кўрсатишга мўлжалланган бўлсада, бугунги кунда бу имкониятдан тўлик фойдаланиб бўлмади. Тизимдан керакли маълумотларни олиш имконияти мавжуд эмас.

Дастурдаги мавжуд маълумотлар дайвер қурилмаларидан келган сигналлар асосида эмас балки, ходимлар томонидан қўлда киритилган. Охириги маълумот 2023 йил апрель ойида киритилган.

Кузатув қудуқларида Дайвер қурилмани ўрнатиш учун 81,3 млрд сўм самарасиз сарфланган.

Қурилма маълумотларни нотўғри кўрсатаётганлиги сабабли техник ходимлар томонидан қудуқдан қўлда намуна олиб, керакли маълумотларни тақдим этаётганлигини маълум бўлди.

#### **Тавсия:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сон қарори билан тасдиқланган “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича Йўл харитаси”да вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган дарёлар, магистрал каналлар (тизимлар), йирик ва алоҳида муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисоби юритилишини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Ушбу топшириқ ижроси бугунги кунгача таъминланмаган.

2025 йилда Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш тадбирлари учун режалаштирилаётган маблағлар доирасида “Ақлли сув” ва “Дайвер” қурилмаларини ўрнатиш учун харажатларни амалга оширмаслик ва ҳозиргача харид қилинган қурилмаларни тўлик ишга тушириб, кейин қолганларини сотиб олишни давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Биринчи навбатда, республикада шаклланаётган жами сув ресурсларининг ҳисобини йўлга қўйиш мақсадида, Сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш тадбирлари учун кўзда тутилган маблағларни марказлашган ҳолда Сув хўжалиги вазирлигини буюртмачилиги асосида молиялаштириш ва биринчи навбатда вилоятлараро ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган дарёлар, магистрал каналлар (тизимлар), йирик ва алоҳида муҳим сув объектларида сувнинг ягона онлайн ҳисоби юритилишини йўлга қўйиш учун йўналтириш лозим.

**4.4.9.** Сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларининг электр энергияси харажатларини қоплаш учун харажатлари учун 6,8 трлн ажратилган бўлиб, 2024 йилдаги ҳақиқий харажатлар прогнози 6,6 трлн сўмни ташкил қилади.

Шунингдек, 1 кВт электр энергияга Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаг ташкилотлар 1 000 сўмдан, ДХШ асосида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари 900 сўмдан тўловни амалга оширади.



Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 августдаги 509-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини молиялаштириш тартиби тўғрисида низом”нинг 3-бандида ДХШ тўғрисидаги битимга мувофиқ ДХШ лойиҳаларини қуйидаги харажатлари Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджет маблағлари, субсидиялар, бюджет ссудалари ва кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган:

а) ДХШ объектини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш харажатлари;

б) ДХШ объектини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

в) ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш доирасида консалтинг ва аудиторлик хизматларини жалб этиш билан боғлиқ харажатлар;

г) давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ва (ёки) объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишни таъминлаганлик учун давлат шериги томонидан амалга ошириладиган харажатлар.

Бунда, мазкур низомнинг 3-банди:

«а» кичик бандида назарда тутилган харажатлар биринчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорлари доирасида;

«б», «в» ва «г» кичик бандларида назарда тутилган харажатлар биринчи даражали ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг жорий харажатлари учун ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида амалга оширилиши кўрсатилган.

#### **Тавсия:**

Сув хўжалиги вазирлиги тизими учун, шу жумладан насос станциялари электр энергия харажатлари учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ҳисобини тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида, Қонун лойиҳасининг 5-илоvasида Сув хўжалиги вазирлиги бўлимида ДХШ шартлари асосида бошқарувга берилган сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш, электр энергияси харажатларини, шунингдек хусусий шерик томонидан киритилган инвестиция харажатларини (қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш) қоплаш учун кўзда тутилаётган маблағларни алоҳида сатрларда кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

**4.4.10.** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлар сифатида Қишлоқ хўжалиги мақсадларида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан тушган тушум ҳисобидан қўйи бўғиндаги сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун **2025 йилда 310 млрд сўм режалаштирилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5-сон қарорида **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизини** Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтирилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 9 февралдаги “Сув етказиб бериш хизмати давлат муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 79-сон қарори билан тасдиқланган Низомда ушбу маблағлар алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг бир сатрида ажратилиши ва сув етказиб бериш хизматларининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилиши белгиланган.

Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан, уни сақлаш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар харажатлари сув етказиб бериш хизматларининг шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Аммо, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ хўжалиги корхоналаридан жами 285,5 млрд сўм сув солиғи ундирилиб, ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўпайган.

Лекин, 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сон қарорга асосан Сув етказиб бериш хизматларининг ҳисобварақларига бор-йўғи 46 млрд сўм (16 фоизи) ўтказиб берилган, 35 та туман муассасаларига умуман маблағ ўтказиб берилмаган.

### **Тавсия:**

– сув солиғи тушумининг йиллик прогнози миқдorigа қараб, унинг 40 фоизини харажатлар сметасида назарда тутган ҳолда молия йили давомида харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларни ғазна мемориал ордерлари орқали Сув етказиб бериш хизматининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига ўтказиб бериши амалиётини соддалаштирган ҳолда, сув солиғи тушумини автоматик равишда 40 фоизини Сув етказиб бериш хизматининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига тақсимот қилиши тартибини жорий қилиш;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланилган сув ҳажми учун ундирилган сув солиғи тушумини 40 фоизини “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларига йўналтирилганлиги муносабати билан мазкур тушумлар миқдорини давлат бюджетини даромадлари прогнозидан камайтириш;

– Қишлоқ хўжалиги мақсадларида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан тушган тушум ҳисобидан қўйи бўғиндаги сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун режалаштирилган 310,0 млрд сўмни мақбуллаштириш;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланилган сув ҳажми учун ундирилган сув солиғи тушумини 40 фоизини тегишли “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаларининг ҳисобварақларига Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимларида автоматик тақсимотини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

**4.4.11.** Қонун лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига **қайта тақсимланадиган маблағлар** сифатида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатларни амалга оширишга **2025 йилда 100 млрд сўм режалаштирилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш белгиланган.

Ушбу тадбирларни молиялаштириш учун давлат бюджетидан 2022 йилда **220 млрд сўм**, 2023 йилда **100 млрд сўм** ва 2024 йилда **100 млрд сўм** режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, мазкур турдаги субсидини олиш жараёни мураккаблиги сабабли мазкур маблағлардан **умуман фойдаланилмаган.**

Мисол учун, ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун бўйича тумандаги манзилли рўйхатини шакллантиришдан бошлаб, бажарилган ишларни бир қисмини қоплаб беришгача 8 та босқичда 9 та соҳавий ташкилотлар билан келишиш ва тасдиқлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бундан ташқари, ер майдонларини янгидан ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигида қайта фойдаланишга киритишда давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳамда мазкур тадбирларни молиялаштириш тартибига (Вазирлар Маҳкамасининг 19.08.2024 йилдаги 515-сон қарори) мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва/ёки Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси мазкур мақсадлар учун ҳудудий ҳокимликларни бюджетдан ташқари жамғармаси шаклида очиладиган ғазна ҳисобварақларига **12 ой муддатга маблағларни фойсиз депозитга жойлаштиради** ва ҳокимликлар ушбу маблағлари ҳисобидан пудрат ташкилотлари бажарган ишларини молиялаштиради.

Кейинчалик, ер майдонларини ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиб, **тушадиган маблағлар ҳисобидан** маҳаллий бюджет орқали тегишли улушларда Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига **йўналтирилади**.

Юқоридагилардан кўра, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатларни амалга оширишни белгилловчи тартиб-таомилларда ўзавро фарқлар мавжудлиги ва харажатларни ўрни кейинчалик ер майдонларини ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланган.

Шу сабабли, дастлаб харажатни амалга ошириб, кейинчалик уни ўрнини қоплаш амалиётини бекор қилган қолда, жорий даврда ер майдонларини ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришдан маҳаллий бюджетларга тушаётган маблағларни бир қисмини қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш тадбирларини молиялаштириш учун йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарорини 3<sup>1</sup>-илоvasи билан тасдиқланган Низомда ижара ҳуқуқи бўйича ундириладиган қўшимча тўловлар **қатъий равишда** инвестиция ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларига мувофиқ тегишли туман (шаҳар)да **қишлоқ ва сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш**, шу жумладан, суғориш тизимларини яхшилаш, замонавий суғориш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш учун зарур инфратузилмани яратиш, **ер тузиш ишларини институционал ривожлантириш**, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг сўнгги илмий янгилик ва инновацион ёндашувларни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини молиялаштириш учун туман (шаҳар) ҳокими қарорига мувофиқ йўналтирилади.

Шу билан бирга, Сув хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра 2025 йилда 78,7 минг гектар пахта майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 775 млрд. сўм талаб этилади.

Бироқ 2025 йил давлат бюджети лойиҳасида пахта майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун фақатгина 200 млрд сўм маблағлар назарда тутилган бўлиб, пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидияларга умуман маблағ назарда тутилмаган.

Жорий йилда “Агросубсидия” ахборот тизими орқали келиб тушган аризалар таҳлил қилинганда 51,0 минг гектар пахта майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари учун 1 837 та аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 14,5 минг гектарда жорий қилинган технологиялар бўйича 140 млрд. сўмлик 718 та ариза қаноатлантирилган, 24,3 минг гектар учун берилган 654 та ариза рад этилган ва 12,2 минг гектар бўйича берилган 465 та аризалар кўриб чиқиш жараёнида эканлиги аниқланди.

Шунингдек, пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидияларга 22,0 млрд. сўм талаб этилиши прогноз қилинган.

Ушбу субсидия турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 315-сон қарори билан жорий қилинган бўлиб, ўтган даврда ушбу мақсадларга маблағлар ажратилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида тарғибот қилинмаган ва “Агросубсидия” ахборот тизимида ариза топшириш бўйича тегишли техник имкониятлар жорий йилнинг август ойидан бошлаб йўлга қўйилган.

#### **Тавсия:**

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатларни бир қисмини қоплаб беришдаги мураккаб жараёнларни соддалаштириш лозим.

Мисол учун, ерларни қайта фойдаланишга киритган тадбиркорни бажарган ишларини ҳудудий комиссия томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганиб, уларни берган ижобий хулосаси асосида маблағларни молиялаштириш ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Шунда, ерларни қайта фойдаланишга киритиш жараёнлари тезлашади ҳамда иқтисодиётда қўшимча маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмини ортишига эришилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига қайта тақсимланадиган маблағлар сифатида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш учун харажатларни амалга оширишга 2025 йилда кўзда тутилаётган **100 млрд сўмни мақбуллаштирган** ҳолда, ушбу харажатларни ерларни ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришдан тушган жорий тушумлар ҳисобидан маҳаллий бюджетлардан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш истагини билдирган ташаббускорларнинг талабномаларини тўлиқ ва ўз муддатларида қаноатлантирилишини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ

харажатларни қоплаб бериш учун кўзда тутилган 100 млрд сўм маблағни Пахта майдонларида сувни тежайдиган суғориш технологиялари ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидияларга йўналтириш тавсия этилади.

**4.4.12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300 сон қарорига асосан 2024 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни суғурталашда суғурта мукофотининг 50 фоизи миқдоридида субсидия бериш тартиби жорий этиш кўзда тутилган.

“2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг ҳосилни суғурталаш харажатлари 50 фоизини субсидиялаш учун **30,0 млрд сўм** кўзда тутилган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳисоб китобларга кўра 2025 йилда **1 012,4 минг га** майдонга пахта, **1 010,8 минг га** майдонга ғалла ва **939,9 минг га** майдонга мева-сабзавотлар экилиши кўзда тутилмоқда.

Шундан, 30,0 млрд сўмга **2,1 минг га** майдонга (0,21 %) экилган пахта, **0,7 минг га** майдонга (0,07 %) экилган ғалла, **5,5 минг га** майдонга (0,59 %) экилган мева сабзавот ҳосили суғурта қилиш кўзда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда субсидия ажратиш тартиби белгиланган, аммо субсидия ажратиш учун экин экиладиган майдонларни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни танлаб олиш меъзони белгиланмаган.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маълумотларига кўра, 2021 йилда **41,1 млрд сўм**, 2022 йилда **56,2 млрд сўм**, 2023 йилда **85,1 млрд сўм** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини ва маҳсулот етиштириш учун олинган кредитларни сўндирмаслик ҳолатларини суғурталаш учун суғурта компанияларига тўлаб берилган.

Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган ўрганишларда Суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта компаниялари томонидан **суғурта пуллари тўлаб берилмаганлиги** аниқланган.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан олиб борилган ўрганишларда 2023 йил 1 декабрь ҳолатига 64 та пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган 4 601,3 млрд сўмлик 89 та кредитлар бўйича 9 та суғурта компанияларининг 3 833,1 млрд сўмлик суғурта полислари олинган. Мазкур компанияларга 44,7 млрд сўмлик мукофот пуллари тўлаб берилган.

Пахта тўқимачилик кластерларига ажратилган кредитлар келгусида сўндирилмаган ҳамда суғурта ходисаси рўй берган ҳолда бирор маротаба суғурта компаниялари томонидан товон пули тўлаб берилмаган.

2023 йил 1 декабрь ҳолатига 43 та кластерларнинг суғурталанган 1 353,1 млрд сўмлик кредитлари бўйича 1 160,1 млрд сўмлик товон пулларини тўлаб берилиши юзасидан 6 та суғурта компанияларига мурожаат қилинган бўлсада, компаниялар томонидан товон пуллари тўлаб берилмаган.

#### **Тавсия:**

Суғурта бериш кўзда тутилган 8,3 минг га майдонлар жами қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларнинг 0,87 фоизини ташкил этишини (1 фоизини ҳам ташкил қилмаслигини) инобатга олиб, субсидия олувчиларни танлаб олиш механизмини ишлаб чиқиш;

Суғурта ходисасини рўй бериш шартлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари учун ноқулай тузилган шартнома шартларини қайта кўриб чиқиш;

Суғурта ходисасини рўй берганда, товон пуллари тўлаб бермаган суғурта компанияларига жазо чораларини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан қишлоқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ҳосилни суғурталаш ҳамда суғурта ходисаси рўй берганда, товон пулларини ундириш бўйича методик кўрсатмалар бериш.

#### **4.5. Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини ошириш.**

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” мақсадига эришишнинг самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида 2030 йилгача “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” (дастурий бюджетлаштириш) амалиётига тўлиқ ўтиш белгиланган.

Дастурий бюджетлаштириш тизимига ўтишнинг дастлабки босқичида вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланиб, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Олий Мажлис палаталарида муҳокама қилиниб келинмоқда.

Дастурий бюджетлаштириш тизимини тўлақонли жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида жорий йилда Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

#### 4.5.1. Дастурий бюджетлаштириш тизимини такомиллаштириш.

**2025-2027 йилларда Дастурий бюджетлаштириш тизими бўйича амалга ошириладиган истиқболли режалар:**

– 2025 йил учун Давлат бюджети лойиҳасида синов тариқасида Қишлоқ хўжалиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларининг бюджет харажатларини ўрта муддатли давр учун **бюджет дастурлари** кесимида ишлаб чиқиш;

– қолган биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг 2025-2027 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларини тасдиқлаш;

– вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассисларини мунтазам равишда бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини мониторинг қилиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш ва **институционал салоҳиятни ошириб бориш**;

– халқаро консултантлар билан биргаликда вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурлари учун **Дастурий таснифни** жорий этиш бўйича **таклифлар ишлаб чиқиш**;

– вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни **электронлаштириш** ҳамда кенг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш тизимини ишга тушириш;

– вазирлик ва идораларнинг бюджет дастурларида белгиланган вазифа ва мақсадларига эришганлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этиш;

– синов тариқасида 2 та туман мисолида **маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларининг** бюджет дастурларини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси **Бюджет кодексига** вазирлик ва идораларнинг **бюджет дастури** тушунчаларини акс эттириш юзасидан ўзгартириш киритиш бўйича таклиф тайёрлаш бўйича вазифалар белгиланган.

2025-2027 йиллар учун **Фискал стратегияда** Иқтисодиёт ва молия ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликларининг **2025-2027 йиллар** учун бюджет дастурларининг дастлабки рўйхати ва уларга талаб этиладиган маблағлар миқдори кўзда тутилган ва шу асосида давлат бюджети лойиҳаси Иқтисодиёт ва молия ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликларининг 2025-2027 йиллар учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари синов тариқасида бюджет дастурлари кесимида назарда тутилган.

Иқтисодиёт ва молия ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, шунингдек улар тасарруфидаги ташкилотларнинг бир қатор бюджет дастурларининг паспортлари ишлаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш



тизимини жорий этишда бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомда 2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тасдиқлангандан сўнг Иқтисодиёт ва молия ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирликлари беш иш куни ичида тасдиқланган бюджет параметрларига мувофиқ бюджет дастурларини қайта кўриб чиқади ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиши белгиланган.

Мазкур синов натижаларидан келиб чиқиб, 2026 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг шунингдек, улар тасарруфидаги ташкилотларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бюджет дастурлари кесимида тасдиқлаш амалиётига ўтиш режа қилинган.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 январдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ бюджет дастурлари вазирлик ва идоралар томонидан ишлаб чиқилади ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

12-жадвал.

**Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025-2027 йилларга мўлжалланган  
бюджет дастурлари рўйхати**

*млрд сўм*

Бюджет дастурлар номи		2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари	
			2026	2027
	<b>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг тузилмасига қирувчи ташкилотларнинг жорий ва бошқа харажатлари бўйича бюджет дастурлари:</b>	<b>107 053,5</b>	<b>119 889,6</b>	<b>131 867,7</b>
	<i>шу жумладан:</i>			
<b>I.</b>	<b>Марказий аппарат жами:</b>	<b>32 872,5</b>	<b>35 226,5</b>	<b>38749,1</b>
	Маъмурий бошқарув	117,9	129,6	142,6
	Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш	7 575,8	8 333,4	9 166,7
	Солиқ-бюджет сиёсатини юритиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш	20 943,0	23 855,9	26 241,4
	Марказлашган инвестицияларни самарали бошқариш ва урбанизация жараёнларини мувофиқлаштириш	2 560,1	2 816,1	3 097,7
	Давлат харидлари ва рақамли технологияларни ривожлантириш	30,5	33,6	36,9
	Давлат активларини мувофиқлаштириш ва давлат ДХШ	1 612,9	22,4	24,7
	Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш	32,3	35,5	39,1
<b>II.</b>	<b>Тасарруф ташкилотларининг бюджет дастурлари жами:</b>	<b>74 181</b>	<b>84 663,1</b>	<b>93 118,6</b>

Бюджет дастурлар номи		2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари	
			2026	2027
	Маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш, геодезия ва картография ишлари	218,7	225,2	233,0
	Давлат захираларини бошқариш	170,7	212,6	239,5
	Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги бўйича тадқиқотлар ўтказиш	11,6	12,7	14
	Давлат асиллик даражаси назорати	18,6	17,9	19,1
	Давлат бюджети ғазна ижросини таъминлаш	59,6	65,6	72,2
	Солиқ-бюджет соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш	18,2	23,9	26,1
	Ўқув марказида малака ошириш фаолиятини ташкил этиш	14,1	15,5	17,1
	Маъмурий бинолардан фойдаланиш	34,4	36,8	39,4
	Пенсия таъминоти	73 635,1	84 052,9	92 458,2


13-жадвал.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025-2027 йилларга мўлжалланган  
бюджет дастурлари рўйхати**

млрд сўм

Бюджет дастурлар номи		2025 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари	
			2026	2027
	<b>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг тузилмасига кирувчи ташкилотларнинг жорий ва бошқа харажатлари бўйича бюджет дастурлари:</b>	<b>2 711,8</b>	<b>2 957,2</b>	<b>3 277,8</b>
	<i>шу жумладан:</i>			
<b>I.</b>	<b>Марказий аппарат жами:</b>	<b>1 688,4</b>	<b>1 888,3</b>	<b>2 092,4</b>
	Маъмурий бошқарув	76,7	87,0	98,8
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш	139,0	148,6	165,1
	Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	414,2	439,1	465,8
	Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш	957,2	1 119,2	1 258,3
	Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш	101,2	94,2	104,2
<b>II.</b>	<b>Тасарруф ташкилотларининг бюджет дастурлари жами:</b>	<b>1 023,3</b>	<b>1 069,0</b>	<b>1 185,3</b>
	Республикада ветеринария ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш, эпизоотик барқарорликни таъминлаш ва чорва ҳайвонларини маҳсулдорлигини ошириш	472,0	444,3	488,8
	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш	14,4	14,8	15,2
	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси	332,0	360,8	397,3
	Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш	179,0	221,0	253,1
	“Ўзагроинспекция”	24,8	27,8	30,8

**Республика бюджети харажатларини  
бюджет дастурлари билан қамраб олиш даражаси**



**4.5.2. Бюджет очиклигини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантиришда фуқаролар иштирокини янада ошириш.**

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, солиқ тўловчиларнинг бюджет саводхонлигини янада ошириш орқали бюджет тушумларини ошириш ҳамда харажатларнинг самарадорлигига эришиш бўйича мамлакатимизда ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, 2024 йилда ташаббусли бюджет жараёнлари янги босқичга олиб чиқилиб, овоз бериш жараёнлари янада шаффофлашди, фуқаролар фикри асосида тақсимланадаган маблағлар хажми оширилди, мавсумлар оптималлаштирилди, қонунчилик нормалари қайта кўриб чиқилди.

**2024 йилда эришилган асосий натижалар:**

а) 2024 йилдан бошлаб ташаббусли бюджет жараёнида “**Бир фуқаро – бир овоз**” тамойили жорий этилди. Бу овоз бериш жараёнларини янада адолатли ва шаффоф ўтишига ва ўз навбатида фуқароларнинг ушбу жараёнларга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, фуқароларнинг қамровини баҳолаш орқали ҳудудлар кесимида аҳолини бюджет жараёнларига жалб этилиши даражасини таҳлил қилиш имконини беради.

Масалан, 2024 йил 1-мавсум доирасида республика бўйлаб аҳолининг 34 фоизи овоз бериш жараёнларида иштирок этдилар. Бунда энг фаол ҳудудлар сифатида Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари қайд этилган.

б) Йил давомида фуқароларни диққат эътиборини овоз тўплашга қаратилишини камайтириш ҳамда овоз бериш жараёнларини оптималлаштириш мақсадида “**Менинг йўлим**” лойиҳаси Ташаббусли бюджетнинг 1-мавсуми билан бирлаштирган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилган.

в) Лойиҳаларни шакллантириш босқичи тўлиқ рақамлаштирилди, **товар ва хизматлар классификатори** жорий этилди. Натижада, ғолиб лойиҳаларни амалга оширишда эришиладиган **натижа ва самарадорликни** баҳолаш имконияти яратилган.

Жумладан, Ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида таълим йўналишида нечта мактаб қанча ўқув парталари билан таъминланганлиги ёки нечта тиббиёт ташкилотларига қанча тиббиёт аппаратлари харид қилинганлиги каби маълумотлар базаси шаклланиб боради.

2024 йил 1-мавсум якунларига кўра умумтаълим мактабларида 4 646 та интерактив доска, 68 мингта ўқув парталари ва 2,7 мингта компьютерлар харид қилинади. Натижада, 130 минг нафар ўқувчилар замонавий таълим олиш имкониятлари яратилади.

г) туман ва шаҳар тасдиқланган бюджетлари ҳисобидан ажратиладиган маблағ хажми **10 фоизгача** (аввал 5 фоиз эди) оширилди. Натижада, бир мавсум доирасида ҳар бир туман ва шаҳарда ғолиб деб топиладиган лойиҳалар сони аввалги йилларга нисбатан 7-8 тага ошиб ўртача **15 тани** ташкил этган. Бу ўз навбатида ғолиб лойиҳалар учун тўпланган овозлар сони кўрсаткичини пасайтирган.

д) Ёш авлодда бюджет жараёни юзасидан тушунчаларни дастлабки босқичлардан шакллантириш ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида **синов тариқасида** 2024-2025 ўқув йили учун ҳар бир ҳудуддан **биттадан туман (шаҳар)да** “Менинг мактабим” жараёни ўтказилади.

Бунда 2024 йил учун **танлаб олинган** туман (шаҳар)лардаги мавжуд умумтаълим мактабларининг ҳар бирига **50 млн сўмдан** (*жами 32,3 млрд сўм*) маблағ ажратиш ҳамда **октябрь ойида** лойиҳаларни шакллантириш ва овоз бериш жараёнларини ўтказиш белгиланган.

Ушбу жараён доирасида лойиҳалар фақат мактабнинг **юқори синф (5-11 синфлар) ўқувчилари** томонидан шакллантирилиб, ажратилган маблағлар айнан ўқувчилар танлаган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилиши кутилмоқда.

Мактаб ўқувчиларида мазкур маблағ доирасида **таълим олиш имкониятларини кенгайтириш** ҳамда **бўш вақтларини унумли ташкил этиш** мақсадида электрон доска, компьютер тўпламлари, спорт инвентарлар, кутубхона учун китоблар харид қилиш шунингдек, соғломлаштириш (баскетбол, теннис ёки “workout”) майдончаларини барпо этиш имкониятлари яратилади.

е) 2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 ноябрдаги “Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-199-сон Фармони билан **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда давлат

бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи “яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш учун “Очиқ бюджет” портали орқали “**Менинг боғим**” лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланди.

2024 йилнинг май ойида “Очиқ бюджет” порталида илк мартаба мазкур жараён ўтказилиб, фуқаролар томонидан **789 та** лойиҳалар шакллантирилди. Овоз бериш жараёни якунларига кўра яшил боғ ва парклар барпо этиш бўйича **215 та** лойиҳалар ғолиб деб топилиб, мазкур лойиҳаларни молиялаштириш учун **52 млрд сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Шу билан биргаликда Ҳисоб палатаси томонидан Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган ўрганишларда қуйидагилар аниқланган. Жумладан:

Лойиҳаларнинг дастлабки қиймати ҳамда қонунийлиги **етарли ўрганилмаган** ҳолда овоз бериш жараёнига ўтказилиши оқибатида **ғолиб бўлган лойиҳаларни** амалга оширилишида **қуйидаги муаммолар юзага келган:**

– Қашқадарё вилоятида лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун **4 та** мавсумда **2 та** объект учун **10 та** лойиҳа киритилиб **12,0 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлсада, **лойиҳалар якунланмаган ва самарасини бермаган.**

Мисол учун, Шаҳрисабз туманида “Хитой МФЙ Оммағон қишлоғига Танхоз дарёсидан суғориш учун сув тармоғини тортиш” лойиҳаси 2022 йил 2,2 млрд сўм, 2023 йилда 2,4 млрд сўм, 2024 йил 1,4 млрд сўм жами 5 та лойиҳа бўйича Ишчи комиссия томонидан **6,0 млрд сўмлик** маблағ ажратилган бўлсада, мазкур лойиҳа ажратилган маблағ доирасида **қурилиш ишлари якунига етказиш имконияти бўлмаган;**

– Бино-иншоотларни мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган **3,6 млрд сўмлик 3 та** лойиҳада **таъмирлаш объекти авария ҳолатда бўлганлиги** учун лойиҳа амалга оширилмаган (Қашқадарё 1 та, Самарқанд 2 та).

Мисол учун, Самарқанд шаҳар “36-мактабни бошланғич синфлар ўқув биносини таъмирлаш” лойиҳасига **1,3 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлиб, қурилиш инспекцияси хулосасига асосан бино яроқсиз бўлганлиги сабабли таъмирлаш имконияти мавжуд эмас;

– Янги бино-иншоотлар қурилиши кўзда тутилган **2,5 млрд сўмлик 2 та** лойиҳа бўйича **қурилиш ишлари амалга ошириш учун ер майдони ажратилмаган** (Қашқадарё 1 та, Самарқанд 1 та).

Мисол учун, Ургут тумани “53-мактабга филиал сифатида бошланғич синфлар учун ўқув биносини қуриш” лойиҳасига **1,3 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлиб, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ер майдони мавжуд эмас;

– Лойиҳа қиймати юқорилиги ҳисобига **5,4 млрд сўмлик 4 та** лойиҳага **қўшимча 7,5 млрд сўм** маблағ талаб этилганлиги сабабли, лойиҳаларни амалга ошириш имконияти чекланган.

Мисол учун, 2024 йил 1-мавсумда Иштихон тумани “91-сонли мактабнинг эски биноси жойидан 90 ўринли мактабгача таълим муассасаси қуриш” лойиҳасига **1,4 млрд сўм** ажратилган. Ушбу лойиҳага қўшимча **2,7 млрд сўм** талаб этилади;

– **67 та** лойиҳани амалга оширишда **6,1 млрд сўмлик** кредитор қарздорликлар шаклланган бўлиб, шундан **5,2 млрд сўмлик 5 та** лойиҳа бўйича қурилиш ишлари якунига етмаган ҳамда **12 та** объект балансда сақловчи ташкилотларга топширилмаган (Қашқадарё 5 та, Самарқанд 12 та).

Мисол учун Ғузур тумани “Чўмичли” МФЙда жойлашган “26-сонли мактабга спорт зал қуриш” лойиҳасига 2023 йил 1-мавсумда 1,2 млрд сўм маблағ ажратилган. Лойиҳа смета қиймати 1,8 млрд сўм ташкил этган ҳолда **600 млн сўм** маблағ ажратилмаганлиги сабабли **қурилиш ишлари якунига етказилмаган**;

– Ички йўллари таъмирлаш бўйича **64 та** лойиҳага маблағ етмаганлиги сабабли **иш ҳажмлари камайтирилган** бўлса, аксинча кўрсатилган иш ҳажмларига нисбатан маблағ кўп ажратилганлиги учун **58 та** лойиҳанинг **иш ҳажмлари кўпайтирилган**. (Қашқадарё 30 та, Самарқанд 92 та)

Мисол учун, Пайариқ тумани “Халқобод МФЙ Халқобод маҳалласининг ички кўчасини **351 метр** асфальт қилиш” лойиҳасига **1,2 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлса, ҳақиқатда **2,4 км** ички йўл асфальт қилинган ёки Ургут тумани “Мўминобод МФЙнинг **7 км** ички йўллари асфальт қилиш” лойиҳасига **1,2 млрд сўм** маблағ ажратилган бўлса, маблағ етмаганлиги сабабли **2,1 км** ички йўл асфальт қилинган.

– Ижтимоий соҳада **36,6 млрд сўмлик 29 та** янги ва қўшимча бинолар қуриш лойиҳалари амалга оширилган бўлиб, мазкур объектлар меъёр бўйича жиҳозланмаганлиги оқибатида **фойдаланиш имконияти мавжуд эмас**.

Худди шундай, 2024 йил 1-мавсумда янги бино-иншоотлар қурилиши бўйича **67,0 млрд сўмлик 57 та** лойиҳада жиҳозлаш назарда тутилмаганлиги ҳисобига объектлар фойдаланилмасдан қолиш эҳтимоли мавжуд.

Мисол учун, Ургут тумани “58-сон умумтаълим мактаби 180 ўринли янги бино қуриш” лойиҳасида қурилиш ишлари сифатсиз бажарилганлиги, лойиҳа-сметасида маблағлар етишмаганлиги учун ташқи электр тармоғига уланмаган, синф хоналар жиҳозланмаган ҳамда мактабда ҳожатхона қурилиши режалаштирилмаганлиги сабабли бинодан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас.

Ҳолбуки, 2024 йилдан бошлаб, лойиҳаларни дастлабки қиймати ва қонунийлигини ўрганиб хулоса бериш амалдаги тартибга асосан **буюртмачилар зиммасига юклатилган** бўлсада, буюртмачилар томонидан **иш ҳажмининг юқорилиги ҳисобига жисмонан топшириқ ижросини таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги** маълум бўлди.

Мисол учун, биргина 2024 йил 1-мавсумда 10 иш кунида “Самарқанд Минтақавий йўллари буюртмачи хизмати” ДМ **983 та**, Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК **1 009 та** объектлар хулоса бериш вазифаси юклатилган, амалда буюртмачилар томонидан хулоса берилмаган.

**Тавсия:**

Таклиф этилаётган лойиҳаларнинг жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигини таъминлаш мақсадида ташаббусли бюджет жараёнига “Дастлабки танлов” босқичини жорий этиш тавсия этилади.

Бунда, ташаббускорлар томонидан таклиф этилаётган лойиҳалар фуқаролар томонидан лойиҳаларни шакллантириш жараёнида, яъни ташаббус лойиҳалари “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилгандан сўнг таклиф бериш жараёни яқунлангунга қадар овоз бериш имконияти яратилади.

### **V. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари таҳлили.**

Консолидациялашган бюджет лойиҳасида Давлат мақсадли жамғармаларининг 2025 йилги жами даромадлари (Трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда) 66 228,7 млрд сўм, харажатлари эса 116 947,1 млрд сўм, бюджетга трансфертлар 10 480,0 млрд сўм миқдоридан прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг 2025 йил бошидаги кутилаётган 14 979,0 млрд сўмлик қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун 54 367,2 млрд сўмлик мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

**14-жадвал**

#### **Давлат мақсадли жамғармаларининг 2025 йилги даромад ва харажатлари прогнози**

млрд сўм

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
	<b>Жами — давлат мақсадли жамғармалари</b>	<b>14 979</b>	<b>66 228,7</b>	<b>54 367,2</b>	<b>116 947,1</b>	<b>18 627,9</b>
1	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	7,3	20,0	600,0	627,3	
2	Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкый зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси			550,0	550,0	
3	Пенсия жамғармаси	2 402,4	58 926,4	18 546,0	74 939,3	4 935,5
4	Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси	0,1	222,6	240,0	462,7	

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига қолдик	Даромадлар	мақсадли трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдик
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	97,2	115,0		177,0	35,2
6	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси	182,8	1 715,2		1 696,1	202,0
7	Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	58,8	240,0	100,0	383,0	15,9
8	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	1 049,9	1 353,0		2 112,9	290,0
9	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ДМЖ	62,1	45,9	50,0	113,5	44,4
10	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	3 326,0	1 320,0		1 320,0	3 326,0
11	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	43,4	5,0	22 386,2	22 386,2	48,4
12	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси	6 172,7	500,0	2 800,0	550,0	8 922,7
13	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси	240,7		6 180,0	6 420,7	
14	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	118,2		1 150,0	1 150,0	118,2
15	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	2,5	98,6	715,0	816,1	
16	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси	974,1	1 354,6		1 789,3	539,4
17	Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси	149,8	50,0	600,0	671,1	128,7
18	Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси	22,8	170,9	300,0	491,9	1,8
19	Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	68,2	91,5	150,0	290,0	19,7

Жамоат ишлари, Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармалари фаолияти тугатилиб, негизда Камбағалликни қисқартириш ҳамда Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармалари ташкил этилганлиги учун улар 2025 йилда давлат мақсадли жамғармалари рўйхатида кўрсатилмаган.



## **5.1. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси.**

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг 2025 йил учун тушумлари 45,9 млрд сўмга прогноз қилиниб, харажатлари 2025 йил бошида жамғарма ҳисобварақларида қолиши мумкин бўлган (62,1 млрд сўм) қолдиқ маблағларни инобатга олган ҳолда жами 113,5 млрд сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

Бунда, давлат бюджетидан 50 млрд сўм трансфертлар ажратилиши кўрсатилган.

Жамғарма харажатлари 204 млрд сўмга прогноз қилинмоқда, жумладан:

- хотин-қизларни касб ҳунарга ўқитиш, ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларга 50 млрд сўм;

- оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан учун бошланғич тўловни тўлаб беришга 80 млрд сўм;

- хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш учун ресурслар ажратишга 50 млрд сўм;

- Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва мақсадли ишлар учун 10 млрд сўм;

Жамғармани сақлаш билан боғлиқ ва бошқа харажатларга 14 млрд сўм.

Юқоридаги харажатлар вазифа ва функциялари жиҳатидан Бандликка кўмаклашиш ва Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармалари ҳамда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖнинг вазифа ва функциялари билан такрорийдир.

### **Тавсия:**

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, келгусида тизимли масалаларни кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, Жамғарманинг қуйидаги вазифа ва функцияларини:

- хотин-қизларни касб ҳунарга ўқитиш, ўқув курсларини ташкил этиш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига;

- оғир ижтимоий вазиятдаги хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига;

- оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган хотин-қизларни даволашни Тиббий суғурта жамғармаси орқали амалга ошириш;

- хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖга;

- Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва бошқа мақсадли ишлар Оила ва хотин-қизлар

қўмитасига ўтказиш ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини тугатиш **тавсия этилади.**

Бунда, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳамда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖга юклатилган вазифалар ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига бюджетдан 50 млрд сўм трансфертлар ажратилиши, Оила ва хотин-қизлар қўмитасига 10 млрд сўм режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, 2025 йилда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини сақлаш билан боғлиқ **14 млрд сўм маблағлар иқтисод бўлади.**

## **5.2. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси.**

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг 2025 йил учун тушумлари 77 472,4 млрд сўмга прогноз қилиниб, харажатлари 74 939,3 млрд сўмга режалаштирилмоқда.

Бунда давлат бюджетидан 18 546,0 млрд сўм трансфертларни ажратилиши кўрсатилган.

Жамғарма даромадлари таркибидаги бошқа тушумлар 3 422,4 млрд сўм этиб прогноз қилинган бўлиб, жорий йилдаги кўрсаткичларга (1 140,0 млрд сўм) нисбатан 3 бараварга ошган.

Даромадлар прогнози таҳлил қилиниб, бошқа тушумлар бўйича прогноз қилинган суммага таъсир этувчи омиллар ўрганилганда, тушумлар миқдори жорий йилга нисбатан 3 бараварга оширилиши етарлича асослар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

### **Тавсия:**

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Пенсия жамғармаси даромадлари прогнозини қайта кўриб чиқиш ҳамда натижаси бўйича Жамғарманинг даромадлари прогнозини камайтириш тавсия этилади.

## **5.3. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси.**

2025 йил бошидаги кутилаётган қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг тушумлари 462,6 млрд сўмга (бюджет трансфертлари - 240,0 млрд сўм) прогноз қилиниб, харажатлари 462,7 млрд сўмга ҳамда Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг тушумлари 470,9 млрд сўмга (бюджет трансфертлари - 300,0 млрд сўм) прогноз қилиниб, харажатлари 491,9 млрд сўмга режалаштирилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш ҳамда Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаларининг 2025 йил учун даромадлар прогнозининг 162,3 млрд сўмдан

(бюджетдан ажратиладиган трансфертлардан ташқари) ижтимоий солиқ тушумларидан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган.

## 15-жадвал

**Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва  
Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг  
2025 йилда даромадлар прогнози**

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Шундан	
		Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси
<b>I.</b>	<b>Даромадлар</b>	<b>462,6</b>	<b>470,9</b>
1.	Давлат бюджетдан трансфертлар	240,0	300,0
2.	Бошқа даромадлар		
	<i>Ижтимоий солиқ тушумлари</i>	162,3	162,3
	<i>Қонунчиликда назарда тутилган талабларни бузганлик учун белгиланган тартибда қўлланиладиган маъмурий жазолардан ундириладиган жарималар</i>	31,1	
	<i>Бошқа тушумлар ва даромадлар</i>	29,2	8,6

30.12.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сон қарорида Бандликка кўмаклашиш ва Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиладиган ижтимоий солиқ тушумларидан ажратмалар миқдорлари бюджет ташкилотлари бўйича – **0,4 фоизни** ҳамда бошқа тўловчилар бўйича – **0,8 фоизни** ташкил этиши белгиланган.

## 16-жадвал

**Бандликка кўмаклашиш ва Камбағалликни қисқартириш давлат  
мақсадли жамғармаларига 2025 йилда ижтимоий солиқ тушумларидан  
ажратмалар таҳлили**

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Бюджет ташкилотлари	Бошқа тўловчилар	Жами
1.	Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси	136 944,9	183 933,4	320 878,3
2.	Ижтимоий солиқ миқдори	33 962,3	21 541,7	55 504,0
3.	30.12.2021 йилдаги ПҚ-73-сон қарорга асосан ажратма улуши	0,4 %	0,8 %	

№	Кўрсаткичлар	Бюджет ташкилотлари	Бошқа тўловчилар	Жами
4.	Бандликка қўмаклашиш ва Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаларига 2025 йилда ижтимоий солиқ тушум миқдори прогнози	136,9	175,1	312,0

Таҳлилларга кўра, 2024 йил мобайнида Жамғармаларга ижтимоий солиқ тушумларидан ажратмалар ҳисобидан **312,0 млрд сўм** тушиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Бюджет қонуни лойиҳасида Жамғарманинг 2025 йил даромадлар прогнози **12,6 млрд сўмга кўп** шакллантирилганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, Жамоат ишлари, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармалари негизида уларга юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун очилган Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси харажатларига 491,9 млрд сўм режалаштирилган бўлсада, ушбу харажатлар айнан қайси йўналишларга сарфланиши кўрсатиб ўтилмаган.

#### **Тавсия:**

1. Жамғармаларнинг 2025 йил бюджет лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги ПҚ-73-сон қарори талабларидан келиб чиқиб даромадлар прогнози ҳисоб-китобларини қайта кўриб чиқиш орқали ижтимоий солиқ тушумларининг прогнозини 12,6 млрд сўмга камайтириш ва мос равишда харажатларини ушбу суммага камайтириш тавсия этилади.

2. Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг харажатлар режасида режалаштирилган **491,9 млрд сўм** маблағларни ривожлантириш дастурлари ва субсидиялар кесимида батафсил акс эттириш мақсадга мувофиқ.

#### **5.4. Давлат мақсадли жамғармаларни сақлаш харажатлари таҳлили.**

Бугунги кунда давлат мақсадли жамғармалари ижро этувчи дирекция ходимларини сақлаш харажатлари жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб келинмоқда.

Бунда, жамғарма ходимларини моддий рағбатлантириш харажатлари тасдиқланган штат жадвалидан ташқари жамғарманинг даромадлари, жумладан тижорат банкларига жойлаштирилган депозит маблағларидан ҳисобланган фоиз устамадан келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан тўланмоқда.

Тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган маблағлар жамғармаларнинг даромадлари ҳисобланади.

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун ажратмалар миқдорлари белгиланмаган.

Бу ўз навбатида жамғармалар томонидан тасдиқланган Низомларга асосан чекланмаган миқдорда маблағларни сарфлаш ҳуқуқини беради.

#### **Тавсия:**

– жамғарма ходимларини сақлаш харажатларини республика бюджетига ўтказиш мақсадида 2025 йил Давлат бюджети лойиҳасида тегишли ўзгартиришлар киритиш;

– жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадларни жамғарма олдига қўйилган вазифаларга ва ходимларни моддий рағбатлантириш харажатлари учун ажратмалар миқдорларини белгилаш **мақсадга мувофиқ.**

#### **5.5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси.**

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари 22 249,4 млрд сўмга прогноз қилиниб, харажатлари 20 293,7 млрд сўмга режалаштирилмоқда.

2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатларининг ижроси 36,9 трлн сўмни ташкил этиб, режага нисбатан **3 бараварга**, 2020-2021 йилларда эса **2 бараварга** ошган.

2022 йилда Жамғарма харажатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан дастурлар кесимида тасдиқлангани боис, йиллик ижроси тасдиқланган режага нисбатан деярли ўзгармаган.

#### **17-жадвал**

т/р	Кўрсаткичлар	Тасдиқланган режа (млрд сўм)	Йиллик ижро (млрд сўм)	Бажарилиши (фоизда)	Фарқи (млрд сўм)
1.	2020 йил	5 115,0	9 466,2	185,1	4 351,2
2.	2021 йил	13 423,6	25 969,4	193,5	12 545,8
3.	2022 йил	7 727,1	8 070,7	104,4	343,6
4.	2023 йил	11 712,0	36 921,6	315,2	25 209,6

**Тавсия:** Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг барқарорлигини сақлаб қолиш, жамғармадан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида, 2025 йилдан бошлаб жамғарма учун режалаштирилган харажатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан дастурлар кесимида тасдиқлаш **тавсия этилади.**


### **VI. Давлат қарзи ва Давлат бюджетининг тақчиллиги.**

#### **6.1. Давлат ташқи қарзининг 2025 йилдаги қутилаётган прогнозлари.**

Қонун лойиҳасининг 10-моддаси билан 2024 йил давомида Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми

**5,5 млрд доллар**, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – **3,0 млрд доллар**, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – **2,5 млрд доллар** миқдорида белгиланмоқда.

8-расм



2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми – **30 трлн сўм** миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда.

“Давлат қарзи тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Давлат қарзи бўйича йиллик лимитларга киритилмайдиган давлат қимматли қоғозларининг 2025 йилда қайта молиялаштириш ҳисобига 24,05 трлн сўм миқдорида маблағлар жалб қилиш режалаштирилган.

9-расм



2025 йилда давлат ташқи ва ички қарз жалб қилиш ҳамда қайта молиялаштириш орқали жами **89,92 трлн сўм** миқдорида маблағ келиб тушиши ҳамда сўндирилиш миқдори **46,8 трлн сўм** режалаштирилган бўлиб, йил якунига қадар ҳақиқатда давлат бюджети ҳисобидан сўндириладиган давлат қарзи қолдиғи **43,12 трлн сўм** миқдорга ошиши кутилмоқда.

2025 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда **49,7 трлн сўм**, ЯИМга нисбатан **3,0 фоиз** тақчиллик билан прогноз қилинган.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигининг ЯИМга нисбати 2021 йилда 6,5%, 2022 йилда 4,0%, 2023 йилда 5,5% ва 2024 йилда 4% этиб белгиланган.

Яъни, тақчилликни қоплашнинг 80 фоизи ёки 39,75 трлн сўм қисми 2025 йил давомида ташқи қарзини жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми – 3,0 млрд доллар ҳисобидан режалаштирилмоқда.

## 18-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилги Консолидациялашган бюджетининг прогноз кўрсаткичлари

млрд сўм

№	Кўрсаткичлар	Қонун лойиҳаси бўйича
I	Консолидациялашган бюджет даромадлари	427 030
II	Консолидациялашган бюджет харажатлари	476 737
	<b>Консолидациялашган бюджет сальдоси</b>	<b>-49 707</b>

### 6.2. Давлат дастурларига йўналтирилган ташқи қарз ҳисобидан 2025 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар таҳлили.

Қонун лойиҳага мувофиқ 2025 йилда давлат ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига 18 840,4 млрд сўм миқдоридаги маблағлар харажат бўлиши кутилмоқда (2024 йилга нисбатан 14,2% ошган).

Шундан, асосий йўналишлар “Ўзсувтаъминот” АЖ (2 966,6 млрд сўм), Автомобиль йўллари қўмитаси (2 718,9 млрд сўм), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (2 468,3 млрд сўм), Сув хўжалиги вазирлиги (2 294,9 млрд сўм), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (2 109,9 млрд сўм), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (132,5 млрд сўм), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (132,5 млрд сўм) ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар (6 029,9 млрд сўм) ташаббускорлигидаги ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалар этиб белгиланмоқда.

Шаффофлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида, ташқи қарз ҳисобидан бажариладиган давлат дастурларини лойиҳалар кесимида ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини

тақсимловчилар кесимида Қонуннинг алоҳида иловаси билан кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Ташқи қарз ҳисобидан амалга ошириладиган давлат дастурлари ижроси бугунги кунда Ғазначилик билан қамраб олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100-сон Фармони билан 2025 йилдан бошлаб Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижросини ташқи аудитдан ўтказиш ва натижаси бўйича тегишли хулосаларни тайёрлаш вазифаси белгилаб белгиланган.

### Тавсия:


Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва Фармон талабидан келиб чиқиб, Ташқи қарз ҳисобидан амалга ошириладиган давлат дастурлари ижроси бугунги кунда Ғазначилик **билан қамраб олиш мақсадга мувофиқ.**

### 6.3. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш.

**6.3.1.** Тақдим этилган маълумотларга кўра давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзини сўндириш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларининг Давлат бюджети даромадларига нисбати 2020 йилда **5,8 фоизни** ташкил этган бўлган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич **19,8 фоиз** бўлиши кутилмоқда.

2025 йилда эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат қарзини сўндириш ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларининг Давлат бюджети даромадларига нисбати **22,4 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

10-расм



Тақдим этилган маълумотларга кўра, кейинги уч йилликда давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбати стабил ҳолатда сақланиб туриши кутилаётган бўлсада, давлат бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатишни давлат бюджети




даромадларига нисбати ўсишни давом эттириши ҳамда **2027 йилга** бориб **29%** ташкил этиши кутилмоқда.

Бу каби ҳолатлар йилдан йилга қарзни сўндириш учун янги қарз жалб қилиш заруриятини яратади ва давлат бюджетини ташқи ва ички молия бозорларидан қарамликни оширади.

Бунга асосий омиллар сўнги йилларда давлат бюджетидан сўндириладиган давлат ташқи ва ички қарз ўзлаштириш ошиб бораётганини ҳисобланади.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, 2024 йил якунига давлат қарзи 39,7 млрд долларни (2020 йилда 23,4 млрд доллар), шундан давлат бюджетидан сўндириладиган тақи қарз қолдиғи 21,1 млрд долларни (2020 йилда 8,0 млрд доллар), давлат бюджетидан сўндириладиган ички қарз 5,2 млрд долларни (2020 йилда 1,0 млрд доллар) ташкил этиши кутилмоқда.

11-расм



Дунёда юзага келаётган кескин геосиёсий ҳолатлар, жаҳон бозори конъюктурасидаги ноаниқлар ва ўзгаришлар натижасида сўнги йилларда давлат бюджети ҳисобидан сўндириладиган ташқи қарз маблағларининг кескин қимматлашувига олиб келиши натижасида давлат бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини давлат бюджети даромадларига нисбатини кескин ошишига таъсир кўрсатди.

Шунингдек, 2025 йилда бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун **39,75 трлн сўм** ташқи қарз маблағлари жалб қилиш ва 25,2 трлн ички қарз маблағларини ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, шундан **46,8 трлн сўми**

**ёки 72,1 фоизи** аввалги йилларда жалб қилинган давлат қарзи маблағларининг асосий қисмини сўндиришга йўналтирилиши белгиланмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, янги жалб қилинаётган давлат ташқи қарзи маблағларининг асосий қисми эски ташқи қарзларни қайтаришга ишлатилмоқда.

Бундан ташқари, ички бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда аввалги йилларда жойлаштирилган **24,06** трлн сў миқдордаги давлат қимматли қоғозларни қайта молиялаштириш орқали ушбу миқдордаги мажбуриятлар кейинги йил қарздорлик қолдиғига кўшилиши кутилмоқда.

Шу сабабли, ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажмини боқичма-босқич камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

**6.3.2.** Қонун лойиҳасида доирасида тақдим этилган маълумотларга кўра, давлат бюджетидан давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори **46 801,0** млрд сўмни ҳамда давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун харажатлар **21 586,7** млрд сўмни ташкил этиши кўрсатилган.

Мазкур харажатларни таркиби таҳлил қилинганда:

- жалб қилинган 36 та кредитлар доирасида ўзгарувчан фоиз ставкаси, чет эл валюталаридаги кросс курсдаги фарқлар ва лойиҳалар доирасидаги ўзлаштириш прогнозлари нисбатан юқори олинганлигини натижасида республика бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун **28,8** млн доллар (381,7 млрд сўм) ортиқча харажат кўзда тутилганлиги;

- жалб қилинган 4 та кредит бўйича ўзгарувчан фоиз ставкаси прогноз кўрсаткичларга нисбатан камроқ ҳисобланганлини натижасида республика бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун **2,9** млн доллар (38,8 млрд сўм) камроқ харажат кўзда тутилганлиги;

- жалб қилинган 7 та кредитлар доирасида чет эл валюталаридаги кросс курсдаги фарқлар ва лойиҳалар доирасидаги ўзлаштириш прогнозлари нисбатан юқори олинганлигини натижасида республика бюджетидан давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар учун **53,1** млн доллар (703,0 млрд сўм) ортиқча маблағ кўзда тутилганлиги;

- жалб қилинган 1 та кредит бўйича чет эл валюталаридаги кросс курсдаги фарқ прогноз кўрсаткичга нисбатан камроқ ҳисобланганлини натижасида республика бюджетидан давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар учун **0,24** млн доллар (3,19 млрд сўм) камроқ маблағ кўзда тутилганлиги;

- жалб қилинган 2 та лойиҳалар доирасида кредит маблағларини ўзлаштириш прогнозлари нисбатан юқори олинганлигини натижасида маҳаллий бюджетдан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловлари учун **9,9** млн доллар (131,73 млрд сўм) ортиқча харажат кўзда тутилганлиги;

- жалб қилинган 1 та кредит бўйича ўзлаштириш прогнозлари нисбатан юқори олинганлигини натижасида маҳаллий бюджетдан давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар **1,3 млн доллар** (16,84 млрд сўм) ортиқча маблағ қўзда тутилганлиги маълум бўлди.

Натижада, Бюджет лойиҳасида жами давлат бюджетидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари учун ортиқча **89,9 млн доллар** ёки **1 191,3 млрд сўм** ортиқча режалаштирилганлиги маълум бўлди.

#### **Тавсия:**

1. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартириш, Давлат бюджетига қўшимча юкламаларнинг олдини олиш мақсадида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган **янги битимларнинг чекланган ҳажмини келгуси йилларда босқичма-босқич камайтириб бориш.**

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги фискал ҳатарларни олдиндан баҳолаш тизимини кучайтириш орқали давлат қарзи юқини давлат бюджетидан даромадларига нисбатини камайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

3. Қонун лойиҳасида кўрсатилган Давлат қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдори таркибида Давлат ташқи ва ички қарзини сўндиришга қаратилган харажатлар миқдорини **1 191,3 млрд сўмга** камайтирган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ.

#### **VII. Хулоса**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ва 2025 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан таҳлиллар амалга оширилди.

Таҳлиллар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тавсиялари лойиҳанинг тегишли қисмларида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва Бюджетномада кўрсатилган бюджет ва солиқ сиёсати, даромадлар прогнози ва харажатларнинг чекланган миқдорлари юзасидан берилган тавсиялари асосида қайта таҳрир қилган ҳолда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритишни тавсия қилади.

*Ўзбекистон Республикаси  
Ҳисоб палатаси*